

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

ISSN 2181-502X

2017 йил, 3-сон

*Халқимизни, аграр соҳа меҳнаткашларини баҳор,  
меҳр-мурувват ва эзгулик айёми —*

**Наврўз байрами**

*билан табриклаймиз.*

*Янги деҳқончилик йилида ҳосилимиз мўл,  
дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз янада фаровон  
бўлсин!*

**Ўзбекистон Қишлоқ  
ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси**



**«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»**  
**акциядорлик компанияси жамоаси**

*Халқимиз дастурхони тўкин,  
насибаси бутун*

*бўлишида фидойилик  
кўрсатиб келаётган*

*меҳнаткаш бободаҳқону*

*галлакорларимизни,*

*улар орқали барча*

*юртдошларимизни*

**НАВРЎЗ** умумхалқ

*байрами билан*

*самимий қутлаймиз!*

**Донимиз мўл, нонимиз беминнат,  
ризқу насибамиз тўкис бўлсин!**



# НАВРЎЗ ШУКУҲИ

**Баҳор ташрифидан бутун борлиқ уйғонмоқда. Қуёшнинг илиқ тафтидан тупроқ тўлғонди, қир-адирлар яшил рангга кирди. Боғларда ўрик, гилос, шафтолилар бодроқ-бодроқ гуллади. Ялпиз ўйноқи жилға шилдирашидан маст бўлиб, қир-гоқларга ястанди. Митти жониворлар — чумолию асаларилар гайратини намойиш этиб, тиним билмайди. Жамики жонзотда жонланиш бошланди.**

Баҳор, Аёл, Наврўз. Бу уч сўзни бир-биридан айро тушуниб бўлмайди. Яшариш фасли баҳор кириши билан ҳаё ва гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз. Орадан кўп ўтмай энг қадимий, энг азиз байрамларимиздан бири Наврўзи олам кириб келади. Бу уч сўз замирида яшариш, нафосат, севги, меҳр-оқибат, вафо, садоқат тушунчалари мужжасам.

Табиатнинг жонланиши, гўзаллик ва нафосатга бурканиши билан баҳор йилнинг энг дилбар фасли бўлса, оиланинг баҳори назокат ва нафосатли аёлдир. У - меҳрибон она, садоқатли рафиқа, оқила тарбиячи.

Халқимиз аёлларни азалдан ардоқлаб, шарафлаб келган. Бугун ҳам улар эъзозда, жамият ҳаётида фаол. Ўзбек аёли ким эканлигини жаҳонга намён қилаётган олима-ю тадбиркор, шоира-ю шифокор, депутату-сенатор хотин-қизларимиз бисёр. Аёлларимиз орасидан 15 нафар “Ўзбекистон Қаҳрамони”, 6 нафар академик, 510 нафар фан доктори, қарийб 5 мингдан ортиқ фан номзодлари етишиб чиққани уларнинг жамиятда нуфузи юксак эканидан далолатдир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан онажонларимизни, опа-сингилларимизни самимий кутлаймиз. Уларнинг юзларидан ҳеч қачон табассум аримасин. Барча эзгу ишларида омад ёр бўлсин. Бахтимизга доим ҳаётимиз кўрки бўлиб юраверсинлар.

Кўклам ташрифи кекса отахону онахонлар қалбига илиқлик бағишлади. Улар дилда, тилда шукроналик билан умрларининг навбатдаги янги йили — Наврўз ила юзлашдилар. Завқи тошиб, қир-адирда ўйнаб, варрак учириб, яйраб юрган набираларга термулиб ҳаёти зарварақларидаги олис хотираларни маҳзунгина эслашга тутиндилар.

Ҳамал сабосидан бободоҳқон руҳи кўтарилди, биллақларида гайрат жўшди, ниятини бутун қилиб, баракали хирмон уюшни кўнглига тугиб, даласига йўл олди.

Фаллакор бугун даласида туриб, қишдан омон чиққан майсалар таш-

вишини чекмоқда, пахтакор эса ҳар дамни ғанимат билиб, гайрат қилмоқда. Агар назар ташласак, деҳқон учун тўртта фаслнинг ҳам рисоладагидек келганини ҳеч ким эслай олмайди. Қайсидир фасл, қайсидир ой, баъзан бутун йил деҳқонга турлича ноқулайликлар туғдирган. Бир сўз билан айтганда, табиат инжиқликлари билан деҳқон аҳли ҳамиша юзма-юз туриб меҳнат қилиб келаёттир. Бу гал унинг кириб келаётган йилдан умиди катта. Шунинг учун ҳам бугун деҳқон экинлар парвариши-ю, уруғ қадаш юмушларини тезкорлик билан амалга ошириш чораларини кўрмоқда.

Боғбон қийғос гулга кирган боғига боқиб, кўклам юмушларини ре-

**Ҳар тунинг Қадр ўлибон,  
Ҳар кунинг ўлисин Наврўз.  
Алишер Навоий.**

жалаштирганча қишнинг аёздан омон чиққан дарахтлар, кўчатлар парваришини бошлаб юборди. Новдалардаги нафис гулларга боқиб, эрта бир кун дастурхонларга тортилажак мева-чеваларни кўз олдига келтириб, кўнгли тоғдек ўсди.

Чўпоннинг хонанишин кунлари орта қолди. У кўнгли соғинган кенгликларга — яйловларга сурувини бошлади. Танидан қишнинг чарчоғи кўтарилгандек бўлди. Чунки чўпон кенгликлар одами.

Бу жараёнлар инсон ва табиатнинг бир-бирига уйғунлигидан далолат, албатта. Шунинг учун ҳам халқимиз азалдан Наврўз — йилбошини ўзига хос анъаналар, байрамона тадбирлар билан қарши олган. Кун билан тун тенглашган ушбу санада бувиларимиз сумалақ, кўк сомса каби баҳор таомларини элу юртга тортиқ қилиш билан овора бўлишса, боболаримиз ҳалим тайёрлашга киришади. Бу анъаналарнинг замирида келаётган деҳқончилик йилининг қутли ва баракали бўлиши нияти мужжасам.

Экин-тикин, дов-дарахтлар ривожланиши, ҳосил бериши, энг аввало, қуёш ва ерга боғлиқдир. Инсон ана шу икки хилқатни бирлаш-

тириб турадиган сабабчи воситасини ўтайди. Бу сабъ-ҳаракат Наврўз айёмини улкан шодиёна сифатида нишонлайди.

Яшариш ва янгилашиш фасли — Наврўз айна мустақиллик йилларида юксак мақомда ва оммавий равишда умумхалқ байрами сифатида узлуксиз нишонланадиган бўлди. Пойтахтимизда, вилоятларда, қишлоқ ва овулларда бу байрам зўр шодиёна, хурсандчилик асносида нишонланиб, турли халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, лапарлар, термалар айтишуви эл-юрт кўнглига завқу шуқуҳ тақдим қилади. Бу воқелик эса қадим аждодларимиз руҳияти бугунги кунда ҳам жамиятимиз ҳаётида акс этаётганидан далолат. Бу эса ватанпарварлик туйғуларини, ўтмиш қадриятларига ихлос ҳиссиётларини янада жонлантиради.

Айниқса, мазкур байрамда ногиронлар, якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш меҳр-оқибатга, ўзаро келишмай қолган кишилар ярашиши эса эзгуликка йўғрилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Наврўз кунлари ҳеч бир инсон меҳру эътибордан четда қолмайди.

Авваллари бир неча мамлакатлар доирасида нишонланаётган байрам ҳозирги кунда бугун сайёрамиз миқёсида халқаро байрам сифатида эътироф этилаётганлиги Наврўзнинг оламшумул нуфузини тасдиқлайди. Хусусан, 2010 йилда БМТ томонидан 21 март — Халқаро Наврўз кунини деб тан олингани фикримиз далилидир.

Ҳақиқатдан ҳам, азалий миллий байрамларимиздан бўлган Наврўз халқимизнинг урф-одатларига, анъаналарига, миллий қадриятларига, маънавиятига чуқур сингиб кетган улғу айёмдир.

Шунингдек, бу айём меҳнат байрами ҳамдир. Шу кунлари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олган.

Ана шу кўтаринкилик халқимиз қалбида мамлакатимизнинг жадал ривожланаётгани, турмушимиз тобора фаровонлашаётгани, осмонимиз мусаффолиги-ю элу улус тинч-осойишта ҳаёт кечираётгани шукроналик туйғуларини жўштиради, албатта.

Шу байрамона кайфият юртимиз аҳлини ҳеч қачон тарк этмасин.

**Тоҳир ДОЛИЕВ.**



## ҒАЛЛАКОРНИНГ БАҲОРИЙ ЮМУШЛАРИ

**Бу йилги қиш фаслининг февраль ойида ёгингарчиликнинг кўп бўлиши ғалла майдонларида бегона ўт, ҳар хил касалликлар айниқса, занг касалликлари ҳамда зараркунандаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратди.**

Кеч экилган ғалла майдонларида туплаш фазаси об-ҳаво ва ҳароратига қараб март ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳам давом этади. Ушбу майдонларда суспензия сепиш ишларини амалга ошириш яхши самара беради.

Март ойининг энг муҳим тадбирларидан бири бу — ғалла майдонларида 2-озиклантиришни амалга ошириш ҳисобланади.

Буғдой найчалаш фазасида ўсимликни эрта баҳорги ҳолатига нисбатан фарқи шундан иборатки, бу фазада ўсимликни вегетатив органлари, энг асосийси поялар сони кўпайган бўлади. Шу сабабли буғдой найчалаш фазасида азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда 300-320 кг.га миқдори берилади.

Найчалаш фазасида ниҳолларни намлик ва озуқа моддалар билан таъминланиши муҳим ўрин тутади. Чунки бу фазада ўсимликларда най ичида бошоқ шаклланади. Найчалаш фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Шу қисқа даврда буғдой ўсимлиги бутун ўсув даврида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Найчалаш фазасида намлик ва озуқа моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Эрта баҳорда буғдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга, минерал ўғитлар суспензияси сепилиши, ўсимликларни эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Эритма тайёрлашда физик ҳолда 25 кг карбомид 300 литр сувда эритилади ва махсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига сепилади.

Шунда ғалла илдиздан ташқари баргдан озиклантирилганлиги сабабли ўсимлик барг сатҳини қалинлашиши, ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлигини ошириш билан бирга фотосинтез жараёни яхшиланади. Натижада ўсимликни ўсиш-ривожланиши тезлашади.

Суспензия сепишда, буғдой

майсалари ер устки қисмини тўла қоплаганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки сепилган суспензиянинг асосий қисми ер устки қатламга тушади, бундан ўсимлик фойдалана олмайди, натижада суспензияни самарадорлиги пасаяди.

Озиклантирилган майдонлар ҳар бир минтақани тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда 600-650 м<sup>3</sup> ҳисобида суғорилади. Суғориш жараёнида қўшимча озиклантириш мақсадида, маҳаллий ўғитларни шарбат усулида оқизилиши мақсадга мувофиқ.

Бегона ўтдан кучли зарарланадиган 2-йил ғалла экилган майдонлар март ойининг 3-декадасидан бошлаб, тавсия этилган гербицидлар ёрдамида дастлабки ишлов бериш бошланади. Шунингдек, зарарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари қўл аппаратлари ёрда-



мида профилактик ишловдан ўтказилиши зарарли хасва ва занг касаллигининг кенг тарқалиши, олдини олади

Ғалла майдонларини озиклантириш ва суғориш ишлари амалга оширилгандан кейин, ғалла ниҳоллари билан бирга 1-2 йиллик бегона ўтлар (жағ-жағ, эшакшўра, олабута, қўйпечак, итузум, минг-девона, семизўт, қўйтукан, ёввойи сули, райграс, тулкидум ва бошқалар) ривожланади. Бундай бегона ўтларга қарши уларни тури ва сонига қараб гектарига “ЭнТопик” (0.3-0.4 л), “Атлантис Стар” 25 фоизли (0.2-0.3л), “Тердок” 8 фоизли (0.3-0.4 л), “Гранстар” 75 фоизли (15-20 гр), “Далслак” 8 фоизли (0.3 л), “Биостар” 75 фоизли (10-20 гр), “Далстар” 75 фоизли (10-20 гр), “Хуссар” 5 фоизли (0.05-0.1 гр), “Пик” 75 фоизли (15-

20 г), “Тайфун” 75 фоизли (15-20 г), “Энтосупер” 75 фоизли (0.6-0.8л) гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Республикамик шароитида сариқ ва қўнғир занг касалликлари ғалла ҳосилига жиддий зарар етказиши натижасида дон ҳосили 40-45 фоизи йўқотилмоқда.

Замбуруғли касалликлар кучли тарқалиши хавфи сезилганда кимёвий препаратлар билан гектарига 22.5 фоизли (0.3-0.5 л) “Дуплект ТТ”, 6 фоизли (200-300 л) “Титул ДУО” 2, 22.5 фоизли (0.75 л) “Консул”, “Торсо” эм.к. (0.3-0.5), “Рекс ДУО” (0.4-0.6 л), “Альтосупер” 33 фоизли (0.3 л), “Этоликкур” 22.5 фоизли (0.3-0.5л), “Уредоцин” 22.5 фоизли (0.3-0.5 л), “Химпакт” 35 фоизли (0.2-0.4 л) меъёр билан 200-300 литр сувли ишчи эритма тайёрлаб ишлов бериш яхши самара беради.

Бошоқли дон экинларининг асосий зараркунандалари зарарли хасва, шиллиқурт, трипс ва шираларга қарши гектарига “Децис” 2.5 фоизли (0.25 л), “Багира” 20 фоизли (0.2-0.3 л), Атилла супер 10 фоизли (0.1 л), “Далатэ” 5 фоизли (0.15-0.2 л), “Сумитион” 50фоизли (0.6-1.0 л), “Агрофос Д” 55 фоизли (0.5 л) меъёрда 300 литр сувли ишчи эритма тайёрлаб ишлов берилади.

Мазкур чора-тадбирлар ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароити ва ғаллани ривожланиш фазаларига қараб 5-10 кун олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Агротехник тадбирларнинг кечикиб ва устига-устига сифатсиз бажарилиши, харажатларни мутлақо самарасиз бўлишига олиб келади.

Юқоридагиларни инobatга олиб агротехник чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилиши мўл ҳосил гарови бўлиб хизмат қилади.

**Р.СИДДИКОВ,**

*Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.,*

**И.ЭГАМОВ,**

*илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, қ.х.ф.н.*

# ЕРЛАРНИ ЭКИН ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

**Фермерлар ерларни баҳорги экин экишга тайёрлашда тишли ва дискли тирмалар, чизел-культиваторлар, мола-текислагичлар ва бошқа текислагичлардан кенг фойдаланадилар.**

Ерларни экин экишга агротехник талаблар даражасида сифатли тайёрланишини таъминлашда машиналарни созлаш ва улар асосида тузилган агрегатлардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

**Тирмалаш агрегатларини тузиш ва тайёрлаш.** Тупроқ ортиқча зичланмаслиги ҳамда иш унумдорлиги юқори бўлиши учун тирмалаш агрегатлари занжирли тракторлар ва кенг қамровли тиркамалар асосида тузилиши лозим. Бунда агрегат бир хил турдаги тирмалардан ташкил топган ҳамда уларнинг тишлари тўғри, ўткирланган, бир хил узунликда ҳамда ўткирланган учи билан олдинга (ҳаракат йўналиши бўйича) қараб ўрнатилган бўлиши керак.

Тирмалашда гилдиракли тракторлардан фойдаланилганда гилдираклар орқасига улар қолдирган изларни юмшатадиган қурилмаларни ўрнатиш тавсия этилади.

Шўрланмаган ҳамда яхоб суви берилмайдиган далаларни тирмалашда икки қатор ўрнатилган БЗСС-1,0 ўрта тирмалардан, шўри ювилган ва яхоб суви берилган далаларни тирмалашда эса БЗТС-1,0 ва БЗТХ-1,0 оғир тирмалардан фойдаланиш юқори иш сифатини таъминлайди.

Пушта олинган далаларни тирмалашда чопиқ тракторларига осилган тирмалардан фойдаланиш яхши натижа беради, чунки бунда пушта ва жўяклар трактор гилдираклари томонидан эзилмайди.

**Чизель-культиваторларни ишга тайёрлаш ва созлаш.** Далага чиқишдан олдин чизель-культиваторлар иш



органлари ва тирмалар билан жиҳозланади ҳамда агроном ёки фермер томонидан белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва ўғит солиш меъёрича созланади. Ўт босмаган далаларга ишлов беришда чизель-культиватор юмшаткич панжалар, ўт босган далаларга ишлов беришда эса ўқёйсимон панжалар билан жиҳозланади. Ерларга ишлов бериш билан бирга ўғитлаш ҳам назарда тутилган бўлса, олдинги икки қаторга юмшаткич панжалар, охириги учинчи қаторга эса ўғит сошниклари билан жиҳозланган ўқёйсимон панжалар ўрнатилади.

Тупроқни яхши майдалаш мақсадида юмшаткич панжалар поғонасимон, яъни иккинчи қатордаги панжалар биринчи қатордагиларга, учинчи қатордаги пан-

жалар эса иккинчи қатордагиларга нисбатан 3 сантиметр чуқурроқ юрадиган этиб созланади.

**Ерларда эрта кўкламги тирмалашни ўтказиш.** Бу тadbир ерларни баҳорда экин экишга тайёрлашдаги биринчи тadbирлардан бўлиб, уни ўтказишдан асосий мақсад дала юзасида майин тупроқ қатлами ҳосил қилиб, куз-қиш даврида тупроқда тўпланган намни сақлаб қолиниши ҳамда униб чиқаётган бегона ўтларни йўқотилишига эришишдан иборат.

Эрта кўкламги бороналашнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги тупроқдаги намнинг кўтарилиб кетиши, дала юзасининг серкесак бўлиб қолиши ва ҳайдов қатламининг қотиб қолишига сабаб бўлади. Натижада ерни тайёрлаш ишлари қийинлашиб, уруғни сифатли экиш ва қийғос ундириб олиш имкони бой берилади. Шу боис эрта кўкламда тупроқнинг 8-10 см юза қатлами етилиши биланоқ далалар 2-3 кун муддатда тирмаланиши лозим.

Шўри ювилган ва яхоб суви берилган майдонларда олдин даланинг етилган қисмлари оралатиб, сўнгра эса бутун дала юзаси тирмаланиши лозим. Бу тупроқ майин бўлиши ва бутун далани бирдай етилишини таъминлайди.

Агар дастлабки тирмалашдан кейин ёққан ёмғирлар қалин қаткалоқ бўлишига олиб келса, мазкур тadbир такрорланади.

Тирмалаш агрегатларини диагонал бўйлаб ёки диагонал-қирқма усулда ҳаракатланиши тупроқнинг кўнгилдагидай майдаланиши ҳамда дала юзасининг яхши текисланишини таъминлайди. Қайта тирмалашда агрегатни олдинги тирмалашга нисбатан кўндаланг юргизиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тирмалашда агрегат аввал ўтган изига параллел ва шу из устидан 15-20 см кўшиб ўтиши лозим.

Иш жараёнида тирмаларнинг ҳамма тишлари тупроққа бир хил чуқурликда ботиши, ҳар бир тиш ўзи мустақил из қолдириши ва улар орасидаги масофа бир хил бўлиши керак. Бунга асосан тирмаларни тиркамалар билан боғловчи тортқилар узунлиги ва улар орасидаги кўндаланг масофаларни ростилаш йўли билан эришилади. Агрегат ҳаракатланганда тирмаларнинг олдинги қисми кўтарилса тортқилар узайтирилади, акс ҳолда эса қисқартирилади. Агар ёнма-ён жойлашган тирмалар орасидаги масофалар ҳар хил бўлса, тиркама брусдаги хомутлар у ёки бу томонга сурилади.

Йирик кесаклар сақланиб қолган айрим пайкалларга тупроқ етилиши билан БДТ-3,0 ва ТДБ-5 каби дискли тирмалар ҳамда хўжаликларда мавжуд бўлган фрезали культиваторлар (КВФ-2,8, ОПУ-2,2, «Циркон») билан 8-10 см чуқурликда 1-2 марта ишлов берилиши лозим.

**Ерларга экин экиш олдиндан ишлов бериш.** Бево-сита экиш олдиндан шўрланмаган ҳамда табиий нами етарли бўлганлиги туфайли яхоб суви берилмайдиган ерлардаги дала четлари, тупроғи ўтириб қолган ва ўт босган жойлари чизелланади, сўнгра бутун майдонга мола-текислагичлар ёки бошқа текислагичлар билан тирмалар кўшилган ҳолда ишлов берилади.



Шўри ювилиб яхоб суви берилган далалар экиш олдидан чизель-культиваторлар билан 14-18 см чуқурликда юмшатилади ва ўғитланади, сўнгра изма-из тирмаланиб мола босилади.

Чизелланган далаларга МВ-6,0 мола-текислагичлар билан ишлов берилганда унинг гилдираклари иш ҳолатига ўтказилади, яъни юқорига кўтариб қўйилади, пичоқлари эса тупроқни зичлаш ҳолатига ўрнатилади. Тупроқнинг зичланиш даражасини ошириш учун унинг корпуси ичига металл юк қўйилади ёки тупроқ солинади. Агрегат ишлов берилётган даланинг диагонали бўйича ҳаракатланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Пушта олинган далаларда экишдан олдин пушталар усти юмшатилади ҳамда уларнинг тепасидаги қуруқ тупроқ сидириб ташланади.

**Машиналарнинг иш сифатини баҳолаш.** Ерларни тайёрлашда қўлланиладиган машиналарнинг иш сифати ишлов бериш чуқурлиги, дала юзасининг текислиги, тупроқнинг уваланиш сифати ва зичлиги ҳамда бегона ўтларнинг йўқотилиш даражаси билан белгиланади. Экишга талаб даражасида тайёрланган далаларда тупроққа ўртача ишлов бериш чуқурлиги агроном томонидан белгиланган кўрсаткичдан  $\pm 1$  см. дан ортиқ фарқ қилмаслиги, уруғ экиладиган қатламда ўлчами 25 мм. дан кичик тупроқ бўлақларининг миқдори камида 80 фоизни ташкил этиши, ўлчами 50

мм. дан катта кесаклар умуман бўлмаслиги, ишлов берилган қатлам зичлиги 1,1-1,2/см<sup>3</sup> оралигида ҳамда бегона ўтлар тўлиқ йўқотилган бўлиши лозим.

Доимий равишда машиналарнинг техник қаровларини ўз муддатида ўтказиш ҳамда юз берган носозликларни жойида баргараф этиб бориш улар иш кўрсаткичларини талаб даражасида ушлаб туриш имконини беради.

Ҳар куни ишдан олдин машиналар тракторчи томонидан кўриқдан ўтказилиши, уларнинг керакли жойлари мойланиши, эгилган, синган ва ейилган иш органлари алмаштирилиши ҳамда аниқланган носозликлари дарҳол баргараф этилиши лозим.

Мураккаб бўлмаган носозликлар тўғридан-тўғри даланинг ўзида баргараф этилади. Бунинг учун ҳар бир туман ва муқобил машина-трактор парклари (МТП) қошида тезкор кўчма устахоналар ташкил этилиши, улар керакли эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалари билан бутланган бўлишлари керак.

Мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи носозликларни тузатиш МТПлар қошидаги устахоналар ҳамда маҳсус сервис корхоналарида амалга оширилади.

**А.РАЖАБОВ,  
М.ТОШБОЛТАЕВ,  
А.ТҶҲТАҚҶЗИЕВ,  
(ҚХМЭИТИ).**



## Қорақалпоғистон Республикаси Ғўза уруғчилиги маркази жамоаси

**Жонажон Ватанимиз аҳолисини,  
давлатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган  
пахтакорларни, ғўза уруғчилигини ривожлантириш бўйича  
меҳнат қилаётган соҳа ходимларини миллий байрамимиз —  
Наврўзи олам билан табриклайди.**

**Ҳар кунимиз  
Наврўз бўлсин!**





# ҲАМ САМАРАЛИ, ҲАМ АРЗОН

**Қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиб-ривожланиши, тезпишарлиги ва маҳсулдорлиги каби жараёнларига озиқлантириш ва сув тартиби билан бир қаторда уруғнинг сифати ҳам катта таъсир кўрсатади. Одатда уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги 60-70 фоиздан ошмайди. Уни 80-85 фоизгача етказилиши ўсимликларнинг кўчат қалинлигини янада тўлиқ ва бир текис бўлишини таъминлайди ва ҳосилдорликни ошириш учун асос бўлади.**

Бу борада қишлоқ хўжалик экинлари уруғларига экишдан олдин ишлов беришнинг янги технологияларини излаб топиш инқирозга қарши дастурни амалга оширишда катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, мамлакатимизда ғўза асосий экинлардан биридир. Тўлиқ ниҳолларни ундириб олиш, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши кўп жиҳатдан уруғнинг сифатига боғлиқ.

Униб чиқиши ва юқори ҳосил беришига, уруғларнинг ҳаётчанлиги ва тўлиқлиги билан белгиланади. Бундан ташқари улар соғлом, патоген ва кемирувчи зараркунандалардан ҳимояланган бўлиши керак.

Шундай қилиб, уруғларни озиқ элементлари, витаминлар, биостимуляторлар билан бойитиш истиқболни белгилайди ва уни ҳал этиш экин ҳосилдорлигини оширишга имкон яратади.

Ўсимликларни ҳимоялашда кимёвий воситалар ҳамда ўсишни бошқаришда фойдаланишнинг самарали усули биологик фаол бирикмаларнинг полимер, препаратив шакллари билан уруғларга экиш олдида ишлов бериш ҳисобланади.

Тукли чигитларни кимёвий туксизлантириш жараёнида ўсимликлар гоммоиз касаллиги билан зарарланишининг олди олинади. Шу билан бирга ўсимликларни ривожланишининг бошида ва онтогенезни ҳар хил босқичларида ўсишини рағбатлантириш учун уруғларни экиш олдида дорилаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физика институтида ЎЗХИТАНнинг карбоксиметилцеллюлозанинг натрий тузи ва хитозан ва унинг ҳосилаларидан таркиб топган полимер препаратив шакли ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритилган.

2008 йилда ЎЗХИТАН препаратини ишлаб чиқариш регламенти тайёрланиб, уруғларни экишдан ол-

дин уруғлик чигит тайёрлаш корхоналарида ишлаб чиқариладиган капсулаланган чигитлар учун техникавий шартлар яратилган. Ўзстандарт агентлиги томонидан TSh 88.2-15:2007 “Капсулаланган уруғлик чигит” техникавий шартлари тасдиқланган.

“Капсулаланган уруғ” га MGU 15435 рақамли савдо белгиси олинган. № IAP 03956 “Уруғларни капсулалаш усули” учун, № IAP 20130 271 “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига экишдан олдин ишлов бериш учун композиция ва уни олиш усули” ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган.

Бу препарат заҳарли эмас, экосистемани ифлослантirmайди, тупроқда тез чириydi ва касаллик чакирувчиларни бостиришда, уруғларнинг унувчанлиги, ўсимликларни ўсиш-ривожланишини кучайтиради.

Унинг муҳим афзалликларидан бири — ушбу препаратив шакл ёрдамида чет эл препарат ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган технологияларни келтиришнинг олдини олади. Препаратнинг нархи чет эл аналогларига нисбатан анча арзон.

Ҳозирги пайтда қафолатланган юқори ҳосил етиштиришни ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (пестицидлар), макро ва микро ўғитларни қўлланмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ, ноқулай об-ҳаво шароитларида (ёғингарчилик, ҳавонинг кескин совиб кетиши сабабли) экишни маълум муддат қолдириш керак бўлиб қолганда, намланган чигитлар ўсиб кетиб, уларнинг сифати ёмонлашади. Шу сабабли уруғларни экиш олдида тайёрлашнинг истиқболли усулларида биттаси - бу капсулалашдир.

Бу усул нимадан иборат?

Капсулалаш технологияси қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг юза

қисмини сувда эрувчи полимернинг биологик фаол юпқа плёнка ҳосил қилиши орқали юқори адгезион чидамлилиги ва сорбцион сиғими билан ниҳоясига етказилади.

ЎЗХИТАНни амалий қўллашда капсулалаш технологияси қуйидаги самарадорликка эга:

- уруғларнинг экиш сифатини яхшилади;
- уруғ сиртида кимёвий воситаларнинг тўкилишини бартараф этади;
- ўсимликларнинг касалланишини камайтиради;
- аниқ экиш технологиясини тақомиллаштиради (20-30 кг/га);
- уруғ униб чиқишини тезлаштиради;
- ҳосилдорликни оширади (2-5 ц/га);
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилади;
- заҳарли кимёвий воситаларни кам заҳарли ва заҳарсиз воситаларга алмаштириди.

ЎЗХИТАН билан капсулалаш технологияси охириги бир неча йил давомида республикамизнинг қатор вилоятларида муваффақиятли синовлардан ўтмоқда. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Манғит шаҳри “Юлдуз” пахта тозалаш корхонаси, Сурхондарё вилояти “Олтин Чигит” қўшма корхонаси, Андижон вилояти “Андижон элита уруғлари” қўшма корхонаси, Сирдарё вилояти “Бахт” пахта тозалаш хусусий жамоа корхоналарида мазкур препарат билан капсулаланган уруғлик чигитлар фермер хўжаликлари далаларида экиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалик ўсимликларини ҳимоя қилишнинг маҳаллий полимер препаратив шакллари ҳамда хусусий биологик фаолликка эга бўлган биологик фаол полимерларни ишлаб чиқариш ва қўллашнинг янги технологияларини яратилиши экологик хавфсиз, юқори самарали, импорт ўрнини босувчи пестицидлар ва маҳаллий агрохимикатларга ўтишга, келгусида агросаноат комплексида модернизациялаш ва локализациялаш дастурларининг равнақ топишига имкон беради.

**Д.РАШИДОВА,**  
қ.х.ф.д.,

**Р.НАЗАРОВ,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
қишлоқ хўжалиги ходими, қ.х.ф.д.,

**Янгиланиш ва эзгулик рамзи –  
Наврўз айёми билан**  
барчани муборакбод этиб,  
бободехқонларимиз экаётган уруғлари  
баракали, ҳосили мўл, даромади мўмай,  
турмуши янада фаровон бўлишини  
тилаймиз.

Ушбу фараҳбахш кунларда сиҳат-  
саломатлик, бахт-саодат ва улкан  
бунёдкорлик ишларимизда барчамизга  
омадлар ёр бўлсин!

**Ѓўза уруғчилиги республика  
маркази жамоаси**





# ЭРТА БАҲОР ТАДБИРЛАРИ

**Дарахтларга шакл бериш буташ-сийраклаштириш ишлари бу йил нисбатан кечроқ бошланганлиги сабабли, ушбу агротехник жараёнлар дарахтларнинг куртаклари бўртишига қадар тугатилиши зарур.**

Ўрикнинг шохчалари яхши ўсиб чиқиши учун учдан бир қисмига ёки ярмига қисқартирилади. 20-25 ёшли дарахтларида ўсиш жараёни қисқариб, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Бу даврда дарахтлар икки-тўрт йиллик шохи бутаб ташланади. Қариб қолган ёки ўсиш жараёни сусайган дарахтларни беш-етти йиллиги бутаб ёшартирилади. Шагал қатлами юза бўлган ерларда ўрикни 10-12 ёшдаёқ ёшартириш, 17-20 ёшда эса соялатувчи асосий шохлар ва қалин ўсган новдаларни олиб ташлаб, беш-олти ёшлик шохигача буташ керак. 30-35 ёшли дарахтлар етти-саккиз йиллик шохигача кесиб ёшартирилади. Унумдор тупроқлардаги ўрик дарахтлар ҳам шу тарзда ёшартирилади.

Олхўрининг кўпгина навларида мева туғиш органлари қисқа мева шохчалари-пихсимон шохчалардан иборат бўлади. Ёш олхўри дарахтининг пастки қисми яланғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохланадиган навларда биринчи кейин эса иккинчи тартибдаги шохлар баландлигида қисқартирилади. Бўйига ўсишини, бошқа мевали дарахтлардаги каби чеклаб туриш зарур.

Барча ҳолларда биринчи навбатда, касалланган, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб шикастланадиган шохлар олиб ташланади.

Гилоснинг Наполеон Розовый, Валерий Чкалов, Воловье сердце, Ревершон, Баҳор ва Дрогана желтая навларида куртаклар уйғониши ва асосий шохларда ёш шохчаларни ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида, асосий шохлар қисқартирилади.

Ёш дарахтлардаги узунлиги 40-45 см. ли новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради. Узун новдаларни эгиб, ярус ҳосил қилинса, ундан куртаклар чиқа бошлайди. Шохларни қисқартириш ва чилпиш шох-шаббани ихчам қилади, шохларда ўсув новдаларини кўпайиши ва даста шохларининг ўсишига ёрдам беради.

Яхши шохланадиган Валерий Чкалов ва Баҳор каби навларда фақат узун (50-60 см) новдалар қисқартирилади.

Шох-шаббасини шакллантириш-

да дарахтларнинг бўйига ва ён томонга ўсишини чеклашга эътибор бериш керак. Агар гилос новдалари суст ўсса, шохлар икки-уч йиллик шохигача қисқартирилади. Дарахт қарий бошлаганда шох-шаббасини кўпроқ буташ йўли билан ёшартирилади.

Олча - бошқа турдаги дарахтларга нисбатан кам буталади. Фақат жуда зарур бўлганда яъни қалинлашиб кетган шох-шаббалар, синган, қуриган шохлари олиб ташланади. Қариб ёки ўсиши сусайган (10 см. гача), ҳосили камайган даврда дарахт ҳолатига қараб, уч-беш йиллик шохигача кесиб ёшартирилади, тик ўсадиган навлар кўпроқ, шохлари ёйилиб, косасимон ўсадиганлари эса камроқ кесилади.



Шафтолига экилган йили уч-бешта она шохдан шох-шабба ҳосил қилиш мақсадида косасимон шакл берилади. Кучли ва баланд ўсадиган навларига шох-шаббаси тўрт-олти она шохдан иборат косасимон шакл берилади.

Биринчи шох 35-40 см баландликда, қолганлари бир-биридан 15-20 см масофада бўлиши керак. Шафтоли буталмаса шох-шаббаси қалинлашиб, ички қисмидаги шохларнинг барги тўкилиб кетади, мевалар фақат ташқи шохларда ҳосил бўлади. Дастлабки бир-икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартириб турилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учдан ўсиб чиққан, узунлиги 50-60 см ва ундан узун новдалар учдан бир

қисмига ёки ярмига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади.

Асосий шохлардаги мева шохчалари, заиф ва шох-шаббани соялатирувчи шохлар халқасимон тарзда кесилади, бунда кучли ўсган шохлар бир-биридан 10-15 см ораликда қолдирилади. Мева куртаклари шохнинг пастки қисмида ҳосил бўладиган навларда унинг асосига яқин ўсган шохлар кўпроқ кесилади, куртаклар шох учига ҳосил бўладиганларида камроқ кесилади. Шохларнинг узун ўсиб кетиши ва эгилиб қолишига йўл қўймалик мақсадида, уларни бир-бирининг ўрнини босиш усулида кесилади, яъни ҳосил берган шохлар пастроқда жойлашган, мева куртаклари етарлича миқдорда бўлган шохлар баландлигига ча кесилади, мева берадиган шохларда эса уч-тўртта кўзча қолдириб кесилади. Шафтоли қариганда ёки совуқ урганда бутаб ёшартирилади. Бунда икки-уч йиллик новдага кучлироқ совуқ урганда ёки қариб қолганда катта ёшдаги шохлар соғлом қисмигача кесилади.

Ҳосилли боғ ва тоқзорларни эрта баҳорда (март ойи бошларида) озиклантириш учун минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли ўғит-120 кг, фосфорли ўғит 90 кг ва калий ўғитидан 30-45 кг бир гектарга (20-25 см чуқурликда) солиш керак. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган боғларда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида, ушбу меъёр 20-30 % га оширилади. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб берилса, самараси ошади.

Баҳор фаслида қисқа муддатли совуқлар тез-тез такрорланиб туриши дарахтларга салбий таъсир этади. Бунинг олдини олиш мақсадида, боғнинг ҳар бир гектар майдонига тутатиш учун гўнг, хашак ва хазон аралашмасини йиғиб қўйиш (уюмлар сони 150-200) зарур. Яна бир тадбир бу — боғлар қатор ораларида сугориш ариқларини олиб, совуқ келиши олдидан, ариқлардан оз миқдорда жилдиратиб сув оқизиш натижасида ҳаво ҳарорати 2-3°C кўтарилиши эвазига экинларни қора совуқлардан сақлаш мумкин.

Боғларда дарахтларнинг куртаклари бўртганда ҳаво ҳарорати + 10°C паст бўлмаганда данакли, уруғли боғларга 3 фоизли бордо суюқлиги билан ишлов берилади (100 литр сувга 3 кг мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшилади).



Дарахтлар гуллаб бўлгач бордо суюқлигининг 1 фоизлиги билан (100 литр сувга 1 кг мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак кўшиб) пуркалади. Бунда чуқур таъсир этувчи фунгицидлар яхши самара беради. Бунинг учун дарахтлар гуллаб бўлгач Топсин-М (1л/га) препаратини 0,1% ли қилиб сепилади. Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликур (0,25 л/га), Вектра (0,3 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёнгарчилик кўп бўлганида данакли мева (ўрик, шафтоли, гилос) боғларида пайдо бўлган монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоқлигига қарши 5% ООК ёки 3% ли Бордо ёки 1% ли мисс купороси ёки 2-3% темир купороси билан куртаклар бўртиш арафасида ишлов бериш керак.

Дарахт таналари ва скелет шохларини оҳак билан оқланади. Бунда 10 л сувга 2 кг оҳак ва 1,5 кг тупроқни аралаштириб дарахтларнинг танаси ва она шохлари оқланади. Бу билан новдалардаги куртакларнинг ҳаракати кечиктирилади.

Янги боғлар барпо қилишда боғ атрофини ихоталаштириш ниҳолларни шамоллардан ҳимоялаш имконини беради. Бунинг учун терак, ўрик, жийда ёки ёнғоқ каби дарахт кўчатларини экиш керак.

**Резавор** мевали ўсимликлардан қулупнайзор қатор оралари ва туп атрофи юмшатилади. Март ойининг бошларида, тупроқ етилиши билан ўсимлик тупларининг эски барглари олиниб, даладан ташқарига чиқариб, ёқиб юборилади. Экин қатор ораларига ишлов беришдан олдин минерал ўғитлардан 90 кг азотли ва 50-60 кг фосфорли ўғит солиниб юмшатилади, туп атрофи қўлда чопиқ қилинади. Мазкур тадбирдан 20-25 кун ўтгач иккинчи ишлов берилади.

**Қорағатзорларда** (смародина) экин тупларига шакл берилади. Бунда биринчи навбатда, қуриб қолган, синган ва касалланган новдалари олиб ташланади. Тупдаги нимжон новда ва шохлар, яъни ўсимликнинг асосий қисмини салқинлатиб қўядиган, ердан кўкариб чиққан бачки новдалари кесиб ташланади.

Қорағат тупидаги асосий ҳосил ўтган йили чиқарган новдаларида шаклланади. Йиллар ўтиши билан ўсимлик 2 ва 3-тартиб новда чиқаради, ҳосилнинг шаклланиши марказидан узоқлашиб боради. Новда чиқариш тартиби қанча кўп бўлса, туккан мевалари ҳам шунчалик майда бўлади. Шунинг учун 5 ёшга етган шохлар кесиб ташланиб, ўрнига

янги чиққан бир йиллик новдалардан 4-5 таси қолдирилади. Ўсимлик 4-5 ёшга етганда бир тупда ҳар хил ёшдаги новдалар сони 15-20 та бўлиши керак.

Қорағат тупларига шакл бериб бўлингач қатор оралари юмшатилогач 120-150 кг соф азот ҳисобида азотли ўғит солиниб, суғорилади.

**Малиназорларда** қуриб қолган ва кўп ўсган нимжон новдалар олиб ташланади. Қатор оралари 10-12 см, туп ораси 4-5 см чуқурликда юмшатилади. Минерал ўғитлардан эрта баҳорда гектарига 150-200 кг ҳисобида азотли ўғит билан озиқлантирилади ҳамда кетма-кет суғорилади.

**Цитрус** ўсимликларини иссиқхоналарда март ойигача дарахтларга шакл берилгач, ўсиб кетган, ичига қараган, тикка ўсган ва шохлари зичлашиб кетган новдалар сийраклаштирилади. Шунда дарахт тупининг ўсиши ва мева бериши яхшиланади.



Цитрус ўсимликлари меъёрида ўсиши ва яхши мева бериши учун тупроқнинг дала нам сифими 70-85%ни ташкил этиши зарур. Суғоришлар бўлиб-бўлиб (мавсумда 25 мартагача) ўтказилиши керак. Март ойи бошларида, об-ҳавога, ўсимлик ёши ва мева бериш даражасига, суткалик ҳаво ҳарорати ўртача 12°С ва тупроқ ҳарорати 9°С бўлганида ўса бошлайди. Мартнинг иккинчи ярмидан цитрус ўсимликлар гунчалай бошлайди. Гунчалаш босқичи суткалик ўртача ҳаво ҳарорати 18,3- 21°С ва тупроқ ҳарорати 14,5-17°С бўлганида 25-28 кунга чўзилади.

Кунлик ҳаво ҳарорати 20,5°С, тупроқ ҳарорати 21,5°С бўлган март охири-апрель бошларигача гуллайди.

Бир, икки ва уч ёшли ўсимлик тагига 10 кг гўнг, 20 г. дан азот ва фосфор ҳамда 10 г. калий ўғити, мева берувчи туплар тагига эса 20-25 кг.

дан чириган гўнг ва 80-100 г. фосфорли, 80-120 г. азотли ва 40-60 г. калийли ўғитлар солинади (тупларининг ёши катталашган сари солинадиган ўғитлар миқдори кўпайтирилади). Бунда минерал ўғитлар икки муддатда: ярми март бошида, қолгани май охири июнь бошларида берилади.

Цитрус ўсимликлари кўпинча, юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар билан зарарланади. Қалқондорга қарши Вэртэмэкс препаратини 0,5-0,8 фоизли эритмаси 5-6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Бунда ўсимликнинг ҳамма қисмини, айниқса, баргларини пастки тарафидан хўллаш зарур. Қора куйсимон замбуруғлар барглар ювилганда кетмайди. Барглар 1% ли бордо суюқлиги эритмаси ёки 0,5% мис, хлор оксиди эритмаси қўшимча пуркалганда холос этади. Вақти-вақти билан ювиб туриш ҳам фойда беради. Ишлов эрталаб ва кечқурун ёки булутли кунларда ўтказилади. Ўсимлик гоммоз елим оқиш билан касалланганида, касалликнинг илк босқичида шикастланган пўстлоқ қисми ва ёғочи соғлом қатламгача кесиб ташланади. Шундан сўнг тозаланган жой 3% ли мисс купороси билан дезинфекция қилинади. Гоммоз билан зарарланган ва қуриган дарахт танасининг атрофи илдизи билан қазиб олиниб ёқиб юборилади, тупроғи эса 1% ли формалин эритмаси билан дезинфекцияланади.

**Токзорларда** таъмирлаш ишлари, яъни темир-бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб чиқиш, устун тагларини зичлаш ишлари тугалланади.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим ҳудудларда эса ойнинг охиридан бошлаб ток туплари очилиб, симбағазларга кўтариб боғлаш ишлари амалга оширилади. Қуриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун новдаларни пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Токлар симбағазларга кўтариб боғлангач, маҳаллий ўғитлардан гўнг: 10-20 т/га, минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли 60 кг/га, калийли 30 кг/га ҳисобиде солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.

Мазкур тадбирлар ўз вақтида, оқилна бажарилса боғ-токзорлардан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

**Р.АБДУЛЛАЕВ**, к.х.ф.н.,

**Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ**,

**М.ИСРОИЛОВ, Н.ДЖАЛИЛОВ**,

Академик М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ илмий ходимлари

## ЭРТАГИ КУНГАБОҚАР ПАРВАРИШИ

**Мамлакатимиз аҳолисининг экологик тоза ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида, ҳукуватимиз томонидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан 2017 йилда ноанъанавий мойли ўсимликлар (соя, кунгабоқар ва махсар) майдонларни кенгайтириш кўзда тутилган. Жорий йилда суғориладиган ерларда кунгабоқар 33 минг, соя 14 минг ва лалми ерларда махсар 68 минг гектар майдонда етиштирилиши мўлжалланган. Маълумки, жаҳон аграр соҳасида кунгабоқар асосий мойли экинлардан бири ҳисобланиб, унинг экин майдони 23 миллион гектарни, ҳосилдорлиги эса ҳар гектаридан ўртача 13-14 центнерни ташкил этади. Уруғи таркибида 55 фоизгача мой бўлиб, асосан аҳоли истеъмоли учун ишлатилади.**

Мамлакатимизда кунгабоқар асосий экин сифатида эртаги ва тақрибий экин сифатида эса кечки муддатда етиштирилади. Уруғни экиш учун энг аввало, ҳудудларнинг иқлим шароитлари, навларнинг ўсиш даври ва ҳосилдорлигини ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги пайтда кунгабоқарнинг 20 дан ортиқ нав ва дурагайлари республикада худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг ўсиш даври 80-130 кунни ташкил этади. Ўсиш даври 100 кундан кўп ва энг муҳими юқори ҳосилли кунгабоқарнинг ўртапишар навларини асосий экин сифатида эртаги муддатларда экиш мақсадга мувофиқ.

Экинларнинг вегетация даври бошқа ҳудудларга нисбатан 10-20 кун олдин бошланадиган Сурхондарё вилоятида экиш муддати 10-15 март, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида 20-25 март, Навоий вилоятида 25-30 март кунлари, Самарқанд, Жиззах ва бошқа марказий минтақаларда эса 5 апрелдан кечиктирмасдан уруғини экиш лозим.

Кунгабоқар уруғини экиш олдиндан ерни 28-33 сантиметр чуқурликда ишлаш билан бир вақтда, ҳар гектар ерга 10-15 тонна гўнг солиш зарур. Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри - соф ҳолда 145 килограмм фосфорли ва 200 килограмм калийли ўғитлар берилиши керак. Азотли ўғитлар йиллик (200 килограмм) меъёрининг 30 фоизини уруғни экиш билан бир вақтда бериш мақсадга мувофиқ. Уруғлар қатор ораси 70 сантиметр ва 5-7 сантиметр чуқурликда, ҳар бир уя ораси 25 сантиметр ҳолатда экилиши ёки бир гектарда 55-60 минг туп кўчат қолдириш керак. Шундай қалинликда ўстириш мақсадида,

майсалаш фазасидан кейин, яъни ниҳолларда икки жуфт барг пайдо бўлиш даврида ўсимликлар 25 сантиметр ораликда битта ўсимлик қолдирилиб, яганалаш ўтказилади.

Шундан сўнг эгатлар ораси культиватор ёрдамида 8-10 сантиметр чуқурликда юмшатилади ва бир вақтда азотли ўғит йиллик меъёрининг 30 фоизи берилади. Об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда, жўяқларга сув таралади. Майсалаш



фазасидан 26-28 кундан кейин ўсимликнинг ўсиш нуқтасида юлдузча пайдо бўлади. Юлдузча шакл, гул тўплам, яъни саватча пайдо бўлишининг бошланишини билдиради. Шу даврда иккинчи культивация 10-12 сантиметр чуқурликда ўтказиш билан бир вақтда азотли ўғит меъёрининг қолган 40 фоизи қўлланилади. Иккинчи озиклантириш даврида гектарига 650-700 кубметр ҳосилдан суғориш ўтказилади.

Кунгабоқар ўртапишар навларининг майсалашидан 30-40 кундан кейин саватча ва 55-60 кундан кейин эса гуллаш босқичлари содир бўлади. Умуман бу даврда бутун вегетация даврида ўзлаштириладиган умумий намлик миқдорининг 45 фоизини талаб қилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, гуллаш даврида бир марта, гуллашдан кейин пишишгача бир марта гектарига 700-750 кубметр меъёрида суғориш

мақсадга мувофиқдир.

Кунгабоқар писталарининг мағзи тўқ, уруғдаги мой миқдорининг юқори бўлишига, гуллаш босқичида чангланиш ва уруғланиш жараёнларининг меъёрида ўтиши катта аҳамиятга эга.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, уруғ белгиланган муддатлардан эрта экилса, майсаларнинг бир вақтда униб чиқмаслиги туфайли ўсимликларнинг бўйи ҳар хил яъни, пастбаланд бўлиб қолади. Намликнинг кўп, ҳароратнинг паст бўлиши таъсирида замбуруғли касалликлар пайдо бўлади. Агар белгиланган муддатдан кечикиб уруғи экилса, ўсимликнинг гуллаш босқичи яъни саратон ойининг жуда иссиқ кунларига тўғри келади. Кунгабоқар экинни фотосинтетик жараённинг меъёрида ўтиши учун 24-26°C энг қулай ҳисобланади. Ҳароратнинг 30°C юқори бўлиши чангчининг ҳаётчанлигига салбий таъсир қилади. Кунгабоқар асосан (95 фоиз) асаларилар билан, 5 фоизи эса зарарли ҳашаротлар ва капалаклар орқали чангланади.

Гуллаш босқичи бошлангач бир гектарга битта асалари уясини жойлаштириш экин ҳосилдорлигини 12-14 фоизга ошишини таъминлайди. Агар кунгабоқар майдони катта бўлса, асаларилар уларни чанглантишга улгурмаслиги мумкин. Экин майдонида асалари уялари бир-биридан 150 метр масофадан узоқ бўлмаслиги керак. Бунда асалари уяларини эгатларнинг боши ва охиридан бир-бирига рўпара жойлаштириш яхши самара беради.

Жойлардаги фермер хўжаликлари юқорида кўрсатилган агротехнологик қоидаларга тўлиқ амал қилсалар, кунгабоқарнинг экишга тавсия этилган Слава, Дилбар, Осие ва Янги Замон навларининг ҳар гектаридан 26-28 центнердан, Самбрел 254, Дукот, Владимир ва Душко дургайларида 30-35 центнердан ҳосил олишларига пухта замин яратишга муваффақ бўладилар.

**Д.АБДУКАРИМОВ,**  
Академик, қ.х.ф.д.,

**М.ЛУКОВ,**  
доцент (Самарқанд қишлоқ хўжалик институти)

**А.ИСРОИЛОВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,

**Р.ЗАЙНИТДИНОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди,  
(“Ўзпахтаёғ” акциядорлик жамияти).

# «ЎЗДАВТЕХНАЗОРАТ» инспекцияси жамоаси

*Серқуёш юртимиз аҳолисини*

*Наврўз байрами билан*

*муборакбод этиш*

*шарафига муяссар*

*бўлганимиздан беҳад мамнунмиз.*

*Фурсатдан фойдаланиб,*

*Истиқлол зиёсидан*

*мунаввар қалбларга эзгулик,*

*меҳр-мурувват, хайр-саховат ҳамиша*

*ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!*

**Баҳор кайфияти юртимизни  
асло тарк этмасин!**



## ТУПРОҚҚА ДАРМОН, ДЕҲҚОНГА ДАРОМАД

Ёки тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда экиладиган экинлар ва уларнинг парваришlash агротехникаси хусусида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида кейинги 5 йил давомида мамлакатимизда тупроқ унумдорлиги паст, паст рентабелликка эга пахта майдонлардан 170,5 минг гектар, ғалла майдонларидан 50 минг жами 220,5 минг гектар майдонни қисқартириб, ушбу майдонларга тупроқ унумдорлигини оширадиган, аҳолини озиқ-овқат ва чорвани ем-хашак маҳсулотларига бўлган талабини қондирадиган дуккакли-дон, ем-хашак, сабзавот, полиз ва картошка экинларини босқичма-босқич экишни ташкил этиш белги-ланган.**

Ушбу қарор ижросини таъминлаш учун пахта ва ғалладан бўшаган майдонларда дуккакли-дон (соя, ловия, мош, нўхат, кўк нўхат, ясиқ, бурчоқ) экинларини етиштириш ҳамда ушбу экинларни кузги бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий ва оралиқ экин сифатида ҳам етиштиришни кенг йўлга қўйиш келгусида тупроқларимизнинг унумдорлигини сақлашга ҳамда оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, дуккакли-дон экинларидан кейин етиштириладиган барча қишлоқ хўжалик экинлари яхши самара беради. Фермер хўжаликларида беда ўрнини қоплаш учун ҳам бундай экинларни экиш мумкин. Шунингдек, соя, ловия, мош каби дуккакли-дон экинларини эрта баҳорда ва ёзнинг ўрталарида бир йилда икки марта экиш имкони мавжудлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Улар биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини яхшилашга, иккинчидан, аҳолини қимматли, оқсилга бой маҳсулотлар ҳамда чорвачиликни тўйимли ем-хашак билан таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги фермер хўжаликларидан алмашлаб ва навбатлаб экишда дуккакли-дон экинлари асосий ўринни эгаллайди.

Дуккакли-дон экинлари агротехник аҳамиятга эга ҳисобланиб, тупроқда биологик азот ва органик моддалар тўплайди. Ушбу экинлар парвариш қилинган майдонда ўсув даври давомида тупроқда 50-100 кг/га миқдорида биологик азот тўплайди. Айрим экинларда кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Масалан, кўк нўхат бир гектар майдонда 150 кг, соя 250 кг. гача биологик азот тўплай олади. Биологик азотни

кўп миқдорда тўпланиши ушбу экинлар ва улардан сўнг экиладиган экинларнинг ҳосилдорлигини юқори бўлишини таъминлайди.

Дуккакли-дон экинларидан нўхат экини ғовак, қумоқ, кучсиз шўрланган тупроқларда экилади. Бўз тупроқларда етиштирилганда ундан юқори ҳосил олинади. У иссиқсевар ўсимлик, аммо уруғи 2-5°C даражада униб чиқади. Уруғи паст ҳароратда секин ўсади, аммо чиримайди. Майсаси -7-10°C даража совуққа ҳам бардошлидир. Гуллаш ва мева шаклланиш даврида иссиқликка талабчан бўлиб, дуккакли-дон экинлари орасида нисбатан қурғоқчиликка чидамли. Бу фақат илдизи кучли ривожланганлигига эмас, балки сув-



ни тежаб ишлата олишига ҳам боғлиқ. Намлик меъёридан ортиқ бўлса нўхат касалланади, шона ва гули тўкилади. Ҳосил олинган йили нўхатнинг уруғи яхши униб чиқади, иккинчи ва учинчи йили унвчанлиги пасаяди. Ўсув даври 60-120 кун давом этади.

Сугориладиган ерларда нўхат учун кузги бошоқли дон, полиз экинлари, маккажўхори, кунгабоқар, бир ва кўп йиллик ўтлар, ўғитланган шудгор яхши ўтмишдош ҳисобланади. Нўхатдан кейин экилган картошка, ғўза, маккажўхори ва бошоқли-дон экинларининг ҳосилдорлиги ортиб, сифати яхшилана-

ди. Бедадан кейин жойлаштирилганда юқори ҳосил беради. Қора шудгорга экилган нўхатнинг ҳосилдорлиги 2-3 ц/га юқори бўлади, чунки касаллик ва ҳашаротлар жуда кам учрайди. Нўхатдан бўшаган ерга нўхат экиш тавсия этилмайди. Агарда, нўхатдан кейин нўхат экилса, касаллик ва зараркунандалар таъсирида ҳосилни сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда республикаимизда нўхатнинг Зимистони, Жаҳонгир, Ирода-96, “Зумрад”, “Полвон”, “Лаззат”, Ўзбекистон-32, “Юлдуз” ва бошқа навлари экилмоқда.

Нўхатдан бўшаган майдонларга силос учун маккажўхори, картошка, бундан ташқари сабзавотлардан сабзи, шолғом, ош лавлаги, карам каби бир қанча экинларни экиб, бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имкони мавжуд.

Нўхатнинг экиладиган уруғининг унвчанлиги 95 % дан кам намлиги 14 % дан юқори ва нав тозаллиги 99 % дан паст бўлмаслиги керак.

Бу экин кўпчилик ҳолларда эрта баҳорги ғалла экинлари билан бир вақтда экилади. Шунинг учун нўхат экиладиган майдонлар кузда шудгорланиши шарт. Баҳорда шудгор қилиб, нўхат экиш ярамайди. Бунда, биринчидан, ҳосилдорлик кам бўлади, иккинчидан, ўсимликни бўйи паст бўлиб қолади. Натижада, ҳосилини комбайнларда йиғиштириб бўлмайди.

Нўхат уруғини экишда тупроққа ишлов бериш, бошқа дон ва дуккакли-дон экинларига ишлов беришдан фарқ қилмайди. Тупроққа ишлов бериш асосан қуйидагича ўтказилади. Танланган дала кузда ўтмишдош экин қолдигидан тозаланиб, соф ҳолда 90 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитлар солинади ҳамда ер 28-30 см чуқурликда шудгор қилинади. Кеч кузги мавсумда экиладиган навлар учун ер тобига келганда, тупроқда нам сақлаш ва униб чиқаётган бегона ўтларни йўқотиш мақсадида, икки қаторли борона тиркалган чизель билан 16-18 см чуқурликда кўндалангига чизелланиб, мола босиб, текисланади. Дала эрта баҳорда кунлар исий бошлагач ер тобига келганда намни сақлаш ва униб чиқаётган бегона ўтларни йўқотиш мақсадида, икки қаторли зиг-заг борона-



лар билан кўндалан- гига борона қилинади. Нўхат уруғи чигит экиладиган СТХ-4, СХУ-4 ёки СПЧ-6М сеялкаларида экилиши мумкин. Шунингдек, суғорилмайдиган ерларга нўхат СУБ-48М русумли галла экиш сеялкасида, экиш органини қатор оралиғи 45 ёки 60 см га уруғ тушадиган, галтагини юқоридан уруғни тушишига мослаштириб экилади.

Уруғи тупроқнинг 5-7 см чуқурликдаги нам қатламга экилиши керак. Экиш чуқурлиги тупроқнинг ҳолати ва уруғнинг йириклигига қараб 4-8 см оралиғида бўлиши мумкин.



Республикамиз шароитида нўхат баҳорда ва кузда экилади. Ўсимлик- шунослик илмий-тадқиқот институ- тининг кўп йиллик маълумотларига кўра, лалми ерларда эрта баҳорги (февраль-март) муддатларда нўхатни экиш юқори самара беради. Ёгин- гарчилик кўп бўлган йиллари эрта муддатларда экилганда, нўхатни ас- кохитоз касаллиги билан касаллани- ши кўпроқ кузатилади.

Нўхат асосан кенг қаторлаб эки- лади. Экиш меъёри экиш тизими ва муддатига боғлиқдир. Нўхатни 60х6- 1 см тизимда экиш тавсия этилади. Гектарига 80-100 кг миқдорида уруғ сарфланади.

Ниҳоллар униб чиққандан кей- ин, нўхат экилган майдонларда қуй- идаги агротехник тадбирлар ўткази- лади. Энг аввало, майдонлар бегона ўтлардан тозаланган, тупроқ зичлан- маган, нами қочмаган ҳолда сақла- ниши лозим.

Нўхатни ўсув даври давомида бе- гона ўтларни йўқотиш ва тупроқ юзасини юмшоқ сақлаш мақсадида 2 мартадан 4-5 мартагача культиваци- я қилинади.

Суғориладиган ерларда нўхатдан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун суғориш керак бўлади. Нўхат ҳосили суғориладиган ерларда суғорилмайдиган ерларга қараганда анча юқори бўлади. Ҳар бир суғоришда гектарига 800-1000 м<sup>3</sup> сув сарфла- нади.

Нўхатнинг ҳосили тўлиқ сарғай- иб пишган вақтда дон комбайнлари ёрдамида йиғиштириб олинади. Дон

комбайнлари барабанларининг ай- ланиши минутига 500-600 марта бўлиши, ўроқлар пастга туширили- ши, дон кирувчи ва дон чиқувчи ораликлар кенгайтирилиши керак. Мотовила планкасига брезент ёки юмшоқ резиналар ўралади. Эрталаб салқинда ҳаво исиб кетмасдан нўхатни йиғиштириб олиш яхши самара беради.

Дуккакли-дон экинларидан соя, ловия ва мош экинларининг парва- ришlash агротехнологияси бир-би- ридан кескин фарқ қилмайди.

Республикамизда мошнинг Побе- да-104, “Радость”, “Наврўз”, “Қах- рабо”, “Дурдона”, “Маржон”, “Зи- лола”, “Турон”, соянинг Ўзбекист- он-2, Ўзбекистон-6, “Дўстлик”, “Орзу”, “Нафис”, “Олтин тож”, “Ойжамол”, “Парвоз”, Генетик-1, “Тайфун”, “Фортуна”, “Фаворит”, ловиянинг “Двадесетица”, “Олтин” ва бошқа бир қатор навлари экила- ди. Соя, ловия, мош экинларини ғўза, кузги бошоқли дон экинлари- дан, картошка, сабзавот, силос учун экилган маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшган ерларга экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бун- дан ташқари ушбу экинларни так- рорий экин сифатида ҳам экиш мумкин.

Республикамизда бу экинларни асосий экин сифатида жанубий ҳудудларда 25 март-5 апрель муддат-



ларда, марказий ҳудудларда 1-15 апрель, шимолий ҳудудларда эса 15-25 апрель муддатларда экилади. Агар апрель ойи совуқ келадиган бўлса ушбу экинларни май ойида ҳам экиш мумкин. Экиш меъёри экиш муддати, тупроқ намлиги ва 1000 дона дон оғирлигидан келиб чиқиб гектарига соя экинида 60-70 кг, мош экинида 14-16 кг, ловия экинида эса 80-100 кг меъёрларда, 4-5 см чуқурликда экилади. Кўчат қалинлиги соянинг кечпишар навларида гектарига 200-300 минг дона, ўртапишар навларда 300-400 минг дона, эртапишар навларда 400-500 минг дона, мош экини- нинг пояси тик ўсувчи навларида

250-300 минг дона, пояси ёйилиб ўсадиган навларида 100-120 минг дона, ловия экинида эса 150-200 минг дона қолдирилади. Соя, ло- вия ва мош экинларини парвариш қилишда амал даври давомида қатор оралиғига 3-5 мартагача иш- лов берилиб, 2 марта бегона ўтлар- дан тозаланади. Ушбу экинлар ми- нерал ўғитлардан кўпроқ фосфор ва калийли ўғитларга талабчан бўлиб, асосий экин сифатида экилганда соя ва ловия экинларига соф ҳолда гектарига 120-150 кг. фосфор, 90- 120 кг калийли ўғитлар берилади. Бунда фосфорли ўғитларнинг йил- лик меъёридан 70 % ҳамда калий- ли ўғитларни 100 % кузги шудгор остига ёки далани экишга тайёрлаш вақтида берилади. Азотли ўғитлар- нинг йиллик меъёри соя ва ловия экинларида соф ҳолда 90-120 кг ни, мош экинида эса 40-60 кг ни ташкил этиб, озиклантириш икки мартада, сояни 4-6 ҳосил шохи пайдо бўлиб, шоналаганда, ловия ва мошни 2-4 барг ҳосил қилган даврларида азотли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 40 %, тўлиқ гулга кирганда эса азотли ўғитлар- ни қолган қисми ва фосфорли ўғит- ларнинг қолган 30 % билан бирга- ликда берилади. Соя ва ловия экин- лари об-ҳаво шароитига қараб амал даври давомида 2-3 марта, мош эки- ни эса 1 марта суғорилади. Ҳар бир суғориш меъёрлари 500-600 м<sup>3</sup>/гани ташкил этади. Ҳосили дон комбайн- ларида йиғиштириб олинади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкин- ки, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида такрорий экин сифатида мош, соя, ловия, ора- лик ва сидерат экинларни экили- ши натижасида органик қолдиқлар бир мавсумнинг ўзида бир гектар майдонда 5-6 тонна миқдорда тўпланади; чиринди миқдори гек- тарига 80-85 кг, азот 55-60 кг, фосфор 15-20 кг, калий 55-60 кг га ошади, келгуси мавсумда экин- ларни етиштириш учун сарфлана- диган йиллик азот миқдорини 25- 30% га, калийни 45-50% га камай- тириш имконини беради. Ғўза- галла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида кузги буғдой дон ҳосилдорлиги 15-20 % га, ғўза ҳосилдорлиги 10-12% га ошади.

**Б.ХОЛИҚОВ,**

*ЎзҚХИИЧМ Бош директори ўринбосари, қ.х.ф.д., профессор,*

**А.ИМИНОВ,**

*ПСУЕАИТИ катта илмий ходими, қ.х.ф.н.*



# СОЯ — ИСТИҚБОЛЛИ ЭКИН

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова аграр фани ютуқларини амалиётга жорий этиш йўлида мудом жонбозлик кўрсатиб келади. Шунингдек, олима зайтун ўсимлигини юртимизга олиб келиб маҳаллийлаштириш, бугдойнинг янги, серҳосил навларини яратиш борасида фаол иزلанишда. Унинг 1975-1992 йилларда соя экини бўйича олиб борган тадқиқотлари ва шу борада Марказий Осиёда биринчи бўлиб докторлик диссертациясини ҳимоя қилгани, эндиликда мазкур билим ва тажрибалари деҳқон ва фермерларимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Қуйида олиманинг шоғирдлари билан ҳамкорликда тайёрлаган соя экини хусусидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятида бўлганида ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, воҳа шароитига мос экинларини иқлимлаштириш ҳақида сўзлаб вилоятда соячиликни ривожлантириш катта иқтисодий самара беришини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, соя кўплаб хусусиятларга эга ўсимликдир. Унинг дони ўз таркибида 50% оқсил ва 28% гача мой борлиги учун ўта қимматбаҳо экинлар гуруҳига киради. Соя донидан бугунги кунда халқ хўжалиги учун зарур бўлган 400дан ортиқ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқилади. Дони озиқ-овқат саноатида ишлатилган экологик тоза сифатли хомашёдир. Аҳоли истеъмол қиладиган, ўз таркибида зарарли моддалар сақламайдиган ўсимлик мойининг 35% соя донидан олинади. Мойи ажратиб олингандан сўнг соя изоляти ҳосил бўлади ва унинг таркибида оқсил миқдори 75% га етади. Ундан болалар овқатлари, печеньелар, нон учун қўшимчалар, колбаса саноатига оқсиллар, кондитер саноати учун маҳсулотлар (кофеинсиз шоколадлар), кофе ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади. Саноатда линолиумлар, энг сифатли ва қимматбаҳо машина бўёқлари олинади.

Бир килограмм соя донидан инсонлар учун 4 литр, бузоқлар учун 8 литр сут тайёрланади, шунингдек, ҳайвонлар берадиган барча маҳсулотларни — сут, қатиқ, творог, пишлоқ, гўшт (қўй, мол, товуқ, ғоз) маҳсулотларини олиш мумкин. Айтиш мумкинки, хитойлик бир оиланинг сигир боқишга имкони ва боғлаб қўйишга жойи йўқ, аммо соя донидан сут тайёрлаб, ўз оиласи эҳтиёжларини қондиради.

Чорвачиликда ҳеч бир озуқа экини соя каби кўп озуқа бирлигига эга эмас. У 100 кг. донида 138 озуқа бирлигини сақлайди, ушбу кўрсаткич, маккажўхори беда ва бошқа экинларда соядан кўра паст ҳисобланади. Ҳатто унинг қуруқ поялари 100 кг. да 52 озуқа бирлиги мавжуд. Соя донининг тўйимлиги жиҳатидан биронга озуқа экини ундан устунлик қила олмайди. Дунёда молларнинг тез семириши ва паррандаларнинг кунлик вазнининг ошиши учун албатта уларнинг кундалик рациониди сояли маҳсулотлар киритилади.

Хуллас, чорвачилик тизимида ҳозиргача соядан кўра озиқавий қиймати устун бўлган ўсимлик йўқ. Унинг майдонларини кенгайтириш бизга оқсилга бой чорва ва парранда озуқаларини кўпайтириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш имконини беради. Яъни 961 г. соя шроти 1 кг товуқ гўшти ҳосил қилади. Соя оқсилнинг таннархи ҳайвон оқсилдан 27 марта арзонга тушади.

Республикамиздаги мавжуд мой заводларининг барчасида соя мойини қайта ишлаш технологияси яратилган ва бу борада уларнинг имконияти катта.

Дунёнинг ривожланган, миллиарддан зиёд аҳолига

эга бўлган Хитой, экин майдонлари ўта тақчил ҳисобланган Япония, Корея ва бошқа мамлакатларда аҳолининг оқсилга бўлган эҳтиёжи асосан соя донидан олинган оқсил эвазига қондирилади.

Бу ўсимликнинг яна бир хусусияти шуки, дуккаклар оиласига мансуб бўлгани учун ўзидан кейин тупроқда 55-60 кг соф азот қолдириб кетади. Бугун мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини тиклаш ёки уни бор ҳолида сақлаб қолиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. У ўсиб-ривожланаётган даврда далага катта миқдорда минерал ўғитларни солишга ҳожат йўқ, чунки ўсимликнинг ўзи ҳаводан азотни ўзлаштириб, фойдаланиш имконига эга.

Экин майдони жиҳатидан дунё деҳқончилигида бугдой, шולי ва маккажўхоридан кейинги 4-ўринни эгаллайди. Ялпи дон ҳосили 220,64 млн тоннага етади. Бразилия, АҚШ ва Аргентина мамлакатлари соя донини экспорт қилишда етакчи бўлса, асосий сотиб олувчи давлатлар бизнинг ён қўшнилариимиз Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатларидир.

Соя навлари республикамизнинг барча вилоятларида асосий ва такрорий экишга мослашган ва етиштириш агротехникаси ишлаб чиқилган.

Уни экиш ва парваришлаш учун янги техника воситалари шарт эмас. Соя уруғлари маккажўхори, сабзавот сеялкалари билан экилади. Фермерларда ҳеч қандай сеялка бўлмаса дон сеялкаларини созлаш ҳисобига экиш мумкин. Қатор ораларини ишлашда мавжуд техникалардан фойдаланилади, дони дон комбайнлари ёрдамида ўриб олинади.

Бу ўсимлик ўз биологик хусусиятига кўра, бошқа экинларга қараганда ер танламайди.

Биз Сирдарё вилоятида пахта билан сояни аралаш экиш борасида бир неча йиллар давомида иزلанишлар олиб борганмиз. Бу тажриба ижобий натижа берди: тупроқ унумдорлиги оширилди ва июль ойининг ўрталарида ўртача 7-8 ц/га соя дони олинди. Фермерларимиз мазкур тажрибадан фойдаланишлари уларга яхшигина даромад келтириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда соя экиш нима беради:

- халқимиз дастурхонини озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотлари билан бойитади;
- чорва моллари ва паррандалар сифатли ва оқсилга бой озуқа билан таъминланади;
- республика мой заводларига арзон, сифатли хомашё етказиб берилиб, уларнинг ишлаш муддати узаяди ва ўсимлик мойи четдан келтирилмайди;
- деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги ошади ва қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими вужудга келади.

**Д.ЁРМАТОВА,**

профессор,

**М.ҲАМРАЕВА, А.НОДИРОВ,**

тадқиқотчилар



## ҚИЗИЛМИЯ ХИСЛАТЛАРИ

**Кейинги йилларда қизилмия етиштириш жадал суръатларда ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда, қизилмия сувсиз жойларда бедадан кўра кўпроқ ҳосил беради. Илдизи 4-5 метргача чуқур кириб тупроқдаги фосфорни яхши ўзлаштиради. Илдиз тизимининг кучли ривожланиши, дуккакли ҳамда туганак бактериялар фаолиятини юқорилиги туфайли ерни-тупроқни азот билан бойитади. Пичанининг таркибидаги протийен миқдори юқорилиги жиҳатидан бедадан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.**

Қизилмия-дуккакдош ўсимликлар Fabaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Оддий қизилмия *Слуспгһизаgлаbга* ўсимлигининг кўпгина хиллари учрайди.

Уруғи 1-2° С да уна бошлайди, +18-25° С ҳароратда тез унади, -42 дан -48° С гача совуққа ҳам чидамли бўлади, баҳорда -12° С совуқ ҳам урмайди.

Оддий қизилмия униб чиққанидан 1,5-2 ҳафта ўтгач илдиз бўғзидан бошсимон, юмшоқ қават вужудга келади. 20 кун ўтгач ҳар бир тупида 20 донадан 50 донагача барг ҳосил бўлади, 3 ой давомида ўсиш-ривожланишида давом этади. Бу ҳол 2-3 йил давом этиши мумкин. Баҳорда бедадан олдин униб чиқади, кўкариб чиқишидан гуллаш давригача 60-65 кун, уруғларини пишиб етилиши учун эса 110-120 кун ўтади. Кузда суткалик ҳарорат 5° С дан паст бўлса, ўсишдан тўхтайдди.

Мазкур ўсимлик қурғоқчиликка ўта чидамли. Ривожланган илдиз тизими пастки чуқурликдан (1-2,5 м) ҳам сувни сўриб олади. Агар қизилмия ерга яхши ўрнашиб олса, совуққа ҳам, иссиққа ҳам чидамли бўлиб ўсаверади. Бир грамм куруқ модда тўплаш учун 300-400 грамм сув сарфлайди. Бу беда ёки қизил себаргандан кам, сув тақчил ҳудудларда ҳосилдорлиги бедага қараганда 20-25 фоиз кўп бўлади. Сувга талаби шоналаш-гуллаш даврида кучаяди. Агар 50-60 центнер (гектаридан)дан пичан олмоқчи бўлсак, бир метрли тупроқ қаватида икки минг тонна сув керак бўлади.

Қизилмия ёруғликка талабчан, бироқ уруғ униб чиқиш даврида ёруғликни унча талаб этмайди. Агар уни баҳорги буғдой билан аралаштириб экилса 28 ц, арпа билан экилса 23 ц, пичан олиш мумкин.

Бир тонна қизилмия пичани 6-7 кг фосфор, 18-20 кг калий, 11-12 кг кальций, 1,5-1,7 магнийни ўзлаштиради. Ўзидан кейин экилган ўсимлик учун тупроқдаги фосфорни ўзлаштирилишини осонлаштиради. Қизилмия ўсимлигини илдиз тизими кучли ривожланиши учун сув, шамол эрозиясига учрайдиган таркиби енгил, қумлоқ ерларга экиш тавсия қилинади. Сув ва шамол эрозиясини сезиларли даражада камайтиради.

Қизилмия илдизи ўқилдиз, кучли ривожланган, тупроқнинг 3-4 метр айрим тупроқларда 5 метр қатламгача кириб боради. Вертикал кучли илдизпоя цилиндрсимон бўлиб, атрофига горизонтал илдиз шохчалари тарқалади. Илдизпоянинг йўғонлиги 15-20 мм буришган, чўтир, ранги оқ сариқ, қўнғир сариқ бўлиши мумкин.

Барглари тоқ патсимон 3-5-7 жуфт баргчалардан иборат бўлиб, охири тоқ, битта барг билан тугайди. Баргларининг шакли лансетсимон, элипссимон, чўзиқ текис қиррали, ёпишқоқ безлар билан қопланган, қўл билан сиқилганда ёпишқоқлиги сезилади.

Илдизи таркибида 3.2-24% тритерпен сапонин-глицирризин бирикмаси, 4% гача флавоноидлар, 20 % гача қандлар, 34 % гача крахмал, аспарагин, эфир мойи, витамин С, 6 % гача пектин ва бошқа аччиқ моддалар учрайди.

Илдиз флавоноидларидан ликвиритин, ликвиритозид, ликурозид, глаброзид ва бошқа бирикмалар ажратиб олинади.

Илдизидан тайёрланган қуюқ ва куруқ экстрактлари ҳамда шарбат нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда эса енгил сурғи дори сифатида қўлланилади.

Халқ табибатида илдизи қадимдан турли касалликларни даволашда кенг қўлланилган.

Абу Али ибн Сино ўсимлигининг илдизи билан буйрак, қовуқ ва меъда яллиғланиши ҳамда иситма, ўпка касалликларини даволаган.

Қизилмия ўсимлиги Ўрта Осиёнинг ҳамма ҳудудларида, хусусан Тошкент, Фарғона водийси, Сурхон воҳасида беда экилган майдонларда, ғалла-донли экинлар орасида, суғориш иншоотлари

бўйлариди, ариқ, боғ ва узумзорларда ўсади.

Қизилмия ўсимлиги экиладиган майдон кузги шудгор олдида гектарига 500-600 кг физик ҳолда фосфорли ўғит солиш зарур. Сўнг 30-35 см чуқурликда қўш ярусли омовлар билан ағдариб ҳайдалса бегона ўтларга барҳам берилади. Шудгор текисланади, четлари тартибга келтирилиб мола босилади, зарур жойларда енгил сув берилиб 16-18 см чизелланади. Уруғи нитратин билан дориланиб беда уруғи каби экилади.

Уруғи пўстлоғига ёпишиб олгани учун пўстлоғи билан ёки ажратиб экилаверади. Одатда қизилмиянинг икки хили экилади: асосан оддий экма тури кенг тарқалган. Уни бўйи 80-90 см, 5-7 дона бўғин ҳосил қилади. 1000 дона уруғи 17-23 г, гули пушти бўлиб, қизғиш товланади. Қумда ўсадиган тури 80-100 см, гоҳо 125 см.га боради, 1000 дона уруғи 11-15 грамм, совуққа чидамли. Агротехнология асосида парвариш қилинса барча кўрсаткичлари бедадан кам бўлмайди.

**О.ИБРАГИМОВ,  
Д.ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**

**А.НАБИЖОНОВ,**

*Фарғона политехника институти.*





# Заъфарон – олтидан қиммат ўсимлик

*Шафран ёхуд заъфарон жуда қадимдан буён инсонлар томонидан фойдаланилиб келётган доривор ўсимликлардан бири. Бу ўсимликнинг ватани Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон ҳисобланади. У Шумер цивилизацияси даврида ҳам мавжуд бўлган. Қадимги Крит давлатидаги сарой деворларида шафран тираётган одамлар тасвири чизилган. Эрамизгача бўлган даврдаги Хитой тиббий китобларида, 1500 йил олдинги Миср ёзувларида ҳам шафраннинг доривор хусусиятлари ёзиб қолдирилган. Бобур ўзининг “Бобурнома”сида Кашир тоғ ва адирларида заъфарон ўсишини таъкидлаган.*

Ботаникада эма заъфарон (шафран, крокус) (*Crocus sativus L.*) – кўп йиллик туганак пиёзли ўсимлик бўлиб, касатиклар оиласига мансуб. Бир жойда 5-7 йилгача яхши ҳосил беради. Шафран сўзи арабча “за-фран” сўзидан келиб чиққан бўлиб, заъфарон, сап-сарик, сарғиш деган маънони англатади. Бугунги кунда шафран ўсимлиги Франция, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Испания, Япония, Озарбойжон, Россия ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида кенг тарқалган. У жуда қимматбаҳо ўсимлик бўлиб, бир грамм заъфароннинг нархи бир грамм олтин баҳоси билан тенг.

Европага бу ўсимлик араблар истилосидан кейин кириб келган. Озиқ-овқатга зиравор сифатида ишлатиб келинган. У жуда ёқимли ҳид ва хушбўйлик беради. Кўплаб овқатларга таъм бериш учун солинади. Улуғ аллома ибн Сино заъфаронни кўпгина касалликларга қарши қўллагани маълум.

Бундан ташқари, заъфарон асабийлашишда, юрак-қон томирлари, нафас йўллари касалликларида, сийдик ҳайдаш ва репродуктив органлар муаммоларида, иммунитетни ҳамда кўз кўришини яхшилашда, офриқларни қолдиришда жуда фойдалидир. Шунингдек, мия фаолиятини фаоллаштиришда, рақ касалининг олдини олишда ва инсонлардаги мутагенликни оширишда кенг қўлланилади.

Ушбу ўсимликнинг бир қанча ўхшаш турлари бўлиб, кўпинча бошқа турларни ҳам, масалан, Озарбойжонда имеритинский шафранни, Мексикада махсар гулларини, Ҳиндистонда куркумани заъфарон деб сотишади. Бизнинг бозорларимизда ҳам махсар гулларини заъфарон деб сотиш ҳоллари учраб туради. Бу ўсимликлар заъфарон билан бир оилага мансуб, аммо улар заъ-

фарон эмас. Юртимизда заъфароннинг бир неча турлари эндем ҳолида учрайди, аммо уларни ўрганиш лозим.

Маълумотларга қараганда, дунёда етиштирилаётган заъфарон маҳсулоти миқдори жуда кам бўлиб, бор-йўғи 300 тоннани ташкил этади. Унинг 175 тоннаси Эронда етиштирилиб, 120 тоннаси экспорт қилинади.



Хўш, бу ўсимликни қандай етиштириш мумкин? Уни мамлакатимизда ўстириб бўладими? Шафран иссиқлик ва ёруғликни севади, у экилган тупроқ сувни яхши ўтказди. Заъфарон биологик хусусиятига кўра, тупроқда нам бўлган пайтларда ўсиб-ривожланади. Ёз келиши билан вегетациясини тўхтатади, экилган жойда намлик миқдори юқори бўлса, илдиз пиёзлари чириб кетади. Шунинг учун ёз пайтлари қуруқ тупроқда яхши сақланади. Унинг бир йилда икки марта гуллаши учун ўзига хос ҳаво ҳарорати зарур. Кузда гуллаши учун ҳавонинг иссиқлиги 12° С бўлиши ва навларини тўғри танлаш лозим. Кўпчилик ҳолларда эрта баҳорда яхши гуллайди, бошқа ўсимликлардан фарқи бирданига барг ва гулининг гунчаларини ҳосил қилишдадир. Бўйи паст бўлиб, 10-12 см.ни ташкил этади. Заъфароннинг очилган гули ўртасида уч дона оталик чангчилари бўлади, ана шу чангчилар териб олинади.

Бир килограмм заъфарон териш учун камида 200 минг ўсимликнинг

гулидан оталик чангчилар йиғиб олинади. Заъфарон ўсимлиги бор йўғи 3 кун давомида гуллаб туради. Мана шу муддатда гуллардан уч дона чангчиларни териб олиш лозим. Бир пиёздан битта ёки учта катта гул ҳосил бўлади. Улар оч бинафша, тўқ бинафша, баъзан эса оч сариқ ёки тўқ сариқ рангда бўлади. Гуллари қўнғироқсимон бўлиб, олтига гул барги бор, уч дона оталиги кўри-ниб туради. Ана шулар териб олиниб, қуритилади ва сотилади ёки фойдаланилади. Оналиги чанглиниб улгурган бўлса, қўнғироқча ичида уруғлари ҳосил бўлади.

Пиёзлар ёз пайтида экиб қўйилса, кузгача илдизлари жойлашиб олади, йирик туганаклари 8-10 см, майдалари 4-5 см чуқурликка экилади. Экишдан олдин жўякларга 1 м<sup>2</sup> майдонга бир пақир чириган гўнг солинади. Заъфарон пиёзлари бир жойда 4-5 йил туради, кейин уни қазиб олиб, яхшилаб қуритиб, калий перманганат эритмасига ботириб олгач катта-кичиклигига қараб қуритиб сақланади. Пиёзларни ўсиб турган даврда кўпроқ болалаши учун кичик пиёзларни экиш мақсадга мувофиқдир. Унинг ҳосили бор-йўғи бир ҳафта давомида териб олинади. Ҳосилдорлиги ўта яхши агротехник ишлов берилганда бир гектардан 20 кг. ни ташкил этади. Одатдаги ҳосили эса 5-8 килограммга тенг. 1 кг. гули 2500 дан 5000 АҚШ долларигача сотилади.

Испаниялик фермерлар шафрандан олган даромадига бир йил давомида бемалол яшашади. Интернет маълумотларига кўра, ҳозирги кунда заъфаронга талаб жуда катта, лекин маҳсулот кам. Бизнинг ҳудудларимизда бу ўсимликни экиб, ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Тахминларга кўра, тажриба яхши натижа бериши лозим. Чунки бизнинг тоғ олди ҳудудларимиз, текис чўлларимизда заъфаронни экишга қулай шароит бор. Бу ўсимликнинг биологияси ва етиштириш агротехикасини яхши ўрганиб, Эрондан пиёзларини олиб келиб, билимдон, тадбиркор фермерларни ушбу ишга жалб этсак, мамлакатимизда яна бир даромадли соҳага асос солинади.

**Д. ЁРМАТОВА,**  
ЎзДЖТУ профессори

Ўзининг бетакрор таровати  
билан ўлкамизга кириб келган

## Фаврўзи олам

барчамизга кутлуғ бўлсин!  
Шундай фараҳбахш кунларда  
аграр соҳа ходимларини,  
барча юртдошларимизни  
бахор айёми

билан самимий кутлаймиз.  
Бир олам шодлиғ-у чексиз  
қувончларга тўла шу кутлуғ  
айём эзгу ниятли халқимизнинг  
ҳар бир хонадонига кут-барака,  
тинчлик-тотувлик, бахт ва саодат,  
янада фаровонлик бағишласин!

**«ЎЗАГРОЛИЗИНГ»**

**акциядорлик  
жамияти жамоаси**



# ТОМОРҚА — КОНИ БАРАКА

Ҳурматли журналхон! Таҳририятимиз ушбу сондан бошлаб “Хонадон хўжалиги” рукни остида аҳоли учун маслаҳат ва тавсиялар руҳидаги зарур мақолаларни бериб боришни режалаштирди. Бунда мамлакатимизнинг етук олимларининг кўп йиллик илмий ва амалий тадқиқотлари асосида тартиб этилган “Аҳоли томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма” китобига ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи фуқароларнинг бу борадаги ибратли тажрибаларига асосланамиз. Умид қиламизки, мазкур мақолалар сизнинг оилавий фаолиятингизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## ТОМОРҚАЧИЛИКНИНГ ТЎҚҚИЗ ҚОИДАСИ

Томорқали киши борки, экинларининг касалланганидан ёки турли ҳашаротлар кемириб кетаётганидан шикоят қилиб туради. Кўпчилик бунинг йилнинг келишига йўяди. Аслида эса, у деҳқоннинг билимига, маҳоратига боғлиқ. Томорқа – экин эксанг бўлди, ҳар қандай вазиятда униб, ҳосил бераверадиган жой эмас. Томорқачиликда тўққиз қоида бор, дейишади. Бу ҳақда жиззахлик тажрибали деҳқон Шухрат Латиповнинг тавсиялари билан танишамиз.

**1. Бир жойга ҳамиша бир хил экин экмаслик.** Акс ҳолда тупроқда айнан шу экинга хос касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар тўпланади. Масалан, карам, турп, редиска кабиларнинг илдиз бўқоғи касаллигидан ҳоли бўлиши амримаҳол. Иссиқхоналарда ҳам кўп йиллар алмашмай ёки майдонни дезинфекцияламасдан помидор, булғор қалампири ва бақлажон экилганида кладоспориоз, макроспориоз, бактерия касаллиги билан, бодринг эса – жигарранг чириш билан зарарланади. Картошка эса қўтир касаллигига чалинади. Шу боис томорқада экинни, албатта, алмашлаб экиш зарурлигини унутманг.



**2. Уруғ ёки кўчатнинг сифати.** Уруғ ё кўчат сифатсиз бўлса, экин ва унинг ҳосили нимжон, инфекцияларга чидамсиз бўлади. Картошканинг асосий касаллик қўзғатувчилари уруғлик меваси орқали ўтади, карам уруғлари сохта ун шудринг, мозаика каби касаллик қўзғатувчиларини ташийди. Помидор уруғлари рақ, мозаика, поя некроз каби, суқма пиёз эса – перономпориз ва кулранг чириш касалликларини ташишига хизмат қилиши мумкин.

**3. Кўчатлар ораси кенглигининг меъёри.** Деҳқоннинг иложи борича кўпроқ экиш истагини тушуниш мумкин. Бироқ кўчат қалин бўлганда ўсимликлар бир-бирини сиқади, соя солади, яхши шамолламайди. Натижада, замбуруғли ва бактерияли касалликлар ривожланиши учун микроклим юзага келади: пиёзда – сохта ун шудринг, бодрингда – бактериоз, антракноз, помидор ва картошкада – фитоптороз, шолғомда – церкоскороз. Тигиз экин тупроқ ва ҳаводан ўзига яраша озуқа ололмаслигини ҳам эътиборга олиш керак.

**4. Озиқ моддалар мувозанати.** Агар фосфор, калий, микроэлементлар етишмасдан, азот керагидан ортиқча бўлса, ўсимлик жадал ўса бошлайди. Бу ҳолда унинг касалликларга қаршилиги пасаяди, ҳосили майдалашади.

**5. Тупроқ ҳолати.** Кислоталилик даражаси юқори бўлган тупроққа экилган кўчатларда қорасон, карамда илдиз бўқоғи, картошкада қўтир касалликлари, сабзи ва шолғомда илдиз қурти фаол ривожланади. Аксинча, кислоталилиги паст бўлган тупроқда шолғом, карам, ловия, бодринг, пиёз ва салатларнинг касалликка тез чалиниши кузатилади. Ишқорли тупроқда картошканинг вертикаллифоз сўлиш ҳамда қўтир касалликлари кўп учрайди.

**6. Экиш муддати ва усуллари.** Буларни ўзгартириш орқали экинларни касалликларга дучор бўлишининг олдини олиш ёки уларга барҳам бериш мумкин. Агар сабзавот экинлари қизимаган тупроққа экилса, ниҳолларнинг тезгина илдиз чиқариши, картошка эса ризоктониоз билан зарарланиши мумкин. Шу боис хўл, оғир, совуқ тупроқларда картошка, карам ва бошқа сабзавотларни уя очиб эмас, олдиндан тайёрлаб қўйилган чуқур қаторга экиш маъқул.

**7. Тупроқ, ҳаво намлиги ҳамда ҳарорати.** Ҳавонинг кескин совиши, совуқ сув билан суғориш, иссиқхонада елвизак туриши, нотўғри озиклантириш, албатта, бодрингни ун шудринг, бактериоз, антракноз, аксинча, ҳаво намлигининг ортиб кетиши помидорнинг фитоптороз, кулранг ва оқ чириш касалликларига дучор қилади. Айнан ушбу талаблар номувофиқлиги туфайли ҳам бу ўсимликларни битта иссиқхонада ўстириш мушкул.

**8. Нотўғри суғориш.** Юқоридан кўп сув қуйиб суғориш туфайли тупроқ тобора ювилиб, ўсимлик илдизи очилиб қолади, барглари ифлосланади. Аксинча, эгатлар бўйлаб, ўсимликларни айлантириб ёки томчилатиб суғориш уларни касалланиш эҳтимолини камайтиради.

**9. Мавсум охиридаги ўсимлик қолдиқлари.** Уларда касаллик қўзғатувчилар жуда яхши қишлайди. Фақат ун шудринг, вирус касалликлари билан зарарланган бўлса, ҳеч иккиланмай кузги чопик пайтида кўмиб юбориш кифоя. Фитоптороз ва бактерияли касалликлар билан зарарланган картошка поясини эса 2 йилгача компост қилиб ташлаб қўйган маъқул. Агар карамнинг илдиз бўқоғи, помидорнинг фитоптороз, картошка ва шолғомнинг рақ касалликларини сезсангиз, ўсимлик қолдиқларини ёқиб юборишингиз ёки экин экилмайдиغان жойга элтиб ташлашингиз шарт.



## АНОР ВА АНЖИР

**Томорқаларда экиш учун анорнинг Қизил анор, Аччиқ дона, Қозиқи анор, Туятиш, Улфи, Десертный, анжирнинг эса Кадо-та, Қораанжир, Крымский, Узбекский желтый навлари тавсия этилади.**

Кўчатларини экишга тайёрлаш- да аввало, томорқа майдони текис- ланади, сўнг ерга гўнг, чиринди,



фосфорли, калийли ва азотли ўғит- ларни солиб, чуқур қилиб ҳайда- лади.

Март ойида анорнинг 4x2-3 м схемасида кўчатлари экилади. Ан- жирнинг экиш схемаси эса —5x4-5 м оралиғида бўлиши лозим.

Кўчат экиладиган ўраларнинг чуқурлиги ва кенлиги 50x50 см бўлади. Чуқур қазишда тупроқ уст- ки қисмини 20-25 см қатлами ўра- нинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади.

Кўчатни экишдан олдин тайёрлан- ган шалтоққа (янги мол гўнги туп- роқ билан 1:1 нисбатда аралашти- рилган, қаймоқсимон массага) бо- тириб олинади.

Кўчат ўрага тик қўйилиб, энг ол- дин олинган тупроқ чуқур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилган- дан сўнг ҳар бир чуқурга сув қўйи- лади. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

**Парваришlash.** Анор ва анжир қишга кўмиладиган субтропик экин- лар бўлганлиги учун уларни бутаси- мон тарзда шакллантириш зарур. Бунда асосий 3-4 та йирик шох қол- дирилади. Йирик шохлар ерга нис- батан 45 градус қияликда шакллан- тирилади. Вақт ўтиши билан ҳосил тупнинг марказидан четга чиқа бош- лайди, шунинг учун новдаларни вақ- тида қисқартириш талаб этилади.

Томорқадаги анор ва анжир туп- ларига 250-300 г азотли, 200-220 г фосфорли ва 180-200 г калийли

ўғитлар соф ҳолда солиниши тав- сия қилинади. Азот ўғити иккига бўлиб, 30-40 фоизи кузда, қолган- ни апрель ва июль ойларида тенг миқдорда солинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50-60 кг чириган гўнг со- лиш ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир этади.

Бўз тупроқларда ўсув даври мо- байнида 6-10 марта, шағалли ер-



ларда 10-12 мартаба суғорилади.

**Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Бу дарахтларга зараркундалардан ўргимчаккана жиддий зарар келтиради.

Ўргимчакканага қарши Данитол, Омайт, Неорон препаратлари (100 л сувга 150 г миқдорда) пуркала- ди. Узум куртига қарши эрта баҳорда Карбофос ёки Золон (10 л сувга 20 г) пуркалади. Ушбу препарат- лар бўлмаганда тамаки қайнатма- сидан фойдаланиш мумкин.

**Амударё туманидаги «Юсуфхўжа» ва «Нурилла Дўсимбетович» номли кўп тармоқли фермер хўжаликлари жамоалари**

*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, халқимиз дастурхонини тўқин этаётган барча фермерларни, юртимиз аҳолисини Наврўз айёми билан қизгин муборакбод этади.*

**Наврўз — чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчиликка кут-барака олиб келсин. Халқимиз дастурхони доимо тўқин, осмонимиз мусаффо бўлсин.**



# ГУЛЛАР — ХОНАДОН КЎРКИ

**Атиргулнинг:** Қора магия, Папи-лон, Бургун, Салвидор, Кулин Еле-завета, Московский, Президент, Ан-желика ва бошқа навлари бор.

**Кўчат тайёрлаш.** Ёзнинг ўрталари-да чала ярим пишган наъматак те-рилади, дуккаклари чақиб олинади ва ўрадаги қумга аралаштириб кўми-лади. Устига 3-4 кун давомида сув се-пиб турилади. 15-20 кун ўтгандан сўнг наъматак қумдан олингач, ёйиб қурилади.

Қуриганлари эланиб, қумдан аж-ратилади, мато халтага солиб, соя ва қуруқ жойда сақланади. Наъматак уруғи ноябрь ойида яна қалинлиги 25-30 см бўлган ҳўл қумга аралаш-тириб кўмилади. Март ойининг 5-10 кунларида қумдан қовлаб олиниб, эланади ва 10-15 кунларда ерга се-пилади. Сепилган уруғ 20-25 кун ора-лиғида униб чиқади. Май ойининг ўрталарига бориб ягана қилинади. Ниҳоллар пайванд пайтигача парва-риш қилинади. Август ойининг 10-15 кунлари пайванд қилишга етилади.



Пайванд учун атиргулнинг соғлом пишган кўз новдаси танлаб олинади. Кўзли новда гулнинг паст қисмидан 20-25 см. қолдириб кесилади. Кесил-ган новданинг тепа юмшоқ қисми ҳам кесиб олиб ташланади. Қолган соғлом новдандан кўз олиб, наъматак танасига пайванд қилинади. Пай-ванднинг 20-22 кундан кейин кур-так чиқади, аста-секин ривожланиб, шохга айланади ва 9-10 ойдан сўнг илк гулини беради.

**Экиш учун жой танлаш ва ерни тай-ёрлаш.** Гул етиштириш учун ажратилган майдон текис ва унча катта бўлмаган (2-3° гача) нишабликда бўлиши лозим. Ер кўз ойларида тайёрланади. Органик ўғит-лар бериб, 20-30 см чуқурликда юмша-тилади. Тупроқ бегона ўтлардан тозала-нади, хаскашланади ва пушта олинади. Улар калтароқ, баландлиги 20-25 см, кенлиги 70 см бўлиши керак. Экишдан олдин майдон суғорилади. Кўчатлар 70x60 см ва 70x70см схемада экилади.

**Экиш.** Атиргулларни экишнинг энг мақбул пайти баҳор фасли ҳисобла-нади. Экиш олдидан атиргулнинг ил-дизлари текшириб чиқилади, синган ва титилганлари кесиб ташланади, соғлом илдизлар эса лой ва қорамол гўнгидан тайёрланган аталага боти-риб олинади. Гул кўчатини экиш учун эни 30x30 см, чуқурлиги 30 см кат-талигидаги чуқур қазилади. Кўчат ўтқазилган олдин бу чуқур сув билан тўлдирилади. Туплар кўчатзордаги ҳолатидан бир оз чуқурроқ (3-4 см) қилиб, пайванд қилинган тарафини кун чиқиш томонга қаратиб ўтқази-лади. Пайванд бўлган жой ер юзаси-да 45-50 см тепада бўлиши лозим. Нам кўтарилиб кетмаслиги учун ай-лана ариқ бетига 3-4 см қалинликда қипиқ ёки янги от гўнги сепиб кўйи-лади. Узун шохлари қирқиб, калта қилинади. Қирқишда янги новдалар ҳосил бўлиши учун тўрт-олти кур-так қолдирилиши керак. Ўсимлик ўтқазиладиган куни ҳар бир чуқурга 6-8 кг ҳисобидан чириган гўнг туп-роққа аралаштириб солинади. Агро-техника тадбирлари тўғри олиб, бо-рилганда ўсимлик тупидан 8-12 до-нагача гул олиш мумкин.

**Суғориш.** Суғоришда наъматак униб чиққандан кейин ер чала, яъни ҳар 10 кунда 2-3 мартаба суғорила-ди. Пайванд қилингандан сўнг таги-дан нам кетмаслиги керак. Кўчат ҳафта давомида 1 марта захлатиб ту-рилади.

**Ўғитлаш.** Атиргул кўчатлари асо-сан маҳаллий ўғитлар билан озиклан-тирилади.

**Қатор ораларига ишлов бериш.** Иш-лов бериш ишлари суғорилгандан 2-4 кундан сўнг бажарилади. Тупроқни юмшатиш дастлабки йиллари 3-4 ма-ротаба амалга оширилади. Қатор ора-лари қўл кучи билан 10-15 см чуқур-ликда чопиқ қилинади ва бегона ўтдан тозаланади.

**Атиргул шох-шаббасини кесиб.** Атиргул асосан эрта баҳорда бутала-ди. Буталган шохлар ёз бўйи келгуси йил учун ўринбосар новдалар чиқа-ради. Гуллайдиган атиргуллар калта қолдириб буталади. Ер музлашдан бир неча кун илгари атиргул тупларида-ги барглар батамом тушади. Ортикча новдалар олиб ташланади. Туп бўғизи атрофига 40-50 см баландликда туп-роқ уюлади. Шу тарзда атиргуллар қишлайди. Эрта баҳорда куртаклар бўртмасдан олдин бўғиз атрофидан тупроқ олинади, усти очилади, ил-диз бўғизи тозаланади, шикастлан-ган ва синган учларини, совуқ урган

новдалар қирқиб ташланади.

**Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Ширага қарши 20 г анабазин ёки никотин сульфатни ёхуд 50 г яшил совунни 10 л сувга кўшиб тайёрланган эритма пуркала-ди. Ўргимчакканага қарши тиофос эритмаси пуркалади. Бу эритма 10 л сувга 5-6 г тиофос солиб тайёрлана-ди. Ун-шудринг касаллигига қарши 10 л сувга 20 г тўтиёйи ва 200 г яшил совун кўшиб тайёрланган эритма иш-латилади. Атиргулнинг занг касалли-гига мойиллиги кучли. Унга қарши олтингургурт сепилади.

**Лола навлари.** Аннушка, Май Леди, Маурен, Оксфорд, Парад, Президент Кеннеди ва бошқа навла-ри тупроқ-иқлим шароитига, хари-дорларнинг талаблари, яъни бозор-гирлигига қараб танланади.

**Кўчат тайёрлаш.** Лола кўчатини тайёрлаш ёки ойлариинг охиридан бошланади. Апрельнинг 20-25 кунларидан бошлаб май ойининг 10-15 кунларигача очилиб бўлган лола



пиёзлари ернинг чуқур қисмига кир-масдан, яъни юза қисмида бўлган пайтда қовлаб олинади. Қовлаб олин-ган пиёзларнинг соғломлари саралаб олинади, селгитилади ва соя жойда сақланади. Сақланган пиёз ноябрь ойида ерга экилади. Экилаётган пиёз соғлом, чиримаган ва бутун бўлиши керак. Лола пиёзининг “болалаш” даври гуллаш пайтидан бошланади. Шунинг учун гуллаш даврида лола пиёзини қовлаш асло мумкин эмас.

**Экиш.** Лола пиёзи зах бўлмаган, сув шимувчи ва яхши ўғитланган юмшоқ ерга экилади. Томорқанинг катта-кичиклигига қараб 10 см. дан 30 см. гача ораликда экилади.

**Суғориш.** Лола пиёзи қадалгандан сўнг кўп сув талаб қилмайди. Чунки пиёзлар салқин пайтда, яъни ноябрь ойларида ерга қадалиб, кунлар қизир-қизимас, яъни апрелнинг охи-ри-май ойининг бошларида қовлаб олинади. Лола касалликларга чидам-ли, кўп ўғит талаб қилмайди.



# ХАРИДОРИ КЎП ЭКИНЛАР

## Ширин қалампир

**Экиш учун тавсия этиладиган навлар:** эртапишар Наргиза, Тонг, Жайхун F1, ўртапишар Заря Востока, Дар Ташкента, Юлдуз, Сабо, кечпишар Зумрад.

**Кўчат танлаш.** Ширин қалампир кўчатлари 40–45 кунлик, 6–7 баргли, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.

**Ер тайёрлаш.** Экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланади, бунда ҳосилдан бўшаган майдон турли ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, 1 сотих ерга 200 кг чириган гўнг сочиб чиқилади. 1 кг аммофос ва 0,75 кг калий хлор ҳайдовдан олдин 200 кг чириган гўнг билан бирга солинади. Маданий ўғитлар миқдорининг бир қисми қўлда сочиб чиқилиб, кейин 28–30 см чуқурликда майдон юмшатилади, хаскаш ёрдамида йирик кесаклар майдаланиб бир йўла ер текислаб олинади ва 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.



**Экиш муддати ва схемаси.** Ширин қалампир кўчатлари жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган вилоятларда апрелнинг II–III ўн кунлигида ва шимолий минтақаларда апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида 70x30 см ёки 70x40 см тизимида, ер ости сувлари яқин бўлган ерларда 90x25 см тизимида экилади.

**Парваришлаш.** Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12–15 кун ўтгач, иккинчи сув берилди. Тупроқ етилгач, яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади.

**Ўғитлаш.** Ширин қалампир етиштиришда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор ўғитлари берилди.

Ширин қалампир сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида 18–20, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли ерларда 12–15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8–12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5–7 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин камроқ суғорилади.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Ширин қалампир ўзига хос ўсимлик бўлиб, мевасини кўклигида ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Кўклигида йиғиб олинмаса 20–30 кун ичида қизил тусга киради ва мевасида А ва С витаминлари кўпаяди. Ҳосил йиғишда меваларни кесиб олишга ҳаракат қилиш лозим акс ҳолда новдалари синиб кетиши мумкин.

## Аччиқ қалампир

**Экиш учун тавсия этиладиган навлар:** Марғилон–330, Пикантный, Учқун, Тилларанг, Мумтоз, Саид.

**Кўчат танлаш.** Аччиқ қалампир кўчатлари 40–45 кунлик, 8–10 баргли, пояси ва илдизлари дуркун ривожланган, барглари тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим.

**Ер тайёрлаш.** Аччиқ қалампир экиш режалаштирилган ерларни тайёрлаш ишлари куз ойларидан бошланади. Бунда ҳосилдан бўшаган майдон турли ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, маҳаллий ўғит сочиб чиқилади. Маданий ўғитлар миқдорининг бир қисми қўлда сочилгач, майдон 28–30 см чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар хаскаш ёрдамида майдаланиб, бир йўла ер текисланади ва 70 см ёки 90 см қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

**Экиш муддати ва схемаси.** Кўчатлари жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлигида, марказий минтақадаги вилоятларда апрелнинг II–III ўн кунлигида, шимолий минтақаларда эса апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида 70x20 см тизимида, ер ости сувлари яқин бўлган ерларда 90x20 см тизимида экилади.

**Парваришлаш.** Ўсимликларга биринчи ишлов кўчатлар тутиб олгач, яъни экилганидан 10–12 кундан кей-

ин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар ораси юмшатилади. Биринчи парваришладан 12–15 кун ўтгач, иккинчи сув берилди. Ер етилгач, яна бир бора чопиқ қилинади. Бунда майдон бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Аччиқ қалампир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун унинг илдиз қатлами ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қўйилгани маъқул.

**Ўғитлаш.** Аччиқ қалампир етиштиришда 1 сотих майдонга 7,6 кг сульфат аммоний, 2,6 кг аммофос, 1,6 кг калий хлор берилди.

Экин сувга талабчан ўсимлик бўлиб, сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал ўртача 1 сотихга 5–6 м<sup>3</sup> ҳисобидан 14–16, сизот суви юза ўтлоқ ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли ерларда 10–12 марта суғорилади.

**Ширин ва аччиқ қалампирнинг**



**касалик ва зараркундаларга қарши курашиш.** Асосий зараркундаларидан шира, каналар, оққанотга қарши 10 сотих майдонга Моспила 20% н.кук. (25–30 г) қўлланилади. Касаликлар – меваларни учидан чириши, бактериал қора доғ, сўлишга қарши Байлетон 25% н.кук. (100–200 г), Превикур 72,2% с.э.к. (150 мл), Курзат Р н.кук. (200–250 г), Рирдомил голд 68% с.д.г. (200–250 г) ёки I фозили Бордо суюқлигини 60–70 литр сувга тайёрланган аралашмасини қўллаш мумкин. Бу кимёвий препаратларни мутахассислар назоратида қўллаш зарур.

**Ҳосилни йиғиштириш.** Аччиқ қалампир ўзига хос ўсимлик бўлиб, мевасини кўклигида ҳам қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўпроқ бўлади. Совуқ тушиши арафасида пояси меваси билан биргаликда тупроқдан суғуриб олиниши, қуритилиши ва кейинчалик ишлатилиши мумкин.

# ТЎКИНЛИК ОСТОНАСИ

Томорқа ҳар бир оиланинг бирламчи кун кўриш омили бўлибгина қолмай, файз-барака бешигидир. Шундай экан, томорқадан унумли фойдаланиш учун баҳорнинг ҳар бир кунини ганимат билиб, экиладиган экин, ўтқазиладиган дарахт кўчатини танлашда илмий, оқилона йўл тутиш зарур.



Илм-фанга таяниб, илғорлар тажрибаларидан кенг фойдаланиб томорқадан яхшигина даромад олаётган хонадонлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Қарши шаҳрида яшовчи Чўлли ака Турсунов ана шундай хонадон соҳибларидан бири.

Чўлли ака сув тақчиллигига барҳам бериб, ўзи яратган технология асосида томорқасидан ҳавас қилса арзигулик даромад олмоқда, асосийси сифатли мева-сабзавот етиштирмоқда. Технология бўйича, айниқса, ҳовлидаги дарахтзорларни суғориш катта фойда келтириб, тупроқ қайта шўрланишнинг олди олинади.

Дарахтлар сонига қараб ҳовуз ёки катта идишда жамғарилган сув билан дарахтнинг илдиз чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш жорий этилган. Дарахтларга тўғрилаб горизонтал ва вертикал ўрнатилган 15-20 см лик резина ёки полиэтилен қувурлар тортилиб, ҳовузга ўрнатилган қувурга уланади. Вертикал қувурларни ўрнатишда кенг ҳажмли қувурлар ёки баклашкалардан фойдаланиш яхши самара беради. Ҳавонинг ҳар қандай палласида ҳам сувнинг парланиб кетишининг олди олинади. Мавсум давомида ҳар дарахтга ёши-бўйига қараб 100-120 литр сув сарфланади. Томорқанинг ҳажми, дарахт-

лар сонига қараб, канал, қорёмғир сувларидан захира яратилади.

Мазкур усул қўлланилганда дарахтларнинг ҳосили мўл ва сифатли бўлади, касалликларга кам чалинади. Агробиологик муҳит яхши бўлганлигидан тупроқнинг микробиологик жараёнлари меъёрида кечади.

— Айрим томорқаларда тупроқни қайта шўрлантириш, билиб-билмай гербицид, пестицид, минерал ўғитларни қўллаш ҳисобига тупроқдаги фойдали микроорганизмлар йўқолиб, тупроқнинг табиий унумдорлиги кескин пасайиб кетмоқда, зарарли микроорганизмларнинг кўпайиши, турли экинларнинг касаллик, зараркуналлар билан зарарланиши кучаймоқда, — дейди томорқачи деҳқон. — Кўп йиллик тажриба ва кузатишларим асосида бир нарсага амин бўлдим-ки, агро илмга таянмасдан томорқадан юқори самарадорликка эришиш асло мумкин эмас.

Чўлли аканинг 5 сотихлик томорқасида 2 туп олма, 10 туп бодом, 2 туп анор, 35 туп ток, 2 туп хандон писта, 1 туп тут ва 1 туп нокнинг сара навлари ҳосилга кирган. Дарахтлар ораларига турли салқинсевар кўкат-сабзавотлар (эйтиборли томони уларнинг аксарияти камёб, ноанъанавий экинлар)дан йил давомида 3-4 марта ҳосил

олинади. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда агро илм амалиётчиси томорқасидан ўтган йили 41 миллион сўм даромад олган.

Томорқада алмашлаб экишга алоҳида эйтибор берилади. Озиқлантириш, био-препарат ва биостимляторларни, касаллик-зараркуналларга қарши курашда биологик усулдан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, тирик организмларнинг табиий мувозанати сақланади.

Тажрибали деҳқон ҳар йили мўъжазгина томорқача ташкил этиб, оила аъзолари, қолаверса, қўшни ва қариндошлар учун доривор гиёҳлар экади ва амалиётга қўллаши ҳисобига кимёвий дорилардан умуман фойдаланмайди.

Баҳор-ёз ойларида эҳтиёжига кўра, мева-сабзавот ва доривор ўсимликлар шарбатлари тайёрланади. Уларни қишда оила истеъмол қилади.

— Бизга табиат жаннатмакон юртни инъом этган. Атрофга боқсанг кўз қувнайди. Она табиатимиз неъматларини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга қолдириш ҳар биримизнинг энг буюк инсоний бурчимиз саналади, — дейди Чўлли ака. — Томорқаси бўла туриб ҳамма нарсани бозордан сотиб олаётганларни кўрганимда ҳайрон бўламан...

Ўз мухбиримиз.



# КАРТОШКА КУЯСИ

**Картошка ҳосилини етиштириш қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда картошка қуяси мазкур экин ҳосилига жиддий хавф солмоқда. Сабаби, бу ҳашарот экологик мойилликка эга бўлиб, қулай шароитларда йил мобайнида ривожланади.**

Ўсув даврида, ўсимликнинг барг, поя ва туганакларини 70% гача, омборларда сақланаётган картошка туганакларининг катта қисмини зарарлайди, ҳосилига жиддий путур еткази.

Картошка қуяси — картошка, помидор, бақлажон, ёввойи итузум, тамаки ва бошқа итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликларнинг энг хавфли зараркунандаси ҳисобланади.

Унинг ватани Жанубий ва Марказий Америка ҳисобланиб, зараркунанда ҳозирги даврга келиб асосан экваторга яқин давлатларда кенг тарқалган, дунёнинг 80 дан ортиқ давлатида рўйхатга олинган.

Олдинги қанотлари урғочига нисбатан кичикроқ. Орқа оёқлари оч сарғиш рангда, узун оёқлари оқ момиқ ва панжалари жигарранг момиқлар билан қопланган. Эркак капалак урғочисидан асосан қорин қисмининг охирида оқ ёки кулранг оқ момиқлар борлиги билан фарқ қилади.

**Тухуми** овал шаклда. Баъзан бир томони ботикроқ бўлади. Эни 0,35-0,45 мм, узунлиги 0,8 мм катталикида. Янги қўйилган тухумлари оқ рангда, камалаксимон товланиб туради. Қобиғи силлиқ, бир томони тўрсимон. Тухум вақт ўтиши билан тўқ рангга киради. Қурт тухум ичини кемириб ўзига чиқиш учун те-



Омбордаги картошка туганакларининг картошка қуяси билан зарарланиши.

Ўзбекистонда янги ҳашарот — картошка қуяси биринчи марта 2009 йили Хоразм вилояти Шовот туманида аниқланган. Ҳозирги кунга келиб республикамизнинг барча вилоятлари картошкачилигига жиддий хавф туғдирмоқда.

Тўлиқ ривожланувчи мазкур ҳашарот етук зот (капалак), тухум, қурт ва гумбаклик фазаларини ўтайди.

**Капалаги** кичкина, оч кулранг тусли бўлади. Тинч ҳолатда қанотлари елкасига йиғилади. Олдинги қанотларининг катталиги 12-15 мм атрофида. Эркакида қанотлари урғочига нисбатан кичикроқ. Қанотларида тўқ рангли чизиклари ва қора доғлари бор. Эркак капалак қорин қисмининг охириги азбосининг узунлиги бутун қорин қисмининг узунлигининг 1/3 қисмини ташкил қилади, қорин қисмининг охириги сегменти қалин момиқлар билан қоп-

шик очади. Бўшаган тухум оқ рангда бўлади.

Тухумдан чиққан личинка 1,2 мм узунликда, рангсиз ёки оч қизғиш тусда бўлади, вақт ўтиши билан тўқ жигарранг тусга киради, бош қисми қора рангда. Етук қурти 10-13 мм узунликда, эни 1,5 мм, ранги сарғимтир қизғиш ёки яшилсимон кулранг тусда бўлади.

Қурт (личинка)ларининг бош қисми тўқ жигарранг ёки қора рангда. Кўкрак қисми деярли қора ва сарғиш тусда бўлади. Кўкрак оёқлари қорамтир, қорин қисмидаги оёқлари эса сарғимтир тусда бўлади.

Дала шароитида 2-3 ҳафта ичида қуртлар тўлиқ етилади. Гумбакка кетишдан олдин қуртлар тўқ тусга киради ва тебрана бошлайди. Одатда гумбаклашга ўтишдан олдин қуртлар озиқланаётган масканини: барглари, картошка туганагини тарк эта-

ди. Ўсимлик ёки тупроқ орасига кириб гумбакка айланади.

**Гумбагининг** пилласи оқ сарғиш-кумуш рангда. Қуртлар 24 соат давомида пиллани тайёрлаб улгуради. Шундан сўнг пилла ичига кириб, тешикларни беркитади ва 2-3 кунда тўлиқ гумбакка айланади. Пилланинг узунлиги 10 мм, эни 4 мм ни ташкил қилади. Эркагининг гумбаги, одатда урғочининг гумбагига нисбатан кичикроқ бўлади.

Дунё олимларининг маълумотларига асосан тропик мамлакатларда 11-13, Краснодар ўлкасида 3-4, Украина жанубида 4-5 авлод беради. Ёз мавсумида бир авлоднинг ривожланиши 22-30 кун, қиш мавсумида эса 2-4 ойгача давом этади. Зараркунанда 22-26°C ҳароратда ва 70-80% нисбий намликда яхши ривожланади. Етук қуртлик ёки гумбаклик ҳолида қишлайди.

2010-2016 йилларда ўтказилган тадқиқотимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти шароитида май-октябр ойлари очиқ далада 5 авлод, омбор шароитида 2, Тошкент вилояти очиқ далада (май-октябрь ойлари) 6 ва омбор шароитида 2 авлод бериб, ривожланиши аниқланди.

Капалаклари бир ёки икки дона уруғни картошка баргларига, очилиб қолган туганакларига, агар тупроқ билан картошка қўмилган бўлса тупроққа ҳам қўяди.

Тухумдан чиққан қуртлар картошка барги ичига кириб олиб, юмшоқ эти билан, туганакнинг ичида озиқланади. Битта картошкада 15 тагача қуя қуртлари жойлашиб олиши мумкин. Айниқса, эртаги картошка далалари ўрнига такрорий картошка экилса, ўсимлик кучли зарарланиши мумкин.

Омборхоналарда ҳосилни сақлаш жараёнида картошка қуяси ҳам тўхтовсиз ривожланиб, тухум қўяди. Шу сабабли картошка қуясининг асосий тарқалиш ўчоқларидан бири бу — картошка сақланадиган омборхоналар ҳисобланади. Омборхонада сақланаётган картошканинг 25-80%, баъзан 100% гача зарарланиши тадқиқотларда кузатишган.

Урғочи капалак жуфтлашиб, урчиганидан 1 кундан сўнг тухум қўйишни бошлайди. Капалак ҳаёти давомида 150-200 донагача тухум қўяди. Капалак тухумларининг асосий қисмини 5-10 кунлар давомида қўяди.

Кундузи баргнинг орқа томонига жойлашиб, тинч ҳолатда бўлади. Кечки пайтда, ғира-шира қоронғи тушиши билан 2-3 соат ва эрта са-



ҳарда тонг отишига яқин 1-2 соат давомида капалаклар жуда фаол бўлиб, учади ва шу пайтда тухум қўяди. Капалаклар картошка поясининг ўсув нуқтасига, янги чиққан баргларга, илдиз бўғзига, кесакларга ва туганакларнинг кўзчаларига биттадан, баъзан иккитадан тухум қўяди.

Картошка қуяси қуртлар бир баргдан иккинчисига тез-тез ўтиб туради ва баргларни ўргимчак тўри билан бир-бирига боғлайди. Дала ша-роитларида қуртлар баргдан ташқари, пояларни ҳам зарарлаб эпидермис қаватидан йўл очиб ташлайди. Қуртлар тўртинчи ёшга етганида зарари кучаяди.

Зараркунанда тарқалган давлатлардан келаётган уруғлик ва озуқабоп картошка маҳсулотларини карантин текширувидан ўтказиш, картошка маҳсулотларини, уларни ташиган транспорт воситаларини зарарсизлантириш ҳамда карантин сертификати асосида олиб кириш чораларда муҳим тадбир ҳисобланади. Республика ҳудудида ички карантин тадбирларини белгилаш, картошка қуяси тарқалган ҳудудлардан, картошка маҳсулотларини қуя тарқалмаган ҳудудларга зарарсизлантирилган ҳолда карантин хизматининг рухсати билан олиб ўтишга эътибор қаратилиши зарур.

Итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликларни қуя тарқалган ёки тарқалмаганлиги бўйича кузатув-назорат қилиш, феромон тутқичлар ёрдамида доимий текшириб туриш, бегона ўтларни йўқотиб бориш талаб этилади.

Картошка ҳосили етилиши билан унинг палагининг ривожланишдан тўхтамасдан олдин (палаги қуримасдан) ўриб ташқарига олиб чиқиб кетиш зарур. Картошкани далада қолдирмасдан дарҳол омборхона ёки бошқа сақлаш жойларига олиб кетиш тадбирлари далада қуя сонини камайтиради. Зараркунандани далада қишлаб қолишига йўл қўймаслик учун, картошка палаги ва зарарланган туганакларни даладан чиқариб йўқ қилиш ҳамда экин майдонларини чуқур ҳайдаш ва яхоб суви бериш каби агротехник тадбирлар ўтказиш қуянинг қишлоғга кетган гумбакларини 50-70 % гача нобуд қилади.

Картошка қуяси тарқалган майдонларда БИ-58 (янги), 40% эм.к. - 1,5-2,0 л/га; Данадим, 40 % эм.к. 1,5-2,0 л/га; Замектин, 15% с.э.г. 0,12 - 0,15 кг/га; Импалла (10%+20%) сус. к. 0,15 л/га; Корал, 10% эм.к 0,2-0,4 л/га; Делюкс Ультра, 10% эм.к. 0,035 л/га; Дифентокс, 2,5% эм.к. 0,5 л/га қўллаш тавсия этилади. Олимларнинг

тадқиқотларига биноан ва зараркунанданинг ривожланишига қараб, мазкур кимёвий ҳимоя воситалари билан 3-4 марта 15-20 кун оралатиб ишлов ўтказиш зарур.

Картошкани омборларда сақлаш жараёнида, паст ҳарорат (3-5°) да сақланганда картошка қуяси ривожланишдан тўхтайдиган ва нобуд бўлади.

Уруғликка мўлжалланган картошкани кузда қуйидаги инсектицидлар билан дорилаб сақлаш мақсадга мувофиқдир: Селест топ (0,05% лик), децис (0,1% лик) ва Циперметрин (0,03% лик) препаратлари сувдаги эритмасида картошкани “чўмилтириб” олиб, қуритиб, кейин сақлаб қўйилса, 95% гача самарага эришилади. Картошка қуясига қарши кураш учун тавсия этилган препаратларнинг барчаси билан уруғлик картошкани юқоридаги усул билан ишлов бериб сақласа бўлади.

**Ш.ХЎЖАЕВ,**

қ.х.ф.д., профессор,

**Қ.БОБОБЕКОВ,**

б.ф.н., “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ,

**Д.ОБИДЖОНОВ,**

қ.х.ф.н., Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти.

## «Қўшқўпирдавсувмахсуспудрат»

### ДУК жамоаси

**Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини диёримизга, ободлик, меҳр-саховат рамзи — Наврўз байрами билан**

**табриклайди. Юртимиз фаровонлиги**

**йўлида меҳнат қилаётган**

**аграр соҳа вакилларини, бободехқон ва**

**галлакорларни**

**ишлари бароридан келишини тилайди.**

**Шижоату меҳнатсеварликка чорловчи баҳор  
нашидаси қалбларимизни асло тарк этмасин!**



# А ЕСЛИ ПЧЕЛЫ ИСЧЕЗНУТ?

**Во всем мире пчеловоды сообщают о катастрофическом снижении количества пчел на пасеке и загадочном исчезновении пчел в ульях, несмотря на то, что пчеловоды применяют достижения науки и опыта, чтобы исключить этот неприятный феномен. По расчетам некоторых ученых-пчеловодов, если такая тенденция сохранится, то к 2040 году эти уникальные насекомые могут исчезнуть совсем. Регулярно, почти каждый год собираются ученые и практики на всемирные конференции по пчелам и чаще всего в Австралии.**

По этой актуальной мировой проблеме, по случаям исчезновения медоносных пчел, ежегодно проводятся всемирные конференции на тему: как сохранить пчел – основных опылителей продуктовых, фруктовых и овощных культур, цветковых пастбищных растений, а так же производителей меда. На последней 30-й сессии Региональной конференции Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (FAO), которая проходила 4-6 мая 2016 года в городе Анталия (Турция), обсуждалась проблема сохранения пчел и развитие пчеловодства не только с точки зрения получения меда, но и как незаменимых опылителей цветковых растений.

На этой конференции, в целях привлечения внимания к важнейшей роли пчел в производстве продовольствия, поддержания экосистемы, сохранения пчел, Республика Словения внесла предложение о провозглашении по линии ООН Всемирного дня пчелы, или защиты пчел, который ежегодно отмечался бы 20 мая. Провозглашение Всемирного дня пчел позволит привлечь дополнительное внимание к этой важной роли, которую играют пчелы, содействовать международным усилиям в реализации совместных мер на защите пчел и их среды обитания, призванных обеспечить увеличение их численности и разнообразия, а также поддерживать устойчивое развитие пчеловодства.

Для людей в питании очень важен мед, но не все знают, что пчелы вносят важный вклад в обеспечении продовольственной безопасности и питания, в устойчивости сельскохозяйственного поддержания окружающей среды и экосистем в здоровом состоянии, в сохранении биоразнообразия благодаря тому, что пчелы бесплатно опыляют многие растения. Существование цветковых растений органически связано с насекомыми, в основном пчелами. Дальнейшая судьба таких продуктов, как яблоки, персики, гранат, урюк, вишня, черешня, арбузы, дыни и

другие, полностью зависят от пчел. На долю медоносных пчел приходится более 90% всей проделанной работы по опылению цветковых растений, а оставшиеся 10% опыляют дикие насекомые: осы, шмели, бабочки и другие.

К сожалению, есть районы в некоторых странах, например в Китае, где нет пчел. Их погубили интенсивной обработкой ядохимикатами с целью уничтожения различных болезней, прожорливых гусениц, или гнильцы, плесени и других.

А раз нет пчел, то цветки плодовых деревьев, кустарников, бахчевых, овощей никто не опыляет, следовательно и не будет плодов. На столе будет один хлеб, так как пшени-



ца самоопыляется посредством слабого ветра. Чтобы решить эту проблему, человек взялся за деликатную ювелирную работу вместо пчел по опылению цветков следующим образом. На бамбуковую длинную палку привязали мягкие перья птиц, их обмакивали в пыльцу и нежно дотрагивались к каждому цветку на дереве, причем по 2-3 раза к каждому цветку через определенный промежуток времени. Это огромный труд, отнимающий много времени. А эту работу выполняют бесплатно и качественно пчелы и дополнительно производят мед.

Жизнеспособность пчел и качество продуктов пчеловодства во многом зависит от окружающей среды. Пчеловоды – практики часто не обращают внимания на значимость этой проблемы. Пасеки часто распо-

лагаются в населенных пунктах, вблизи промышленных предприятий и автомобильных дорог. Это негативно влияет на экологические параметры продуктов пчеловодства и на здоровье пчел

С 1980 года стали интенсивно применять пестициды и ядохимикаты для увеличения урожайности сельскохозяйственных культур. При этом, к сожалению, сельхозпроизводители нередко просто игнорируют интересы пчеловодов и не предупреждают их о предстоящей обработке садов и полей. В результате, домашние пчелы и дикие насекомые – опылители исчезают надолго на обрабатываемом участке. Затем начинают исчезать дикорастущие травы, которые опыляют насекомые, например, верблюжья колючка, песчаная акия.

Пчелы – высокоорганизованное сообщество. Если пчела почувствовала, что заболела заразной болезнью, она не возвращается в свой улей, а погибает подалеке от родного “дома”. Известны случаи, когда пчеловод подходит к улью, не обнаруживает там пчел – они попросту исчезают.

Клещ варроа яacobsoni – это самый опасный паразит медоносных пчел, которого можно увидеть только невооруженным глазом. Пчелиная семья пораженная этой инвазионной болезнью, постепенно вымирает.

В массовой гибели пчел, как предполагают ученые, возможно виновен особый пчелиный вирус. Откуда он взялся – пока неизвестно, но он уже свирепствует в Австралии, Китае, США, Израиле и ряде других стран.

Пчеловоды иногда располагают улья под электролинией высокого напряжения. Пчелы, пролетая под такой линией, могут терять ориентацию на местности и не возвращаются в свой улей.

Влияние на исчезновение пчел оказывает загрязнение различными ядовитыми веществами окружающей среды. Подобная ситуация сказывается не только на пчелах, но и на растительности, животных и людях. Как говорят экологи, людям стоит серьезно задуматься над решением этой проблемы, из-за которой могут исчезнуть не только пчелы, но и жизнь на планете Земля.

**О.ТУРАЕВ,**  
к.с.х.н.,

**А.БЕЗВЕРХОВ,**  
НИИЖПуР;

**З.САИДОВА,**  
студентка,

Академический лицей при ТИИМ.



Республика «Ўзсувтаъмирфойдаланиш»  
бирлашмаси Мирзачўл вилоятлараро  
бошқармаси жамоаси

*Юртдошларимизни  
Наврўзи олам билан  
самимий муборакбод этади.  
Қут-барака ва омад  
юртимизни ҳеч қачон  
тарк этмасин!  
Янгиланиш ва яшариш  
айёми қутлуғ бўлсин, азизлар!*





# ЭЛ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар пировардида мева-сабзавотчилик, боғдорчилик каби тармоқларнинг хомашёсини қайта ишлаш ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, халқимиз эҳтиёжидан ортигини экспорт қилиш имкони туғилмоқда. Ўтган йили 21 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга эришилгани туфайли, экспорт ҳажми сезиларли даражада ортди.**

**Бу хусусда “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси бошқаруви раиси Зафар Файзиев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

Уюшмамиз ўтган йили «Ўзулгур-жисавдоинвест» негизда қайта ташкил этилган. Бизнинг зиммамизга ички истеъмол бозорини мева-сабзавот, картошка, полиз, узум ва гуруч маҳсулотлари билан узлуксиз тўлдириб бориш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида, уларни қиш-баҳор даврига ғамлаб, сақлаш уларнинг нобудгарчиликларини камайтириш чора-тадбирларини амалга оширишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Шунингдек, келгусида замонавий омборлар қуришни изчил давом эттириш билан бирга, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги аҳолини ижтимоий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш, логистика тизимини кенг жорий қилиш ҳамда республикамизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга муносиб улуш қўшишдан иборат.

Ўтган давр ичида уюшма тизимидаги корхоналар томонидан жами 330 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ғамлангани ва уларнинг қиш-баҳор мавсумида ички бозорга мунтазам етказиб берилаётгани, энг муҳими захирадаги маҳсулот аҳолини ўртача жон бошига белгиланган метёр бўйича, тўлиқ таъминлаш имконини бераётгани билан айниқса, аҳамиятлидир.

Албатта, маҳсулотни сақлаш учун унга энг аввало, ихтисослаштирилган ва мослаштирилган омборлар керак бўлади. 2016 йил Манзилли дастурга биноан, уюшмамизга қарашли корхоналарда 4 минг тонна сифимга эга совутгич ишга туширилди. Айни пайтда мамлакатимиз миқёсида бундай совутгичларнинг умумий ҳажми 33 минг тоннани ташкил этмоқда.

2016-2020 йиллар давомида сифими 325 минг тоннага мўлжалланган совутгичларни ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, 2017 йилда камида 5 та йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилади.

2016-2017 йил захирасга давлат буюртмаси учун маҳсулот харид қилиш бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари билан тайёрлов корхоналари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш масаласига катта эътибор қаратилди. Бунда бўнак маблағлари асосан фермер ва деҳқон хўжаликларининг уруғлик, кўчатлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий ўғит, эҳтиёт қисмлар харид қилиш, техникаларни таъмирлаш харажатларини олдиндан тўлаб беришга йўналтирилганлиги хўжаликлар учун катта қулайлик бўлди.

Энг асосий масалалардан яна бири бу — захирани молиялаштириш. Уюшма бўйича маҳсулот захирасининг хариди учун 70 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шундан 38 млрд сўм корхоналарнинг ўз маблағлари, 33 млрд сўм тижорат банкларининг кредит маблағларини ташкил этди.

Уюшма тизимида маҳсулотлар захирасини яратиш билан бирга, уларни етиштириш ишлари ҳам йўлга қўйилмоқда. Мисол учун, 1900 гектардан зиёд майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга муваффақ бўлди. Косон туманидаги 400 гектар майдонда етиштирилиб, экспорт йўлга қўйилган тезпишар қовун шулар сирасидандир. Қашқадарё, Бухоро, Тошкент ва бошқа вилоятларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик хўжаликлари, 122 гектар ерда интенсив боғ яратилди. Қашқадарё, Хоразм вилоятларида дуккакли экин ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ташкил этилган бўлса, Самарқанд вилоятида ўсимлик ёгини қадоклаш цехлари ишлаб турибди.

Тизимдаги корхоналар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлида фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Биринчи Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида 25 млн. доллар миқдоридан ўзаро келишувга эришилгани, қолаверса, хорижий шериклар билан қарийб 120 млн АҚШ доллардан иборат 70 тадан зиёд шартнома-

лар имзолангани фикримизнинг яққол далилидир.

Шартномалар бўйича ҳозирга қадар Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Хитой давлатларига 33 млн АҚШ доллари ҳажмида турли маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Чет мамлакатлардан инвесторларни жалб қилиш мақсадида, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда 21 та элчихона ва тегишли мутасадди ташкилот ва фирмалар билан алоқалар ўрнатилди. Россия ва Қозоғистон давлатларида “Марка Фуд Ташкент”, “Рус-Уз Инвест”, “РВТ-ФАЗО” ва “Диана ИМПЭКС” савдо уйлари очилди.

Ўрик ва баргак маҳсулотларини Америка ва Европа мамлакатларига экспорт қилиш имконияти яратилди.

Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларни босқичма-босқич Корея бозорига киритиш стратегияси ишлаб чиқилди. Шундай тадбирлар Япония ва Хитой давлатлари билан ҳам олиб борилмоқда.

Уюшманинг яна бир муҳим ижтимоий вазифаларидан бири бу — аҳолини, айниқса, олис, бориш қийин тоғли ҳудудлардаги қишлоқ жойларига ун, ўсимлик ёғи, шакар, гуруч, туз, чой ва бошқа энг зарур истеъмол товарларини узлуксиз етказиб беришдан иборат.

Савдо корхоналари ва бошқа истеъмолчиларга ўтган йили 407 минг тонна ун, 83 минг тонна ўсимлик ёғи, 23 минг тонна шакар, 3,5 минг тонна гуруч каби жами 896 млрд.сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш мақсадида, тизимдаги чакана савдо тармоқлари кўпайтирилмоқда. Ҳозир уюшма тизимида 5 мингдан зиёд фирма дўкони, мини-маркет ва супермаркет фаолият кўрсатаётир. Ҳудудларда янги савдо корхоналари ташкил этилиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми тобора ортмоқда. Термиз шаҳрида, Денов, Зомин туманларида йирик супермаркетлар ишга туширилди. Жорий йилда чакана савдо тармоғини янада ривожлантириш, савдо маданиятини юқори савияга кўтариш учун тоғли, бориш қийин ва олис қишлоқ жойларда кўплаб фирма дўконлари ташкил этиш орқали аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш режалаштирилмоқда.

**С. РУСТАМОВ ёзиб олди.**



# АГРОСУГУРТА — ДЕХҚОН МАДАДКОРИ

**Йигирма йилдирки, суғурта майдонида самарали фаолият кўрсатиб келаётган “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти дастлаб, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлса, эндиликда аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, етиштираётган ёки ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кутилмаган тасодиф ёки бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш хизматларини тақдим этиб келмоқда. Кўрсатилаётган хизмат турлари 120 дан ортиқ бўлиб, унинг учдан бир қисми қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталашга тўғри келади.**

Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимидаги ўзгаришлар, изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тобора такомиллашиши натижасида суғурта шартномалари ва кўрсатилаётган хизматларнинг сони ортиб, кўлами кенгайиб бораёпти.

— Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, — дейди биз билан суҳбатда “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг қишлоқ хўжалиги ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш департаменти бош менежери, иқтисод фанлари номзоди Абдурашид Ваҳобов, — аҳолига, ширкат ва фермер хўжаликларига зотли чорва моллари етказиб берилиши ҳамда уларнинг чорва молларини суғурталаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

“Ўзагросуғурта” АЖ томонидан 2000–2016 йиллар давомида лизингга олинган, суғурта ҳимояси таъминланган қишлоқ хўжалиги техникаларининг умумий сони 25 мингтадан, суғурта жавобгарлиги эса, 1 триллион сўмдан ортиб кетди. Ўз навбатида содир бўлган суғурта ҳодисалари оқибатида қишлоқ хўжалиги техникаларига етказилган моддий зарар бўйича тўланган товон пули 500 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди.

2015 йилдаги табиий офат етказган зиён-захмат деҳқон ва



«UZAGROSUGURTA»

фермерларимизни четлаб ўтмади. Унинг оқибатида жабрланганлар, жумладан Сирдарё вилоятидаги “Омон Фармон” фермер хўжалигига салкам 87 миллион сўм, Сурхондарё вилоятидаги “Бахтиёр Абдурасулович” фермер хўжалигига деярли 76 миллион, Мирзачўл туманидаги “Шодиёр Диёр” фермер хўжалигига 61 миллион, Нишон туманидаги “Бекмуродов Шавкат” фермер хўжалигига 43 миллион сўмдан ортиқ, Косонсой туманидаги “Фаррух умиди” фермер хўжалигига 26,7 миллион, Пастдарғом туманидаги “Фарҳод” фермер хўжалигига салкам 12 миллион, Гулистон туманидаги “Юксалиш файз нур” фермер хўжалигига деярли 28 миллион, Шеробод туманидаги “Юсуфбек Жафарбек” фермер хўжалигига 21,4 миллион, Урганч туманидаги “Урганч истиқбол ёғдуси” фермер хўжалигига 18 миллион сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўлаб берилди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги суғурта турлари бўйича жами 15,2 миллиард сўмлик суғурта товон-

лари тўланган бўлса, шундан пахтага 6,8 миллиард, ғаллага 1,20 миллиард сўм, шунингдек, тижорат банклари томонидан пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилмаслиги хавфи бўйича 7,1 миллиард ҳамда бошқа экинлар ҳосили ва мол-мулклар учун 233 миллион сўмлик суғурта товонлари йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ихтиёрий суғурталаш қоидаларида кўп мунозарали ҳолатлар мавжуд бўлиб, суғурта даъволарини кўриб чиқишда қийинчиликлар туғилгани ва мижозларнинг норозиликларига сабаб бўлгани учун Суғурта даъволари департаменти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ҳодисаларнинг тасдиғини олиш учун улар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Шу боис, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ўз мижозларига суғурта шартномасига мувофиқ аниқланган суғурта товонларини белгиланган тартибда тўлаб келмоқда. Бу ўз навбатида, мижозлар томонидан жамиятга бўлган ишончининг ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Айни пайтда 2015–2020 йилларда интенсив боғларни ҳамда чорва молларини суғурталаш ҳамда янги жорий этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақлаш жараёни ва у билан боғлиқ жавобгарликни суғурта қилиш масалалари юзасидан тадбирлар олиб борилмоқда.

Тизимдаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг барчаси суғурта бозори иштирокчилари бўлган мамлакатимиз аҳолиси, деҳқон ва фермерларимизга қулайликлар яратиш, турли талофат ҳамда табиат инжиқликлари орқали етиши мумкин бўлган тасодифий зарарлардан ишончли ҳимоя қилишга қаратилаётгани диққатга сазовордир.

**Зулфия ҲАФИЗОВА.**



# ЁЗ ТАДБИРИГИ КЎРИЛДИ

Қайсики, ўлкада сув деб аталмиш неъмат мўл бўлса, ўша ерда ободлик, файзу барака бўлади. Сув қадрини чўлда яшаганлардан сўра, дейишади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳар бир томчи сувни қадрлашни, уни исроф қилмасликни ёш авлодларга уқтириб келади. Фарғона водийсининг таллайгина экин майдонлари сув сатҳи юқори бўлган чўл худудларда жойлашган. Ушбу майдонларда кузги-қишки мавсумларда ирригация ва мелиорация ишлари янада қизгин тус олади.

Биз Андижон вилоятининг Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Улуғнор — Мазгилсой ирригация тизимлари бўлимининг Балиқчи худудида олиб борилаётган таъмирлаш ва тозалаш ишлари билан танишдик.

— Мен ушбу худудда 17 йилдан буён бўлим бошлиғи лавозимида ишлайман, — дейди Эркинбой Темиров. Бизнинг бўлимимиз асосан Балиқчи туманининг 23435 гектар экин майдонига каналлар ёрдамида сувни йўқотишларсиз етиб боришни таъминлайди. Биз билан биргаликда фаолият юритаётган 7 та СИУ хўжаликлари 393 та деҳқон ва фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолаган. Ушбу хўжаликлар қарамоғида бўлган 5167,9 гектар ғалла, 7794 гектар пахта, 530 гектар боғ ва 1211 деҳқон хўжалиklarини сув билан таъминлаш учун барча тадбирлар кўрилмоқда.

— 2016-2017 йил кузги-қишки ирригация ва мелио-



рация тадбирлари натижасида 21 километр канални механизм билан тозалаш ишлари олиб бордик, — дейди 1 тоифали мутахассис Абдужамил Мажидов. — Қийналиб ариқ қази санг, ўйнаб сув ичасан, — дейди халқимиз. Бўлим ходимларининг қишни қорли-қировли кунларидаги меҳнатлари ёзнинг чилласида деҳқонларимизга қўл келади. Мавсумда

бўлимимизга қарашли 228 та гидротехник иншоотдан 28 таси, 80 дона хўжаликлараро суғориш тармоқларидаги гидропостлардан 32 таси, давлат тасарруфидаги 11 дона насос станцияларидан 6 таси, 184 дона хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидропостлардан 97 таси, 44 дона хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотлар ва 53 та хўжалик ички суғориш тармоқларидаги сув олиш қулоқлари жиҳозланиб, қайта таъмирланди.

Сув — бебаҳо неъмат. Ундан оқилона фойдаланиш ва самарали бошқаришни таъминлаш ирригаторлар доимий диққат-эътиборида. Буни биргина Улуғнор — Мазгилсой ИТБнинг Балиқчи бўлими мисолида ҳам кўриш мумкин. Юқорида зикр этилган тадбирлар натижасида жорий йилда тумanning минглаб гектар экин майдонларига барқарор сув етказиб беришга эришилади. Натижада фермерларимиз янада мўл ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга бўладилар.

Ўз мухбиримиз.

## БАНК, МАҲАЛЛА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

**Бугун эрталабдан хонадонларига келтирилган молларни кўриб Раймажоннинг укалари Мадина ва Жамшид беҳад хурсанд бўлишди. Кўзлари катта-катта қизил, ола ва тарғил хўкизчалар янги жойга кўникармикин? Ҳозирданоқ уларни укалари бўлишиб олишди.**

Раймажон яқинда коллежни тугатади, шунгача қорамолларни боқишни ўрганиб олса, кейинчалик улар сонини кўпайтириши, шу йўл билан кичик хўжалигини фермер хўжаликка айлантириши мумкин.

Хоразм вилоятининг “Истиқбол” маҳалласи “Маданият” кўчасида яшовчи маҳалла посбони Омонгалди Маллаевнинг хонадонидаги бу ўзгаришлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Уларнинг ҳовлисига келтирилган икки бош гольштин ва бир бош швец зотли моллар барчанинг оғзига тушди. Қишлоқда дуд-дуд гап, нима эмиш Омонгалдининг коллежда ўқиётган қизи Раймажон банк кредитига қорамол олибди...

Маҳаллада 505 та хўжалик бўлиб, уларда 2847 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги Сардор Сувонбердиев, Руслан Қаландаров, Баҳодир Шомуродов, Дилму-

род Жуманиёзовларнинг хонадонларида ҳам банк, фермер ва маҳалла ҳамкорлиги йўлга қўйилгани туфайли чорвачилик, паррандачилик ва боғдорчиликни юритиш учун қулай шароитлар яратилди.



— Шу бугунгача бирор бир иш қилиш кераклигини ўйлардим-у аммо имконият, айниқса, маблағ етишмаслиги мени қийнади, — дейди Омонгалди. — Ёшим 45 га етганда шундай қулай имтиёзларга эга бўлдим, Президентимизга раҳмат. Қизим Райма-

жон Йўлдошева коллежни тугатгач, нима иш қилади, деган саволига ҳам жавоб топилди. Унинг номига ёзилган имтиёзли кредит асосида туман “Агробанк” томонидан “Темир-йўлобод” чорвачилик фермер хўжалигига 7 млн. 400 минг сўм пул ўтказилди ва уч бош хўкизча уйимизга олиб келинди. Ҳовлимиз кенг, молларни боқиш имкониятимиз бор. Ахир оилада 10 жонмиз. 5,2 сотих жойга “Жасмин” МЧЖ билан келишилган ҳолда иссиқхона ҳам қурдик. Унда лимон етиштиромоқчимиз.

Дарҳақиқат, катта ўзгаришлар давридан шодланиб яшаётган эҳтиёжманд оилалар учун бу ишлар эзгулик самарасидир. Оилада фарзандларнинг бўш вақтлари бекор ўтмайди. Улар ҳам жиддий иш: етти хазинанинг бири билан шуғулланиб келажакда қулай имкониятга эга бўладилар. Ахир қуш уясида кўрганни қилади, деган гап бежиз айтилмаган. Бугун оила ривожини ўйлаган ёшлар эртага, албатта, буюк ишларга ҳам қодир бўладилар.

Ш.СОДИҚОВА,  
Ўз мухбиримиз.

## ЗАМИНГА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

— Отам Мамажон бутун умрини зироатчиликка бағишлаб, 60 йил сувчилик қилди. Илғор пиллачи-деҳқон онам Тўхтаҳон билан бирга 9 нафар фарзандни ҳалол едириб-кийдириб вояга етказишди. Фақат қиш фаслини ҳисобга олмаганда, отам уйда тунаганларини эслолмайман. Уста деҳқон-боғбон, бобом ҳам томорқачи момом билан қўша қариб, деҳқончилик ортидан кун кўришган. Уларнинг экиб қолдирган шириндан-шакар меваларини еб катта бўлганмиз.



Ўрта мактабни тугатгандан сўнг савдода ишлаб юрган кезларимда бобом билан отам сенинг бахтинг, хайру бараканг далада, дедилар. Хўжалик раҳбарига учрашдим. Раис ишонч билдириб мени кичик бир жамоа етакчилигига тайинлади. Шундан буюн даладаман, — дейди Қўрғонтепа туманидаги Мавлуда Умарова. — Шукрким, мустақиллигимиз шарофати билан “Омад Ҳамкор Ишонч” фермер хўжалигини ташкил этдим. Ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, пешқадамлар сафида шартномавий режаларни ортиги билан уддалаяпмиз. Ютуқларимизнинг бош мезони, аввало, фермер хўжалигида шаклланган инсон омили деб биламан.

“Омад Ҳамкор Ишонч” фермер хўжалиги пахта-ғалла уруғчилигига ихтисослашган. Хўжаликда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги боис, вилоятда энг сифатли уруғ етиштирадиган уруғчилик хўжалиги сифатида эътироф этилади.

2016 йили хўжалик 57 гектар майдондаги “Краснодар-99” ғалла навининг уруғ сотиш режасини 120% га бажарди. Гектар бошига 72 центнердан хирмон кўтарилди. Пахтачилик учун анча мураккаб келган йилда 31 гектардаги ғўзанинг “Андижон-36” навининг ҳар гектаридан 41 центнердан ошириб ҳосил етиштирилди, шартномавий режа 134% га бажарилди.

Кўп тармоқлиликка асос солинган фермер хўжалигида 58 бош насли зотдор қорамоллар зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Шундан 8 таси соғин сигир бўлиб, уларнинг ҳар биридан кунига 20–25 литрдан сут соғиб олиниб, шартномага кўра қайта ишлаш қорхоналарига етказиб берилмоқда. Чорва озуқаси учун ажратилган 9 гектар майдондан самарали фойдаланилганлиги боис, чорва озуқаси мустаҳкам. Бу йил белгиланган Дастурга кўра, четдан насли қорамол олиб келиш ҳисобига қорамолларнинг бош сони янада кўпаяди.

4 гектар майдондаги олма ва гилос боғидан олинган 40 тонна меванинг барчаси экспортга йўналтирилди.

Фермер хўжалиги ҳисобидаги чойхона, заргарлик дўкони ва қассобхона элга наъмунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳаммом, ёғочни қайта ишлаш цехи ва янги замонавий чорвачилик комплексини ишга тушириш кўзда тутилган.

Хўжаликда ҳар йили бошоқли дон экинлари ҳосилини етиштириш технологиясига ўстирувчи стимуля-

торлар, суспензиялашда самарали биопрепаратларнинг киритилиши туфайли ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ҳосилдорлиги ошиб, дон сифати яхшиланмоқда.

— Энг асосийси, — дейди Мавлуда Умарова, — далага деҳқончилик маданияти киритилиб, ғалла қишга тупланган, биологик тўқ ҳолда кирмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларга тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган дуккакли дон экинларини экишга эътибор берилляпти.

Пахтадан гектаридан 40–50 центнердан ҳосил етиштириш деҳқондан бой тажриба талаб этади. Хўжаликда бу борада ҳудуднинг табиий, тупроқ-иқлим шароитига мос агротехник тадбирлари шаклланган.

Хусусан шудгор олдида ерларнинг жорий текисланиши, маҳаллий ўғитларнинг 100 фоизи, компостнинг 90 фоизи ва калийли-фосфорли ўғитларнинг 80 фоизини берилиши, кузги-қишки агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, уруғлик чигитнинг касаллик ва зараркундаларга қарши препаратлар, биостимуляторлар билан сифатли ишланиши, ютуқларнинг омиллари ҳисобланади.

— Ғўзани суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш керак, — дейди фермер. — Аввало ўз вақтида суғоришни ташкил этиш ва бунда албатта қатор оралатиб кам меъёрларда суғорган маъқул. Сувга тўйғазиб, ғўзага ортиқча вазн бериб дангаса қилиб қўймаслик муҳим. У ҳар доим ишлаши, яшаш учун кураши, авлод қолдиришга интилиши керак. Биз ғўзани пишиш фазасига киргунга қадар, ҳеч қачон қониқтириб суғормаймиз. Чунки ғўза иссиқсевар ўсимлик, унинг ватани қаерда эканлигини унутмаслигимиз зарур. Ғўза зараркундаларига қарши курашда асосан биологик усулдан фойдаланамиз.

Саховатпешаликда Мавлуда опанинг олдида тушадиганларни топиш қийин. Ўзбек аёлининг тимсоли мужассамлашган қаҳрамонимиз туман, қолаверса вилоятда ўтказиладиган байрамлар ва эзгуликка қаратилган тадбирларда бош-қош бўлгани ҳолда ўз ҳимматини сира аямайди. Эл-юрт дарди билан яшаш қонқонига сингиб кетган бу аёл заминга туташ тақдирларнинг ҳақиқий давомчиси сифатида ҳали кўплаб яратувчилик ишларига бош бўлишига ишончимиз комил. Зеро, оталар бошлаган йўл ҳамини раво ва баракали бўлади.

Ф. МИРЗАЕВ.



# КАСБИДАН САОДАТ ТОПИШ

**Сен садоқат мулкининг маъбудаси, эй аёл,  
Борлигингда муҳаббат, акс этади бахт-иқбол.  
Кўзларинг икки дунё бағрига сочар зиё,  
Мамнунлигинг боиси меҳнатдан топдинг камол!**

Қачонки, ҳаёт ҳақида фикр юритсак, бизни дунёга келтирган мўътабар она тимсоли кўз олдимизда намоён бўлади. Ватанга садоқатли, вафодор ўғил-қизларни вояга етказувчи шак-шубҳасиз аёл. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти савобли ишларига қараб баҳоланади. Аммо меҳр билан оқ сут бериб, муносиб фарзандларни тарбиялаган оналар сиймоси буюк ва ягонадир. Сўзимизни мухтасар қилиб, шундай бир аёл ҳақида фикрламоқни маъқул кўрдик. Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Хуррият қишлоғи, “Ипакчи” маҳалласида истиқомат қилувчи Солия Искандарова ана шундай саодатли аёллардан биридир.

Бугунги фаровонлик, тўкин ҳаётдан мамнун ҳолда яшаётган Солия опа ота-онаси, уларнинг берган тарбияси, эзгу ишлари ҳақида шундай деди:

— Деҳқон оиласида туғилиб ўсдим, отамиз биз — 8 фарзандни ўзидай меҳнаткаш қилиб ўстирди. Уйимизда ипак курти боқардик, тонгда соат бешданок ўрнимизни йиғиб отам тайинлаган вазифаларни бажарардик. Онам ҳокисоргина, қаттиққўл, оқила эдилар. “Ер инсонни боқади, инсон ерга эгилмоғи муқаррар”, дерди отам. Томорқамизда маҳсулотларни ўзимиз етиштириб кўй-кўзи, сигирбузоқларга қарардик. Кузда тенгдошлар қатори пахта терардик, биз шунчаки теримчи эмас, жондилемиз билан иш қилиб, отамизга ҳисоб бериб, хурсанд қилардик. Хуллас, раҳматлик ота-онамиз ҳаммамизни ўқитдилар, уйли-жойли қилдилар.

Солия мактаб таҳсилдан кейин Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумининг пиллачилик-ҳосилотчилик бўлимини тугатиб, тумандаги пиллачилик қорхонасида ҳосилот бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик Тошкент Педагогика институтининг химия-биология факультетини тугатгач касб-ҳунар билим юртида ўқитувчилик қилди. Аммо бободехқон кизи далаларга интилди.

Тақдир унинг ҳаётини ўз қишлоғидаги йигит билан боғлади. Оилавий ҳаёт унга яна етакчилик имкониятини берди. 1999 йилдан 2000 йилгача Қозоққалъа ҳудудида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Кейинги йилларда биолобароторияларга катта эътибор қаратилгач “Шовот Қозоққалъа биосервиз” МЧЖ мудираси сифатида фаолият кўрсатди.

— Биз ҳашаротлар оламида яшаймиз, — дейди

у кулимсираганича. — Ғалла, пахта, боғ, сабзавот-полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши фойдали ҳашаротларни тайёрлаб буюртмачиларга тарқатамиз.

Инсон ҳаётида топиш билан бирга йўқотишлар бўлиши муқаррар. Тенг талашиб-тортишиб оила карвонини бошқараётган умр йўлдоши Жуманазар Аҳмедов кутилмаганда дунёдан ўтди. Шу боис 4 нафар фарзанд тарбияси Солия зиммасига тушди. Бу оғир кунларни у меҳнат билан енгди. Фарзандларини ёнида олиб юриб, тарбиялади, шунинг

учун ҳам улар бугун онасининг касбини эгаллашди. Жамол — Шовот туманининг чекка жойи — Маҳтумқули биолобароторияси ходими, Камол — Узункўл маҳалласидаги биолобаротория мудирини. Ибрат эса онаси нафақага чиққач, унинг ўрнига ишга тушди.

Аҳмедовлар оиласи бугунги ҳаётдан мамнун. Оиладаги кенжа фарзанд — Мафтуна тикувчиликни танлаган. Келинлардан Фазилат ва Ўғилжон ҳамшира, Шоира эса мелиорация соҳасида ишлайди.

Ота-онаси каби меҳнаткаш Солия Искандарова бугун 8 нафар неваранинг бувижониси. Шунга қарамай бўш вақт топиши билан биомаҳсулот тарқатишда фарзандларига ёрдамлашади.

Биолобаротория сўзи аслида табиатнинг ўзидан олиб ўзига қайтариш деган маънони англатади. Олтинкўз, трихограмма, габробракан каби фойдали ҳашаротлар, яъни энтомафағларни кўпайтириш Аҳмедовлар оиласининг севимли касби. 2016 йилда Қозоққалъа ҳудудида 684 гектар пахта, 194 гектар ғалла, 130 гектар боғ, 80 гектар сабзавот-полиз экинларини зараркунандалардан биологик усул билан ҳимоялаш ишлари олиб борилди.

— Биолобароторияларга катта эътибор қаратилгани учун ҳам ўтган йили экинлар ҳосили мўл бўлди, — дейди С. Искандарова.

Оила куюнчаги, эл хизматиға камарбаста, қўшниларга суюкли ҳамсоя бўлган Солия Искандаровага ўхшаган аёлларимиз бугун ҳар соҳада ўз ўрни ва салоҳиятиға эға. Ҳам фаришта, ҳам саришта аёллар жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, тинч ва фаровон ҳаёт гаштини сурмоқдалар. Фарзандлар қамоли, элга садоқати эса аёлни яна улуғлайди. Йўлларингиз саодатли бўлсин, садоқатли, меҳру муҳаббат макони, манзили азиз Онажонлар!

**Ш. ЖАББАРОВА,**

“ЎзҚХ” мухбири.

Суратда: Солия Искандарова ўғли Ибрат билан.

Муаллиф олган сурат.



# «AnGuzal Agroservis» ХК жамоаси

Жаннатмакон юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган деҳқонларимизни, халқимизни Наврўз байрами билан самимий кутлайди, оилаларига бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилайди ва



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**  
(очик ва ҳимояланган тупроқда қўллаш учун)



## СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, буғдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қуйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертицилёз; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилиоз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некрозлар.

## ПРЕСТИЖ

Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат.

Экинларни: оқпашша, барг қурти, кўсак қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўраловчи қурт (шу жумладан, узум бошига тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

## ПЛАНТАСТИМ

Фунгицид хусусиятли микробиологик препарат

Ўсимликларнинг ривожланиши ва озикланишини, барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдиздан озикланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан ҳимоя қилади.

**Тупроқни ва ўсимликларни касаликка микробиологик анализ қилиш. Тупроқни микроэлементларга ва Ph га текшириш.**

**ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!**  
ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 20-40 % ОШИШИГА КЎМАКЛАШАДИ.

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

Маҳсулот сертификатланган

Хизматлар лицензияланган



# ҚАНОТ ЁЗАР БИР ТАШАББУС

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлаётгани каби Жиззах вилоятида ҳам “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” шиори остида ватандошларимизни ишбилармонликка кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли амалий ишлар бошлаб юборилди.**

Туманлар ҳокимиятлари, фуқаролар йиғинлари, тижорат банклари эшикларини кунига минглаб яхши ниятли кишилар катта умид ва режалар билан “тақиллатишяпти”.

Мазкур лойиҳага, айниқса, қишлоқ аҳли катта қизиқиш билдирмоқда. Бунинг сабаби бор: Молиявий идоралар бўлажак тадбиркорларга 25 дан ортиқ йўналиш бўйича имтиёзли кредитлар таклиф қилаётган бўлса, уларнинг 10 га яқинини айнан қишлоқ хўжалиги ва у билан алоқадор тармоқлар ташкил қиляпти. Одамларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик билан шуғулланиш, иссиқхона барпо этиб, бозор ва дастурхонларимизни серфайз қилишни исташмоқда.

— Каттагина ҳовлили уйим, бир-икки бош чорва парварлаш учун шарт-шароитим бор, — дейди арнасойлик Фариди Бастамова. — Юртимиз раҳбари томондан мен каби фуқароларга ишбилармонлик қилиш учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳақидаги сўзлардан кейин банкдан қарз олиб, чорвачилик билан шуғулланишга аҳд қилдим. Ишим осон битди: уч кун ичида қўлимга теккан 7,5 миллион сўм кредит эзасига туманимиздаги “Сангзор” фермер хўжалигидан икки бош насли қорамол олишга муваффақ бўлдим.

Дарҳақиқат, яратилган қулайликлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бизнесини бошлашга аҳд қилганларга ёрдам қўлини чўзаётганлар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Улар орасида, ўзи ҳам бун-

дан беш-ўн йил аввал кичик томорқада ёки бир-икки бош чорва билан фаолият бошлаган, эндиликда эса, ишонч билан оёққа туриб олганлар бор. Ана шундайлардан яна бири Шароф Рашидов туманида фаолият юритаётган “Чақмоқ” фермер хўжалиги ҳисоблана-



ди. Хўжалик раҳбари Зафар Ҳакимов билан суҳбатлашганимизда эътиборимизни бир факт ўзига жалб қилди. Ушбу фермер қисқа муддат ичида талабгорларга қорамол, қўй-қўзи ва парранда етказиб бериш борасида 400 тадан ортиқ шартнома имзолашга муваффақ бўлибди.

— Биз айни пайтида ўз туманимиздан ташқари яна Зафаробод, Пахтакор ва Мирзачўл туманларининг чорвачилик билан шуғулланиш истагида бўлган вакиллари ҳам чорва моллари етказиб беряпмиз, — дейди З.Ҳакимов. — Бугунгача 40 бошга яқин сигир, 100 бош қўй ва анча-мунча товуқ сотдик. Бир-икки кун ичида қолган шартномаларни ҳам бажарамиз. Бу борадаги ишимизни янада жонланти-

ришимиз, халқ билан мулоқотни доимий равишда олиб боришимиз, уларнинг ишончини оқлашимиз керак бўлади. Бугуннинг талаби шу.

“Агробанк”нинг “Дўстлик” бўлими зиммасига тумандаги фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик қилиш юқланган. Шусиз ҳам юмушим етарли бўлган жамоа аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш борасида бошланган савобли ишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Банкимизнинг 12 нафар ходимини айнан ана шу ишга сафарбар қилганмиз, — дейди банк бошқарувчисининг ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Улар бугунгача 7 минг-

дан ортиқ хонадонга тадбиркорликнинг афзалликлари, уни йўлга қўйиш истагида бўлганларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берувчи ёрлиқларни тарқатиб чиқишди. 5100 та оила вакиллари билан юзма-юз учрашувлар ўтказилди. Шу кунгача банкимизга тадбиркорликни юритиш учун кредит сўралган 200 дан ортиқ ариза келиб тушди. 50 нафардан ортиқ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга кредит ажратилди ва улар ўз фаолиятларини бошлаб юборишди.

Бугун Жиззах кўчалари, ишхоналар ёки гузарларда ким билан учрашманг, суҳбатдошингиз йилнинг яхши бошлангани ҳақида гап бошлаб, ўзининг тадбиркорлик борасидаги режалари билан ўртоқлашиб кетади. Бу эса, 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилингани, оддий аҳолини ишбилармонликка жалб қилишга ундаётган хайрли ишлар воҳа аҳлининг шижоатига-шижоат қўшаётганидан далолатдир.

**Худойберди КАРИМОВ,**  
“УзҚХ” мухбири.

**Суратда:** АТ “Агробанк”нинг Арнасой бўлими мутахассиси Қаҳрамон Муродов (чапдан) фуқаролар Анвар Йўлдошев ва Фарҳод Қулмановларга имтиёзли кредит олиш борасида маслаҳат бермоқда.

Муаллиф олган сурат.



## ҚУМЛИКЛАРДА ЯРАЛГАН МАСКАН

**Хоразмликлар азалдан гўзаллик шайдоси, ҳар бир ишда ота-боболар тажрибасига таяниб, бугунги имкониятларни ҳам чамалаб, етти ўлчаб бир кесадилар, қийинчиликлардан эса чўчи-майдилар. Ахир Хива шаҳрининг ўзи ҳам қум барханлари ўрта-сида жойлашган бўлиб, гўзаллиги, кўркамлиги, меъморчилик-даги ноёб топилмалари билан асрлар бўйи инсонларни лол қолдириб келмоқда.**

Бу шаҳарнинг яратилиш тарихи ҳақида афсоналар кўп, бироқ биз бугуннинг қаҳрамонлари қилаётган ишлар хусусида фикр юритмоқни жоиз топдик. Хиванинг жанубий қисмидаги Шўркўл ён бағрида Чинобод қишлоғи жойлашган бўлиб, бир томони Янгиариқ тумани билан чегарадош. Қишлоқ қумликлар томонга юз тутган. Худди шу қумликлардан борар эканмиз, бизда ҳайрат ва ажабланиш ҳисси туғилди. Бийдай бепоён қум ичида қандай қилиб фермер хўжалиги ташкил этиш мумкин?

Шу саволлар билан қанча йўл босдик, билмадим, аммо йўлмай-йўл ҳамроҳимиз “Валико плюс” балиқчилик ва экотуризм йўналишидаги фермер хўжалиги раҳбари Бозорбой Каримовнинг жиддий, қатъиятли юзига аста қараб қўяман. Ажабланарлиси, қум ичида машина учун йўл очилган, атроф қум кўчкиларидан тозаланиб, кенг сунъий ҳавзалар яратилган. Бу каби ишларни қилиш учун катта матонат, сабру бардош керак.

— Умримнинг 15 йилини шу ишга бағишладим. Эндигина ишим кўзга кўриняпти, — дейди Бозорбой Каримов кенг қумликлар ичида ўзи бунёд қилган сунъий ҳавзага тикиларкан. — Иш бошлаганимда 37 ёшда эдим, жуда кўп қийинчиликлар бўлди, олган кредитимни ёполмай қийналганимда, судга беришди. Келиш ишларимни тафтиш қилган ходим шароитимни яхши тушуниб, давлатдан менга 60 миллион сўм қўшимча фоизсиз кредит олишимга ёрдам берди.

1968 йилда Янгиариқ туманидаги Чиқирчи қишлоғида, деҳқон оила-сида туғилиб ўсган Бозорбой Каримовнинг болалиги Шўркўл атрофидаги балиқчилар орасида ўтди. Шу сабабли илк фаолиятини балиқ ташувчи шофёрликдан бошлади. 1989 йилда Хоразмбалиқ МЧЖ да шофёр-экспедитор бўлиб ишлади. Ёнбошига “Тирик балиқ” деб ёзилган машинани ҳайдаб вилоятнинг барча туманларидаги дўконларга, балиқхоналарга маҳсулот етказиб берар эди. Мамлакатимиз иқтисодиёти юкса-

лик, янги даврлар юз очгач, у фермер хўжалиги тузишни режалаштирди. Аммо у ҳозир ҳам машинани ўзи бошқариб, тирик балиқ сотади. Шу билан бирга, ушбу катта хўжаликни бошқаради. 6 нафар ишчи билан иш бошлаган хўжаликда ҳозир 20 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Улар учун замонавий, кўркам дала шийпони, ювиниш хоналари ва бошқа керакли анжомлар тахт қилиб қўйилган, шаҳардаги меҳмонхоналардан қолишмайди.



2006 йилда Хива туман ҳокимлигининг қарори билан 39,8 гектар бийдай қум майдонида иш бошлаган хўжалик 3 гектар ерда сунъий балиқ ҳавзаси ташкил қилди.

— Аввал йўлларни очиб, қум кўчкилари олдини олиш учун сунъий саксовул уруғлари сочдик, — дейди фермер. — 2010 йилда 400 гектар ерга эга бўлдик. Йил сайин тушган фойда эвазига сунъий ҳавзаларни кенгайтира бошладик. Ҳозир 25 гектар сунъий ҳавзаларимиз бор. Шунинг 15 гектарида майда чавоқ балиқлар кўпайтирилади, 10 гектарида эса тирик балиқ етиштирилади.

400 гектар ерда эса сунъий питомник ташкил қилинган бўлиб, Ўзбекистон “Қизил Китоби”га киритилган ҳайвонлар, қушлар, балиқлар, ўсимликлар дунёсини асраш, улардаги ранг-барангликни сақлаш хусусида кенг кўламли иш олиб борилмоқда. 100 бошдан зиёд тошбақа, 10 бош Хива қирғовули, қуёнлар, бургутлар, тулки, силовсин, ўрдак, гоз, индаутка ва бошқа ўрмалаб юрувчи, судралувчилар макон топган бу гўша ҳозирданоқ ранг-баранг-

лик касб этган. Шу боис хорижлик сайёҳларнинг ҳам эътиборига тушган. Саёҳатчилар ва қум табиатидан баҳра олишни истаган халқимиз учун 300 ўринли балиқхона ишляпти. Меҳмонлар ўзлари балиқ тутишади, пиширтиришади ва яйраб тановул қилишади. Атроф ҳавоси тоза, беғубор, ёзда чўмилиш учун шароит бор.

Жами 569 гектар ерда иш олиб бораётган фермернинг бир дақиқа ҳам бекорчи вақти йўқ. 2013 йилда қурилган иссиқ нон ёпиш цехидан чиққан нонлар таъми жуда тотли. Ишчилар учун спорт мажмуаси қурилган.

— Яқинда Президентимизнинг Хоразмга ташрифи давомида биз каби тадбиркор, фермерларни қўллаб-қувватлаш баробарида, имтиёзли кредитлар берилиши ҳақидаги гаплари менга яна туртки бўлди, — дейди Бозорбой. — Қўшқўпир туманига қарашли Довдон коллектори атрофидаги қумликдаги 226 гектар ерда янги хўжалик тузиш учун иш бошладик.

— Бунча ишга қандай улгурасиз? — дейман секингина.

— Аввало, Аллоҳга шукр, юртимиз тинч. Тўрт нафар фарзандим — Наврўзбек, Валижон, Муҳаммаджон, Шохзодбек ёнимга кириб, ишда ҳамкоримга айланиб қолди. Оилам бекаси Оймонжон Оллаберганова доимо далда бериб туради. Келинларим Моҳира, Зиннураларнинг ота-оналарига раҳмат, фарзандларини жуда ҳаёли, иболи, меҳнаткаш қилиб тарбиялашган. Иш бошлаган пайтимдан келган ишчиларимиз, айниқса ҳалоллиги, пазандалиги билан танилган Дармонжон Оллаберганова, Зиёда Отабаевалар ўз синглимдай бўлиб кетишган.

Хўжаликда техникага катта эътибор берилмоқда. 2016 йилнинг ўзида лизинг асосида Хоразмда ишлаб чиқарилган ХЕ-260-С LL экскаватори, ТУ-165 бульдозери сотиб олинди. НЮХОЛД 60-70 ҳайдов трактори ҳам 10 йил муддатга олинди. Ахир қумда техникасиз бир қадам ҳам юриб бўлмайди-да. Олинаётган даромадлар аста-секин кредит суммаларини қопламоқда.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, дейди халқимиз. Биз қумда очилган бу маскандан қайтар эканмиз, яна ҳайрат билан атрофга боқдик. Сўлим саксовулларнинг ҳар бирининг бўйи тўрт метрдан зиёд. Дарвоқе, фермер энди туячиликка қизиқяпти. Кейинги келганимизда “Сахро қоялари” — туяларда сайр қилсак ажабмас...

**Ж.СОДИҚОВА,**  
ўз мухбиримиз.



Акциядорларимизни, ҳамкору,  
мижозларимизни ва барча  
юртдошларимизни  
яқинлашиб келаётган  
**НАВРЎ** айёми билан  
чин дилдан муборакбод этамиз!



Хонадонларингизга  
бахт, тинчлик-хотиржамлик ва  
фаровонлик тилаймиз.  
Ватанимиз осмони доимо мусаффо,  
халқимиз ҳаёти янада  
фаровон бўлсин!

**«ТРАСТБАНК»**

**хусусий акциядорлик банки жамоаси**





## СУРХОН ШУҲРАТИ ТИКЛАНАДИ

**Сурхондарё — жаннатмакон юртимизнинг энг серқуёш воҳаси бўлганлиги боис, қишлоқ хўжалик экинлари географияси ҳамда улардан мўл ва сифатли ҳосил олиш агротехнологиясининг ўзига хос жиҳатлари мужассам. Кейинги йилларда вилоят пахтачилигида оқсоқликларга йўл қўйилган бўлса-да, бой тажрибаларга таяниб экинлардан, хусусан пахтадан мўл ва сифатли хирмон кўтарган фермерлар қаторига Ангор туманидаги Рустам Бекмуродов етакчилик қилаётган “Эшбўри Бекмуродов” фермер хўжалигини киритиш мумкин.**

Она ер деҳқон-фермерга эл-юрт тўқинлигини яратиш йўлида берилган табиат неъматидир. Ундан самарали фойдаланмасликка, ернинг умрини завол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу ақидалар қонида мужассам қаҳрамонимиз Рустам ҳар қарич замин қадрини муқаддас билган, зироат ишқи билан ўн фарзандни вояга етказган Эшбўри ака ва Фотима ая хонадонда вояга етди. Деҳқончиликка бўлган меҳрининг меваси сифатида “Эшбўри Бекназаров” фермер хўжалигини тузди. Эришаётган ютуқларининг замирида, аввало, шаклланган илму тажриба, ерга нисбатан саховатлилик ётади.

— Ер ва йилнинг ёмони бўлмайди, — дейди фермер. — Деҳқончиликда вазиятни таҳлил қилиб, қачон, қандай қилиб ва албатта илмга таяниб экин парвариши тадбирлари ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш керак.

Ўтган қишлоқ хўжалик йили ҳам миришкорлар учун баракали келди. 44 гектардаги бўғдойнинг “Краснодар-99” нави ғалласининг ҳар гектаридан 72 центнердан сифатли дон етиштирилди. Ҳозирда 52 гектар майдондаги уруғчилик учун экилган бўғдойнинг “Гром” нави супер элита ғалла парвариши этилмоқда. Бўғдойнинг ҳолати талаб даражасида.

— Камтарона меҳнатимиз давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда, — сўзини давом эттирди фермер. — Сувчи Жума Тилолов “Шуҳрат” медали билан, мен “Мустақилликнинг 25 йиллиги” кўкрак нишони билан мукофотландим. Кўп тармоқчилик давр талаби, бақувват иқтисод асосидир. Бу борадаги ишларимизга дастлабки қадамлар қўйилган.

Мамлакатимизда барча соҳалардаги каби аграр соҳани янада ривожлантиришга бўлган эътибор бизга янада масъулият юклаб, гайратимизга гайрат қўшди. Президентимизнинг жорий йилда вилояти-

мизда ғўзани қўшқаторлаб экиш тўғрисидаги таклифлари ва “Пахтачи қўшқаторлаб эккан фермер иқтисодчидир” деганларини мен деҳқончилик илмига бўлган эътироф деб биламан. Шунингдек, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан воҳа пахтачилигига ингичка толали пахтачининг қайтишини, ҳозирги иқлим ўзгаришлари кузатилаётган бир вақтдаги муҳим тад-



бир, юқори даромад манбаи деб баҳолайман. Зеро, ғўзани қўшқаторлаб экканда, туп сонининг кўп бўлиши ҳисобига ҳосилдорлик ортади, сув, ёнилғи ва бошқа ресурслар тежаллади.

Хўжаликда экинлар зараркундаларига қарши биологик кураш жорий этилган. Фермер хўжалиги ерлари деҳқончилик учун анча мураккаб — сизот сувлари 1,5-2 м жойлашганлиги боис, илмий-амалий тажрибаларга таяниб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида мўл ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича агротехник тадбирлар белгиланади.

Дунё селекциясида экилаётган ингичка толали “Сурхон-14” навининг ҳаммуаллифи Бойниёз Жўраевнинг фикрига кўра, бу нав бўйи 125-135 см., пишиқ даври 118-122 кунни ташкил этади.

Чигитнинг бир хил чуқурликка тушиши, қатор кенлигининг бир хил бўлишига эришиш лозим. Тупроқ ҳарорати 14°C бўлганда, об-ҳавони ҳисобга олган ҳолда, 25 мартдан 15 апрелгача энг қулай

экиш муддати ҳисобланади. Экиш чуқурлиги барча тупроқларда 3,5-4 см бўлиб, кун қизиб кетса, намлик камайиб бораверса 4,5-5 см чуқурликда экиш керак.

Культивация ишларида 38-40 дона ишчи органлари ўрнатилади 1-культивацияни эрта муддатда, кўчатлар 60-70% униб чиққандан сўнг ўтказилади. Ҳар культивациядан сўнг 25-27 см чуқурликда чизель-культиватор билан экин ораси юмшатишга самараси ошади

Тажрибалар шуни кўрсатадики, “Сурхон-14” нави қўшқатор қилиб экилиб, унда 12-13 ҳосил бўғини пайдо бўлганда гектарига 1,5 литр миқдорда “Пикс” воситасини ишлатиш яхши самара беради.

Уруғлик қўшқатор қилиб экилса, қўшқатор ораси 30 см, қаторлар ораси 60 см бўлишини таъминлаш керак. Бунда 1 п/м да бир қаторда 25 дона, 2 қаторда жами 50 дона чигит тушади, бу эса гектарига 60 кг чигит сарфлаш, демакдир. Бунда 6 талик лопастда 1 п/м да 8 та уядан 16 та уя ҳосил бўлади. Ҳар бир уяга 1-2 дона чигит тушади ва охирида яғаналашда 1 та қолдирса, 16 дона х11,000 п/м = 176 000 дона кўчат жойлаштириш мумкин. Унумдор тупроқларда 60 см схемада экилганда бу навда 1п/м да 8-9 та, 90 см схемада экилганда эса 12-13 тадан кўчат қолдириш лозим. Енгил-қумоқ, кам унумли тупроқларда кўчатни 10-15% га ошириш мақсадга мувофиқ.

Азотнинг йиллик меъёри бу нав учун 300-350 кг, фосфор 190-200 кг, калий 125-140 кг бўлиши зарур. Минерал ўғитларнинг самарасини янада ошириш учун, уларни маҳаллий ўғитлар билан биргаликда солиш муҳим ҳисобланади

Сизот сувлар чуқур жойлашган бўз, тақир тупроқларда 1:3:2, сизот суви яқин, ўглоқи-ботқоқ тупроқларда 1:2:1 нисбатда, қумоқ, енгил тупроқли шароитларда 6-7 марта енгил суғорилади. 1- ва охириги сувни эгат оралатиб суғориш мақсадга мувофиқ. Суғориш муддати ўсимликнинг ташқи белгиларига қараб белгиланади. Ғўза ўта чанқатиб суғорилса кўсақлар кичраяди, тола чиқими пасаяди.

Ўз даврида мазкур нави қўшқаторлаб эккан “Эшбўри Бекназаров” фермер хўжалиги 45-50 центнердан ҳосил олган. Уларда бу борада амалий тажриба шаклланган. Ўйлаймизки, Сурхон пахтакорлари жорий йилда шуҳратларини тиклаш йўлида ишончли қадам қўядилар.

*Ўз муҳбиримиз.*



## УРУҒЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

**Шерзод Алимов Андижон муҳандислик иқтисодиёти институтини тугатиб, банкда иш бошлаганди. Банк ва иқтисодий-молиявий жараёнларидан бохабар бўлгани ҳолда, хориж уруғчилиги савдоси билан шуғулланадиган “Агрокотенгент” МЧЖда ишлаб қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги бўйича ўз малакасини оширди.**

Голландиянинг Дронтен профессионал қишлоқ хўжалиги университетининг “Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва инновацияси” факультети менежерлик ихтисоси бўйича тугатгандан сўнг, “Агрокотенгент”да ишлади, кейинчалик Улуғнордаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга ихтисослашган “Агро Ҳамроҳ” фермер хўжалигини юрита бошлади.

— Ҳозирда Франциянинг “Саката” фирмаси билан ҳамкорлик қиляпмиз, — дейди Шерзод. — Ўтган йили 14 гектар майдонда сабзавот уруғчилини йўлга қўйдик. 2 гектар майдонга экилган пиёзнинг “Вон 550” навидан 1500 кг сифатли уруғ тайёрладик. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Этиборли томони шундаки, биз етиштирган уруғликларнинг ҳосилдорлиги баланд бўлиши билан бир қаторда, агробиолог кўрсаткичлари хорижникидан яхши. Шу сабабли биз тайёрлаган уруғга талаб юқори.

Жорий йилда 6 гектар майдонга оналик уруғликлар тайёрлаб, сифатли, стандартга мос оналик пиёз етиштирилди. Апробация-танловлар асосида экишга мутлоқ мос 70 тонна оналик сараланиб, ўтган йилнинг сентябрь ойида 3 гектар майдонга сифатли қилиб экиш таъминланди. Ҳозирда пиёзнинг ҳолати талаб даражасида.

Қишлоқ хўжалигида, умуман деҳқончиликда “Сара уруғ – ҳосил бўлуғ” деган нақлнинг тез-тез тилга олиниши бежиз эмас. Чунончи, пиёз уруғи етиштириш технологияси ху-



сусида гап кетганда юқоридаги ҳикматга албатта риоя қилиш талаб этилади. Бинобарин, аъло навли уруғ мўл ҳосил гаровидир.

Улуғнор тумани шароитида уруғлик бош пиёз экишнинг самарали муддати сентябрь ойи ҳисобланади. Бу муддатда экилган уруғлик бош пиёзлар гектаридан 13,1-16,6 ц. ни ташкил қилди. Кузда, сентябрь-октябрь ойларида экилган бош пиёз қишнинг қировли кунлари бошлагунича муайян ривожланиб, чуқур ва бақувват илдиз отишга улгуради. Олимларимиз томонидан уруғлик бош пиёзнинг турли муддатларида экишнинг ҳосилдорликка таъсири ўрганилиб тажрибада синаб кўрилганда, 3-16 сентябрда экилган бош пиёз ҳосили 15,4-16,6 ц/га, уруғнинг униб чиқиши эса 94-95 фоизни ташкил қилган.

Хўжаликда уруғлик пиёзни 70 см ли қаторларга ўсимликлар орасини 10-15 см этиб экилганда, ҳар гектар ердан юқори ҳосил олинмоқда. Бунда гектарига 15-20 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, мавсум давомида 150-160 кг/га

азотли, 140-150 кг/га фосфорли ва 100 кг/га калийли ўғит билан озиклантирилмоқда. Диаметри 7-8 см бўлган уруғлик пиёзларни 70x10 схемада экиб, юқори натижаларга эришилмоқда.

— Биз улкан режаларини кўзлаб меҳнат қилмоқдамиз. Мени бир нарса қийнайди, нима учун ўзбек деҳқони бугун уруғни чет элдан олиши лозим? Нега энди пешона тери билан етиштирадиган ҳосилдан оладиган даромадмизни хорижга бериб қўйишимиз керак? Мустақиллик шарофати билан ерга эгалик ҳуқуқини олган деҳқон, фермерларимиз бунга барҳам беришлари зарур, — дейди ёш фермер ҳаяжонланиб ўз эзгу ниятларини изоҳлар экан. — Қаранг, она заминимиз ўзгаларникидан салмоқли, сифатли ҳосил бераёпти. Биз уруғчилик билан шуғулланадиган деҳқон, фермерлар маҳаллий навлардан, ўзимизни сифатли уруғ билан таъминлашга эришамиз. Бу истиқлолни мустаҳкамлашга кўшган ҳиссамиз, қолаверса, ўзлимизни англашимиз билан баробар.

Фермер хўжалигида сабзавот, полиз ва картошка уруғчилигини ўрганиш, мазкур экинларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш борасида излашлар олиб бориляпти. Тажриба ва ўрганишларнинг самараси туфайли, келгусида сариқ сабзи уруғи ҳамда узоқ сақланадиган ва экспортбоп маҳаллий навлар уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган.

Шерзоддаги шижоат ва гурурни кўриб фахрландим. Яқин йилларда ўзбек деҳқончилиги тизимида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги барқарор тармоққа айланиб, шириндан-шакар сабзавотларимиз дунё бўйлаб тарқалишига ишончим комил. Зеро, бу эзгуликлардан яраладиган ҳақиқатдир.

Аслиддин САТТОРОВ.

## Реклама ўрнида



### Дон сифати ва миқдорига путур етмасин!

Халқимиз, деҳқон ва фермерларимиз томонидан минг машаққат билан йиғиб-териб олинган бошоқли дон маҳсулотларининг захираларини йўқотишларсиз ва сифатли сақланишини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади.

Дейлик, сиз ўрим-йиғимдан кейин донни яхшилаб қуритдингиз, хас-хашак ва бошқа аралашмалардан тозалаб, омборга жойлаштирддингиз. Кўнглингиз таскин топиб, гўёки, елкадан тоғдек юкингиз тушди. Бу энди, бундан буёғига ташвиш чекмасангиз ҳам бўлавереди, дегани эмас. Чунки, назаримиздан бирозгина четда қолаётган, тайёрига айёр зараркунанда ҳашаротлар, қушлар ва сичқонсимон кемирувчилар доимо эътиборли бўлишимизни талаб қилади. Айниқса, шולי ва омбор узунбуруни, суринам ва малла унхўрак, дон қуяси ва ғалла пармаловчи кўнғиз, ун миталари кабилар энг хавфли зараркунандалардан ҳисобланади.

Инсон ризқ-насибасига шерик бўлган, бу жонзотлар қулай шароит ва имкониятдан фойдаланиб, омбордаги дон маҳсулотларини ишгахта билан ейишга тушади. Мисол учун, битта каламуш бир йилда 12 кг, битта сичқон 2 кг га яқин донни ейди. Асосий емиши бошоқли экин бўлган қушлардан каштар, бир кунда 50 граммга яқин, битта чумчуқ эса, ҳар кун 25 грамм атрофида дон ейди. Улар нафақат маҳсулотларнинг массасини камайишига, балки, дон сифатининг бузилишига ҳамда ун ва ёрма чиқиши, уруғларни униб чиқишининг пасайишига олиб келади. Кемирувчилар томонидан етказиладиган иқтисодий зарар шу қадар салмоқлики, дунё миқёсида қаралганда, ҳар йили 135 миллионга яқин кишининг нон билан таъминланиши учун етарли бўлган дон маҳсулотлари ана шундай зараркунандалар ҳисобига нобуд этилаётгани бор ҳақиқат. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, дон зараркунандаларига қарши кураш тадбирларини ҳечам кечиктирмасдан, мунтазам ва ўз вақтида амалга оширилиши дон ва дон маҳсулотларини зарарли ҳашаротлар ва кемирувчилар томонидан йўқ қилиниши ҳамда бузилишидан ҳимоя қилиш ва сифатли сақлашнинг муҳим шарт ҳисобланади. Бунинг учун нима қилиш керак? Сир эмас, дон зараркунандаларига қарши курашишда қўлланиладиган кимёвий воситалар (фумигантлар) заҳарли бўлиб, инсонлар, қолаверса ҳайвонлар учун ҳам хавфли ҳисобланади. Шу сабабдан фумигация ишлари буюртмачилар талабномасига кўра, махсус рухсатнома ва юқори малакали ходимларга эга бўлган ягона корхона, яъни “Республика дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедицияси” Давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши лозим. Мазкур корхонанинг тажрибали мутахассислари «Ўздонмаҳсулот» АК таркибига кирувчи корхоналар ҳамда мулк шаклидан қатъи назар (ҳарбий қисмлар, пахта пунктлари, тамаки фабрикаси, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, умумий овқатланиш корхоналари, хусусий уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари, фермер хўжаликлари, иссиқхоналар) барча тадбиркорлик тузилмаларининг захирадаги ун ва дон маҳсулотлари, дуккакли, мойли экинлари ва уларни қайта ишланган захиралари, шунингдек, бино ва иншоотларни кимёвий-биологик усул билан зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчилардан ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

### «РЕСПУБЛИКА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЭКСПЕДИЦИЯСИ» ДУК



Батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзилга ёки телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

Тел, факс: (0371) 256-67-19, (0371) 256-04-13

E-mail: [guprezz@rambler.ru](mailto:guprezz@rambler.ru), сайт: [www.guprezz.uz](http://www.guprezz.uz)

**Хизматлар лицензияланган.**



## ОРЗУ ҚАНОТ БЎЛГАЧ

**Фаргона водийсининг қай гўшасига борсангиз кўзингиз она табиатнинг бетакрор таровати-ю моҳирона яратилаётган замонавий биналарга тушади. Халқимизнинг порлоқ келажак сари интилиш ва эзгу режаларни амалга оширишга бўлган иштиёқини кўриб кўнглингиз қувнайди. Далаларда иш қизийди — деҳқон ва фермер хўжаликлари жорий йил ҳосили учун ҳаракатларини аллақачон бошлаб юборишган.**

— Туманмизда 769 та фермер хўжаликларига 15462 гектар экин майдони ажратилган, — дейди Фаргона вилоятининг Учкўприк тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Низомхўжа Жўраев. — Шундан 270 та фермер хўжалиги 13 420 гектарда пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланади. 8130 гектар майдонда парваришланаётган кузги ғалла экинларига чилла суви бериш якунланиб, озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда. 5290 гектар пахта майдонларида чигит экиш учун тайёргарлик ишлари якунланяпти. 100 гектар ерга жорий йил ҳосили учун полиз ва сабзозот экинлари уруғини экиш бошлаб юборилди. 156 гектардаги боғ ва узумчилик хўжаликларига баҳорги тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад юртимиз бозорларини янада тўқин қилиб, чет мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини янада оширишга эришиш.

Бугунги фермерлар бундан 10—15 йил авваллардек эмас, эндиликда улар давлатимиз томонидан юритилаётган сиёсатдан руҳланиб, замон билан ҳамнафас ишлаб, илғор хўжаликларга айланган. Ҳозирги кунга қадар кўплаб хўжаликлар кўп тармоқлилик йўналишини танлаб, иқтисодимизга ўз ҳиссаларини қўшиш билан бирга, кўплаб қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, “Асқарали Меҳринисо” кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Ўткиржон Қўшақовнинг фаолияти кўплаб фермерлар учун намуна бўлиб келмоқда.

— Болаликдаги орзу доимо инсонга йўлдош бўлар экан, — дейди хўжалик раҳбари Ўткиржон биз билан суҳбатда. — Чунки болалигимдан чорва ҳайвонлари ва ерга

меҳрим бўлакча эди. Эрта тонгни моллардан хабар олишдан бошлардим. Мактабдан сўнг албатта далага отланардим. Мана шу меҳрим сабаб Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг зооветеринария бўлимида таҳсил олдим. Сўнгра Данғара тумани ҳудудларо ветеринария бўлимида фаолият юритдим. Кейинчалик оилавий пудрат асосида меҳнат қилдим. Бу даврлар мен учун тажриба ошириш йиллари



бўлди, десам асло адашмайман. 2005 йил 11 гектар экин майдони билан фермер хўжалигимизни ташкил қилдик. Оила аъзоларим ва 10 нафар қишлоғимизнинг тажрибали деҳқонлари билан ҳамжиҳатликда ерга ишлов беришни бошладик. Йиллар давомида кимёвий ўғитлардан чарчаган ерни табиий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратдик. Ерни рози қилсанг, у ҳам ўз марҳаматини дариг тутмайди, деганларидек экин майдонларимиз қисқа фурсатларда ўзини ўнглаб, саховатини кўрсата бошладик. 2010 йили экин майдонимиз 97 гектарга кенгайди. 47 гектар майдонга кузги буғдойнинг «Яксарт» навини эдик. Шундан 20 гектари уруғликка мўлжалланган. Бу май-

донларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки келгуси йил ҳосили маълум маънода биз етиштираётган уруғликка ҳам боғлиқ. Ҳозирги кунда ғалла майдонларимизда озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда. Кўчатларнинг ривожланиши кўнгилдагидай. Жорий йилда ҳар гектар майдондан камида 60 центердан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. 32 гектар экин майдонига пахтанинг «Султон» нави чигитини экиш учун ҳозирлик кўряпмиз. Ўз вақтида амалга оширилган ишда хосият кўп. Бунинг учун 60 нафар доимий ишчилар ва малакали механизаторлар Қамбарали Меҳмонов, Собиржон Сатторов ва тажрибали сувчиларимиз Намоз Сатторов ҳамда Асадила Жабборовлар яқиндан кўмак бериб келишмоқда. Кўп тармоқлилик, менинг назаримда, хўжаликнинг иқтисодий ўсиши, ривожланиши учун асосий манбалардан бири. Хўжалигимиз барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига эга бўлганидан сўнг давлатимиз яратган имтиёздан фойдаланиб 15 млн сўм кредит олиб асалари парваришлай бошладик. Икки йилда асаларилар 100 қутига етди. 2014 йили яна 32 млн сўм имтиёзли кредит олиб, 4 бош насли гольштин қорамолларини олиб келдик. Шу қорамоллар келибдики, ўғлим Зуфаржон унинг атрофида парвона. Ҳозирда

улар 29 бошга етди. Ҳар бирини номлаб ўзига ўргатиб олган ўғлимга қараб ёшлигим эсимга тушиб кетади...

Ҳа, довонга чиққан чўққини кўзлар. Экинлардан юқори ҳосил олиб, даромади йил сайин ошиб бораётган ушбу хўжалик аъзолари янги марра, янги орзулар иштиёқиде меҳнат қилишмоқда. Келгусида асаларичилик ва чорвачиликни янада ривожлантириб кўплаб ишчи ўринлари яратишни ният қилишган. Ўйлаймизки, улар бу вазифанинг ҳам урдасидан албатта чиқадилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Суратда: хўжалик раҳбари Ўткиржон Қўшақов ўғли Зуфаржон билан.



# ЯЙЛОВ БАҲОДИРИ

Халқимиз кўй-эчкичилик билан қадимдан шуғулланиб келади. Кўйлар асосий озуқа манбаи сифатида гўшт, ёғ, сут берса, жуни ва териси – қимматли саноат хомашёси ҳисобланганлиги боис, кишилик жамиятида муҳим ўрин тутаяди. Кейинги йилларда чорвачиликка ва унинг даромадли тармоғи бўлган кўйчилик-эчкичиликни ривожлантиришга эътибор кучайди.



Уларнинг маҳсулдор зотларини кўпайтириш соҳани ривожлантиришнинг бош омили деб қаралиши туфайли мазкур йўналишдаги фермер хўжаликлари сони ортмоқда.

Деҳқонобод мамлакатимизда яйлов чорвачилиги ривожланган туманлардан саналади. Шунинг учун туманда кўй-эчкичилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари кўплаб топиллади. Эл-юрт тўқинлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган “Холиқ хожи” фермер хўжалиги ана шундай фермер хўжалиқларининг бири ҳисобланади.

Сайфулло ака Бекназаровнинг асл касби зоотехник. Падари бузруквори, хўжалик чўпони Холиқ ота ортидан Деҳқонободнинг бепоён яйловларида эргашиб чорвачиликка – кўй-эчкичиликка меҳр қўйди, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этди.

“Холиқ хожи” фермер хўжалиги ҳисобида ҳозирда 190 бош қорамол бўлиб, шундан 30 тасини соғин сигирлар ташкил қилади. 4583 бош кўйнинг 1500 таси совлиқ бўлиб, кўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. 300 бош эчкилар зотини яхшилаш борасида тadbирлар амалга оширилаяпти.

Хўжалик ихтиёрига 668 гектар яйлов ажратилган, шундан 100 гектарига буғдойнинг тезпишар “Сурхок” нави, 120 гектарига арпанинг “Темир” нави экилиб, агротехник тadbирлар асосида парвариш қилинмоқда. 228 гектари навбатлаб экиш учун шудгорга қолдирилган. Қолган 200 гектаридан кўй-эчкилар боқиш учун яйлов сифатида фойдаланилади.

Фермер хўжалиги бошлиғи Сайфулло ака Бекназаров саховатпеша инсон.

– Туманда ўтказиладиган барча тadbирларда фаоллиги, беғараз кўмаги билан доимо барчага ўрнак бўлиб келади, — дейди туман “Нуроний” жамғармаси раиси Кенжа Эшбоев. – Биз нуронийлар унинг ҳимматларидан баҳраманд бўлган ҳолда доим ишларига омад тилаймиз.

— Сайфулланинг олдига бирор юмуш билан борган бўлсам ҳеч қачон ўз ёрдамини аямаган, — дейди меҳнат фахрийси Тўлаган Пардаев. — Халқимизнинг бахтига шундай эл корига ярайдиган мулкдорларимиз кўпаяверсин.

“Холиқ хожи” наслчилик фермер хўжалиги гўшт-ёғбоп йўналишдаги ҳисори зотли кўйлар етиштиришга ихтисослашган.

— Ҳисори зотли кўйлар бақувват тузилишга эга бўлиб, яйловда боқишга чидамли, маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Яхшилаб боқилганда 20-25 кг ва ҳатто 50 кг гача ёғ тўплайди. Эътиборли жиҳати шундаки, озуқадан қийналиб қолганида шу ёғни сарфлайди. Вазни 120-170 кг.гача, она кўйларники эса 70-80 килограмгача бўлади, — дейди Сайфулло ака ҳисор кўйларига таъриф бериб. — Бу кўйларнинг жуни дағал, унинг туби йўғон, тўкиладиган ва қуруқ толалар кўп. Катта кўйлар 1,0-1,6 кг гача, кўзилар 0,4-0,6 кг гача жун беради. Олинган жун намат ва кигиз тайёрлашда ишлатилади.

Хўжалик кўп тармоқли бўлиб, унинг савдо, маиший ва умумий овқатланиш шохобчалари элга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда 1,0 гектарлик иссиқхона ва паррандачилик мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилади. Аҳоли, деҳқон-фермерларга чорва хизмати кўрсатиш ташкил этилади.

Фермер хўжалиги мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган “Ташаббус” кўрик-танловида қатнашиб бир неча бор совринли ўринларни олишга муяссар бўлган. 2003 йилдаги танловда “Йилнинг энг яхши фермери” соврини бўйича ғолибликни қўлга киритган.

— Отам чорвадор бўлишимни жуда-жуда хоҳлардилар. Мени чорвачилик бўйича ўқишга кирганимда қанчалар хурсанд бўлганлари ҳамон кўз олдимдан сира кетмайди, — дейди фермер. — Шукрим, дастлабки ютуқларимни шоҳиди бўлдилар. Бир олам орзулар қанотида яшайман. Эзгу ниятларим заминида эл-юрт тўқинлиги ва албатта отам руҳини шод қилиш ётади.

...Сайфулло ака вақт анча бемаҳал бўлса-да, кўй-кўзилар ҳолидан хабар олиш учун отда қор кечиб, адир ортидаги қўтон томон равона бўлди. Яйлов баҳодирининг ғайрати кўзлаган мақсадига етишига ишонч уйғотди.

Ўз мухбиримиз.



# МЕҲНАТ МУРОДГА ЭЛТАР

Косонсой тумани аҳли тadbиркор ва миршикор деҳқонлари билан Наманган вилояти туманлари ичида ажралиб туради.

— Туманимизда малакали ва кўп йиллик тажрибага эга фермерлар кўпчиликни ташкил қилади, — дейди туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Усмонали Холмонов.



— Янги ташкил этилган хўжаликлар фаолиятини йўлга қўйилишида уларнинг маслаҳатлари жуда катта аҳамиятга эга. Жорий йилда 17243 гектар экин майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирамиз. Шундан 8320 гектарига ғалла уруғи экилган бўлиб, 5234 гектарида пахта, 413 гектарида сабзавот, 154 гектарида картошка, 60 гектарида полиз ва 1741 гектарида бошқа экинлар ҳосилини етиштириш ишларини бошлаганмиз. Бундан ташқари, 3181 гектар боғ ва токзорларда ҳам барча долзарб тadbирлар амалга оширилмоқда.

— Фермер хўжалиklarини кўптармоқли хўжаликларга айлантириш борасида ишларини кучайтирганмиз, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси Муҳаммадсодиқ Атабоев. — Хўжаликларда кўптармоқлилар сони ортса кўплаб иш ўринлари яратилади. Фермер хўжалиklари томонидан 4700 нафар ишчи жалб қилинган бўлса, шундан 2100 нафари оилавий пудрат асосида пахта ва ғалла етиштиради. 1800 нафари мевасабзавотчилик, боғ ва узумчилик фермер хўжалиklарида, 800 нафари чорва ва паррандачилик хўжалиklарида меҳнат қилишади. Энг асосийси, ишчилардан 900 нафари коллеж битирувчиларидир. Ўтган 2016 йилда 54 та фермер хўжалиklари томонидан 62 та лойиҳа асосида 16 млрд 314 млн сўм маблағ самарали йўналтирилиб, 670 нафар янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлди. Албатта, ҳосил етиштириш уни қониқарли нархларда сотиб, фойда олиш ҳар бир хўжаликнинг орзуси. Жорий йилда мевасабзавотлар экспортдан 60 млн АҚШ доллари миқдорида фойда олиш учун ҳозирдан барча ҳаракатларни бошлаб юбордик. 3 та экспортёр корхоналар фаолиятини йўлга қўйдик. Улар маҳсулот етиштирувчи фермерлар ва деҳқон хўжалиklари билан шартномалар имзолашни давом эттиришмоқда.

Собиржон Жўрабоев раҳбарлик қилаётган “Кушон раҳм сафед” фермер хўжалиги туманда намунали жамоалардан саналади.

— Хўжалигимизда кун бўйи иш қизийди, — деб сўз бошлади фермернинг укаси Абдуллажон. — Отам Абдусамад Жўрабоев оддий деҳқон бўлганлар. Онам Ойнаса билан 5 ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказишган. Катта акам бизга бош бўлиб, 2013 йили 5 гектар ерда паррандачилик хўжалигини ташкил қилди. Ўша йили 8000 бош Ломан-Браун зотли тухум берувчи паррандаларни парваришлагга киришдик. Албатта, ҳалво деган билан оғиз чучимаиди. Паррандачилик — нозик соҳа. Унинг сир-сноатларини мунтазам ўрганиб боришни талаб қилади. Бундан ташқари санитария қонун-қоидаларига риоя этиш билан бирга қатъий рацион асосида озиқлантириб, вакцинация ишла-

рини ўз вақтида амалга ошириш зарур. Хўжалигимизнинг ривожига давлатимиз томонидан яратилган шартшароитларнинг ҳам ўрни катта. 130 млн сўм имтиёзли кредит ҳисобига Украина давлатидан парранда боқишга мўлжалланган ускуналар харид қилдик. 2014 йил паррандаларга озуқа етиштириш учун туман ҳокимлиги экин майдонимизни 20 гектарга кенгайтириб берди. Ҳозир 18 нафар доимий ишчи билан 27000 бош паррандани парваришляпмиз. Кунига ўртача 25 минг дона тухум олинмоқда. Маҳсулотларимизни водийнинг Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарлари аҳолисига етказиб беряпмиз. Келгуси режаларимиз хўжалигимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш. Яқинда парранда боқиш учун мослашган янги бир бинони қуриб, замонавий дастгоҳларни жойлаштирдик. Мақсадимиз паррандалар бош сонини 70-80 минг бошга етказиш. Шу билан кўплаб қишлоғимиз ёшлари доимий иш билан таъминлашди. Паррандахона ҳудудида 3 гектар иссиқхона қуриш ишлари ҳам давом этяпти.

Абдуллажон билан суҳбатлашиб борар эканмиз экин майдони четида турган ҳайдов трактори олдида тўхтадик.

— Айтганча, — деб сўзида давом этди суҳбатдошим. — 2016 йил туман ҳокимлигининг захирасидаги балл бонитети паст экин майдонидан 72 гектар ер ажратиб беришди. Бу ерлардан кўплар этак силтаб кетишган. Чунки бу экин майдонлар шохариқнинг охирида жойлашганлиги сабабли сув жуда катта йўқотишлар билан етиб келар эди. Биз бу муаммони ҳал этиш учун 5 км ариқ қазидик. Натижада керакли сувни йўқотишларсиз экин майдонига ўз вақтида олиб келишга эришдик. Жорий йил ҳосили учун 58 гектар майдонга ғалланинг “Таня” навини экиб, керакли озуқалар билан озиқлантирдик. Ўртача 60 центнердан ҳосил олишни режалаштирганмиз.

Мазкур хўжалик йилига ўртача 300 млн. сўм даромад олар экан. Шундан 10-15 млн сўм Меҳрибонлик уйларига, ўрта таълим мактабларини таъмирлаш ишларига ва кам таъминланган оилаларга ажратилади. Қолган қисми ишчиларнинг меҳнатларига яраша рағбатлантириш ҳамда янги бино ва ускуналар харид қилиш учун сарфланади.

Хўжалик 2016 йил ҳосилидан хорижга 25 тонна ловия экспорт қилишга муваффақ бўлди. Жорий йилда такрорий экин ҳисобидан 100 тонна маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган.

**К.ЭРГАШЕВ,**  
«ЎзҚХ» мухбири.

Суратда: Абдуллажон Жўрабоев акаси Шокиржон билан маҳсулот сифатини таҳлил қилмоқда.



**«Тошвилбозорсавдо»  
уюшмаси жамоаси**

***Мамлакатимиз аҳлини  
Наврўз – баҳор ва яшариш  
байрами билан  
самимий кутлайди!***



***Халқимизнинг қадриятларини  
ўзида мужассам этган  
байрам барчамизга  
муборак бўлсин!***



## ЕРДАН САМАРАЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

**Ерлардан фойдаланиш устидан мунтазам давлат назоратини ўрнатиш, жойларда ер мониторингини юритиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш айна пайтда долзарб масалалардан ҳисобланади. Мухбиримиз бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар хусусида, вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг бошлиғи Содиқжон Ҳақимов билан суҳбатда бўлди.**

— Мутахассис-ходимларимиз томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг текширишлар жадвали бўйича 2016 йилда 43 та режали текшириш ўтказилди, — деди С.Ҳақимов. — Текширув натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимларига, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ташкилот ва корхона раҳбарларига тақдимномалар киритилди. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан белгиланган “Тизим” асосида жами 510 та ҳолатда 118 гектар ер, шундан 73,2 гектар экин майдони, 17,4 гектар кўп йиллик дарахтзорлар, 17,3 гектар яйлов ва пичанзорлар ва 10,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, 108 гектар майдон фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги, 10 гектар майдондан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилгани аниқланди ва чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди.

Ерлардан самарали, оқилона ва белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил қилиш ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимларида тадбиркорлар иштирокида “Очиқ эшиклар куни” ташкил қилинди. Унда кўтарилган муаммоли масалалар апрофлича ўрганиб чиқилиб, ҳаммаси ўз ечимини топаяпти. “Ишонч телефон”ларида кўтарилган масалалар кўрилган чора-тадбирлар туфайли бартараф этилмоқда.

2016 йил давомида вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси, унинг шаҳар ва туман корхоналари томонидан 5.538,27 гектар майдонда 22.214 та топография ишлари олиб борилди. Якка тартибдаги уй жойлар, хонадонлар ва нотурар жой объектлари бўйича инвентаризация олиб

борилиб, 7.200 миллион сўмдан кўпроқ кадастр хизмати бажарилди.

Умумий майдони 13 мингдан зиёд ер участкалари, 14 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй жойлар, 7 228 та хусусийлаштирилган хонадонлар, 4 572 та нотурар кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, 3.750 та бино-иншоотлар ижара ҳамда 2.053 та ипотека шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Самарқанд вилоятидаги барча қишлоқ фуқаролар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016–2017 йилларда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича тизимли ишлар олиб борилди. 587.309 та кўчмас мулк объектларида, шундан 565.632 та уй-жой, 1.981,2 та нотурар-жой бинолари ва 1.865 та дала ҳовлиларда хатлов ишлари якунига етказилди.

Хатлов ишлари якунланган маҳалла фуқаролар йиғинларида 132.867 та кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдлари тайёрланиб, шаҳар ва туман ишчи гуруҳларига кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини тиклаш бўйича ҳужжатлар топширилди. Шундан ишчи гуруҳлари томонидан 22.813 та кўчмас мулк объектларига шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Вилоятдаги мавжуд 515.556 та ер участкаларидан 266.862 таси (51,8%) ҳамда 60.828 та бино-иншоотлардан 274.147 таси (45,1%) кўчмас мулк объектлари давлат кадастрлари ягона тизимига қабул қилинди.

“Кўчмас мулк–3” дастурига барча шаҳар ва туман корхоналари томонидан 612.336 та кўчмас мулк объектларининг маълумотлари киритилди.

“Ер кадастри дафтари” дастурига жами 384.354 та ер участкалари-

нинг фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотлар киритилди, бу фойдаланувчиларга нисбатан 70,0 фоизни ташкил қилади.

Ахборот ва телекоммуникация тармоқларини замонавий усулда олиб бориш учун босқичма-босқич буюртмачиларга давлат интерактив хизмат кўрсатиш бўйича Нарпай, Иштихон туманларида ҳамда Самарқанд шаҳрида “СДГС” пунктлари ўрнатилди ва уларга махсус хоналар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 декабрдаги Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам бир қанча ишлар олиб борилди.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона дарча” марказлари, бевосита электрон ҳамкорлик тизими орқали 3639 та мурожаат келиб тушган, шундан ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 1106 та, бино иншоотларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 1249 та ва ипотека шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 1284 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар ижросининг 99,8 фоизи ўз вақтида тўлиқ таъминланди, 8 та мурожаат қайтарилди.

Юқоридаги барча қонун ва қарорлар ижроси бўйича ва кадрлар билим даражасини ошириш мақсадида, барча корхоналарда бир қатор ўқув-амалий семинарлар ташкил этилди ва бу тадбирлар маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбиркорлик ва ишбилармонларга қулайлик яратишни кўзлаб, интерактив хизматлар ташкил қилинган. Унда вилоят корхонасининг samkadastr.uz веб сайти ва info@samkadastr.uz электрон почта манзили доимо ишлаб турибди.

— **Келгусида соҳа ҳодимлари ўзларининг масъулиятли вазифасига сидқидилдан ёндошиб, ҳар томонлама мукамал ҳамда намунали фаолият олиб боришларига тилакдошимиз, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Яшнарбек ҲУСАНОВ.**



## ИСТИҚБОЛЛИ «ЖАРҚҮРҒОН» ҒЎЗА НАВИНИНГ ТОЛА ЧИҚИМИ ВА УЗУНЛИГИ БЎЙИЧА НАВДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШ НАТИЖАЛАРИ

*There were investigated such important traits of as fiber length and fiber output of variety "Jarqurgan" during of production of original seeds with high seed quality toward increasing of sowing areas. On base of obtained research results it was concluded that variety "Jarqurgan" has high fiber output (38.8%) and fiber quality that meets the requirements of IV-type.*

Биз ўз изланишларимизда юқори тола сифати (IV тип) ва тола чиқими (37-38%) ўзида мужассамлаштирган «Жарқўрғон» ғўза навининг ишлаб чиқаришдаги майдонларини кенгайтиришга етарли миқдордаги наводор ва оригинал уруғларини тайёрлашда унинг тола узунлиги ва тола чиқими Давлат андозалари талабларига етказишга эътибор қаратдик.

Ўрта толали ғўзанинг IV типга мансуб «Жарқўрғон» нави *G. hirsutum L.* ғўза турига мансуб бўлиб, {(F1 *G. thurberii* Tod. X *G. raimondii* Ulb.) X ЛЦГ-187} турлараро дурагайдан кўп марталик танлаш йўли билан яратилган. Ушбу нав аксарият хўжалик белгилари бўйича андоза С-6524 навига нисбатан бирмунча афзалликка эга. Яъни, «Жарқўрғон» навининг тола узунлиги - 1,18-1,22 дюм; микронейри - 4,5-4,7; солиштирма оғирлик кучи -31,0-34,5 г.к/текс., тола чиқими -37,0-38,0 %, 1000 дона чигит вази -135-140 г., 1 дона кўсак вази -5,0-6,0 г ва вегетация даври 120-125 кунни ташкил этади.

Изланишлар Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Нормат Ўрозали» номли янги навларнинг дастлабки элита уруғчилик хўжалигида амалга оширилди.

2013 йили «Жарқўрғон» нави бўйича 2 йилги уруғлик кўчатзоридан териб олинган 200 та намунанинг тола узунлиги вариацион қаторлар асосида таҳлил қилинди.

Олинган маълумотлар намуналарнинг тола узунлиги 31,5-32,4 дан 35,5-36,4 мм. гача бўлган 5 та синфларда жойлашганини кўрсатди. Жумладан, ўрганилган оилалардан 127 таси вариацион қаторнинг 33,5-34,4 мм. лик синфларига тўғри келиб, улардан тола узунлиги ўртача 33,7 мм дан юқори бўлганлари экиш учун танлаб олинди. Чиқитга чиқарилган оилаларнинг ўртача кўрсаткичи эса 33,6 мм дан паст бўлди.

2014 йилда ҳам иккинчи йилги уруғлик кўчатзорлардан териб олинган оилаларнинг тола узунлиги намуналар бўйича вариацион қаторлар асосида таҳлил қилинди. Ушбу кўчатзордан олинган 195 та намуналарнинг таҳлили ҳам уларнинг аксария-

ти вариацион қаторнинг 31,5-32,4 дан 36,5-37,4 гача бўлган синфларига мансублигини кўрсатди.

Умуман, икки йиллик намуналар ва якка танловларнинг тола узунлиги белгиси бўйича лаборатория кўрсаткичлари «Жарқўрғон» навининг тола узунлиги IV пахта толасига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши тасдиқланди.

Ўрганилган намуналар толанинг сифат кўрсаткичлари НVI лабораториясида ўрганилди. Жумладан, толанинг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган дюмдаги узунлиги таҳлил этилди.

Толанинг узунлиги белгиси бўйича 2-йилги кўчатзордан терилган оилаларнинг таҳлил натижаларига қараганда намуналар вариацион қаторнинг 4 та синфга тақсимланган. Яъни оилалар вариацион қаторнинг 1,11-1,13 дан 1,20-1,22 дюмгача бўлган синфларида жойлашган.

Аксарият оилалар, яъни ўрганилган 194 тадан 172 таси тола узунлиги бўйича 1,14-1,16 ҳамда 1,20-1,22 гача бўлган синфларда жойлашиши, навнинг белги бўйича аввалги йилга нисбатан яхшиланганлигидан далolat беради. Белги бўйича ўртача кўрсаткич 1.17 дюмни ташкил этган.

2014 йилда ҳам толанинг узунлиги бўйича 2-йилги кўчатзордан терилган оилалар таҳлил этилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган намуналар аввалги йиллардан фарқи равишда вариацион қаторнинг 6 та синфга тақсимланган. Ушбу оилалар вариацион қаторнинг 1,11-1,13 дан 1,26-1,28 дюмгача бўлган синфларида жойлашишди.

Бу эса, вариацион қаторларнинг ижобий, яъни 1,23-1,25 ва 1,26-1,28 дюмга мансуб синфларига тегишли равишда 24 та ва 9 та оилаларнинг жойлашганлиги билан изоҳланади. Умуман белгининг ўртача кўрсаткичи 1,17 дюмни ташкил этди.

Ушбу белги бўйича олинган натижалар асосида «Жарқўрғон» навининг ўрганилган намуналари 3 ва 4 - тип талабларига жавоб берган.

Тола чиқими бўйича таҳлил этилган 200 та оилалар вариацион қаторнинг 9 та синфларида жойлашгани-

ни кўрсатди. Нисбатан паст кўрсаткич 4 та оилада қайд этилиб, 36,8-37,2 % тола чиқими эга бўлган синфда жойлашгани аниқланиб улардан 3 таси чиқитга чиқарилгани аниқланган.

Қолган оилаларнинг белги бўйича кўрсаткичлари ижобий бўлиб, уларнинг аксарияти вариацион қаторнинг 37,8-38,2 дан 39,8-40,2 фоизгача бўлган синфларида ва 2 таси вариацион қаторнинг 41,2 % гача синфида жойлашгани аниқланди. Ўрганилган оилаларнинг тола чиқими бўйича ўртача кўрсаткичи 38,8 % ни ташкил этиши «Жарқўрғон» навининг тавсифномасига мос, яъни юқори тола чиқими эга эканлигини тасдиқлайди.

Тола чиқими бўйича 2-йилги кўчатзордаги бракка чиқарилмаган оилалардан якка танловлар териш билан бир қаторда лабораторияда 195 та оила таҳлил қилинди. Ўрганилган оилаларнинг белги бўйича кўрсаткичлари вариацион қаторнинг 36,8-37,2% дан 40,8-41,2% гача бўлган синфларида жойлашгани ҳамда белги бўйича ўртача кўрсаткич 39,2%ни ташкил этгани аниқланди. Аксарият намуналар вариацион қаторнинг 37,8-38,2% дан 39,8-40,2% гача бўлган синфларида эканлиги худди аввалги 1-йилги кўчатзордаги каби танлов ишларимизнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Танлаш натижасида ўрганилган 195 оиладан 102 таси кейинги тажрибаларда экишга қолдирилди.

Тажрибалар бўйича тўпланган натижалар асосида тола чиқими ва узунлиги белгилари бўйича экиш учун танлаб олинган оилаларнинг кўрсаткичлари навга хос, яъни тола узунлиги бўйича IV тип талабларига жавоб бериши ва юқори тола чиқими (ўртача 38,8 %) эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса, ушбу навнинг пахтачиликка кенг жорий қилиниши эвазига майдон бирлигидан олиннадиган юқори сифатли тола ҳосилдорлигини ошириш имконияти катта эканлигини тасдиқлайди.

**Ҳ.МАРДАНОВ,**

*Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси.*



# ЁЎЗА НАВЛАРИНИНГ ГУЛЛАШ ДИНАМИКАСИ

*Seeding scheme of 90x12-1 in meadow-saz soils of Fergana Province accelerates growth and development as well as results in earlier cotton maturity of new cotton varieties.*

Ёўза навларини гуллаш жадаллиги аввало, навнинг биологик хусусиятига, қолаверса, қўлланган агротехник тадбирларга боғлиқдир. Типик бўз тупроқлар шароитида чигитлар 60x16-1 тизимда экилганда ёўзани 50 % гуллаш муддати 1 июлга, 60x11-1 да экилганда эса 30 июнга тўғри келган. Қатор оралиғи 90 см ли бўлиб, 90x11-1 тизимда экилганда 3 июлда 50 % гулга кирганки, бунда ёўзани 60 см ли қатор оралиғида экиш афзаллиги кузатилган. Шунингдек, пуштага ва плёнка остига экилганда очиқ ердагиларга нисбатан ёўзалар 2-3 кунга илгари гулга кирган.

Бизнинг тадқиқотларимиз Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз, кучсиз шўрланган, сизот сувлари сатҳи 1,6-1,8 метр чуқурликда жойлашган унумдор тупроқларда ўтказилди. Бунда чигитни экиш усуллари, тизимлари ва кўчат қалинликларининг ёўза навларининг гуллаш динамикасига таъсири аниқланди. Излашнишларни ўтказишдан мақсад, пахта ҳосилини эртароқ пишириш бўлганлиги учун ниҳолларни униши, ўсиш-ривожланишининг давоми бўлган гуллаш жараёнини кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот йиллари об-ҳавони келишига боғлиқ ҳолда ёўзани гуллаш жараёнини аниқлаш бўйича кузатувлар 2011 йил 27 июнда, 2012 йил 25 июнда ва 2013 йил 29 июнда ўтказилди. Ҳар йили кузатувлар ёўза 5-6 % гулга киргандан бошлаб, 50-50 % га етилгунча давом этдирилди.

2012 йил шароитида, ёўза навларининг чигити якка қаторда 60x18-1 тизимда 90-95 минг/га кўчат қалинлигида экилган (1, 6) вариантларда кузатувни 1-муддатида 7,0 ва 6,3 % ёўза навлари гуллаган бўлса, орадан 4 кун ўтгач бу кўрсаткичлар 18,4 ва 16,5 % ни ташкил қилди.

Ёўза навлари якка қаторда 60x11-1 тизимда 145-150 минг/га кўчат қалинликларида экилган (2, 7) вариантларда эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 5,0-16,7 ва 4,8-17,1 % ни ташкил қилиб, 60x18-1 тизимдагиларга нисбатан 2,0-1,8 ва 1,9-0,6 % га гуллагани аниқланди.

Кўчат қалинликлари 50 минг/га ортиши билан барг сатҳи юзасининг кўпайиши ҳисобига гуллаш жараёни кечикиши кузатилди. Кузатувларни охирида (7.07) ёўзани Андижон-36 навининг гуллаш жараёнлари юқоридаги тизим ва кўчат қалинликларига мутаносиб равишда 45,1 ва 44,2 % ни, "Султон" навиники эса 44,1 ва 43,1 % ни ташкил қилиб Андижон-36 навининг гуллаш жадаллиги "Султон" навига нис-

батан юқорироқ бўлиб, кузатувни охирида юқоридаги (6, 7) вариантларда мутаносиб равишда 1,0 ва 1,1 % га фарқланганлиги аниқланди.

Ёўза навлари якка қаторда 90x12-1 тизимда, 90-95 минг/га кўчат қалинликларида экилган вариантларда гуллаш даражалари кузатув охирида 46,8 ва 46,0 % ни ташкил қилган ҳолда, шу кўчат қалинлигида, лекин 60x11-1 тизимдаги вариантларга нисбатан 1,7 ва 1,9 % га кўпроқ бўлганлиги кузатилди.

Ўтлоқи-соз тупроқлар шароитида 90 см ли қатор оралиғида экилса, 60 см лига нисбатан ўсиш-ривожланиши ва хусусан, гуллаш жараёнлари тезлашиши аниқланди, бу тизимда экилганда "Султон" навининг гуллаши Андижон-36 навиға нисбатан 0,8 % га камроқ бўлди.

Ёўза навлари кўшқаторда 90(60x30)-15-1 тизимда 145-150 минг/га кўчат қолдириб экилганда кузатувни бошида бошқа вариантлардан фарқланиш кам кузатилган бўлса ҳам кузатув охирига келиб 44,3 ва 43,1 % ни ташкил этди ва якка қаторда шу кўчат қалинликларида экилган (3 ва 8) вариантларга нисбатан 0,1 ва 0,0 % га фарқланди холос. Бу эса ёўза навларини якка (60x11-1 тизимда) ёки кўш қаторда, бир хил кўчат қалинликларида экиш фарқи йўқлигини кўрсатади.

Тажрибаларда 3 йил давомида ёўза навларининг гуллаш жараёни жадал бўлганлиги пуштага 90x12-1 тизимда, 90-95 минг/га кўчат қалинликларида экилганда кузатилиб, кузатувни дастлабки давридаёқ якка қаторда 90x12-1 тизимда шу кўчат қалинликларида экилган (3 ва 8) вариантларни кўрсаткичларига нисбатан 1,2 ва 0,8 % га юқори бўлди. Кузатувни охириги муддатида (7.07) Андижон-36 нави 49,8 % гуллаган бўлса, "Султон" навиники эса 48,2 % га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар юқоридаги 3 ва 8-вариантларни кўрсаткичига нисбатан 3,0 ва 2,2 % га юқоридир. Лекин, "Султон" навини кўрсаткичи Андижон-36 навидан 1,6 % га пастроқ бўлди.

Демак, Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқларида давлат реестрга киритилиб экилаётган янги ёўза навларининг кенг қаторлаб 90x12-1 тизимда пуштага экиш, экстремал об-ҳаво шароитида ўсиш-ривожланиши ҳамда гуллашини тезлаштириб, ҳосил эрта етилишини таъминлайди.

**Н. ЎРАЗМАТОВ,**  
ПСУЕАЙТИнинг

Фарғона илмий-тажриба станцияси мустақил тадқиқотчиси.



## "КРУПИНКА" ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВИНИНГ ЎСИШ-РИВОЖЛАНИШИ, ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИНИНГ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

*In the article on irrigated lands practice results of planting periods and measures of optimizing in obtaining high and quality grain yield of hard wheat variety "Krupinka" are stated.*

Ҳозирги даврда республикамизда яратилган ва хориждан келтирилган қаттиқ буғдой навларининг суғориладиган ерлардаги биологик хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос нав агротехникасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш ғаллачиликдаги долзарб масалалардан биридир. Кузги буғдойнинг экиш меъёри турли муддатларда ҳар хил бўлиши аниқланган.

Аммо буғдойни тури, нави учун эрта, мақбул ёки кеч муддатларда уруғни экиш меъёри қанча бўлиши ҳақида аниқ тавсияномалар йўқ. Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдой мақбул муддатдан 10 ёки 20 кун кеч экилганда экиш меъёри қанча бўлиши керак? Бир омилли тажрибаларда бунини аниқлаб бўлмайди. Икки омилли тажрибаларда турли экиш муддатлари ва меъёрларининг қаттиқ буғдой дон ҳосилини шаклланишига таъсирини ўрганиш мавжуд тупроқ-иқлим шароитида турли экиш муддатларида мақбул экиш меъёрларини аниқлашга ҳамда тавсия беришга имкон беради.

Я.Губанов, Н. Иванов кузги буғдойни кечки экиш муддатларида эрта ва мақбул муддатларга нисбатан экиш меъёри юқори бўлишини тавсия қилишади. Экиш муддатини чўзилиши билан ўсимлик тулланиш коэффициенти кичик бўлса, кеч экилганда ўсимликнинг дала шароитида унувчанлиги камайиб, кузги-қишги даврдаги ноқулай шароитга чидамлилиги пасаяди.

Буғдой ўсимлигининг ўсиш-ривожланиши кўпгина омилларга, хусусан навнинг ирсий хусусиятига, ҳароратга, тупроқ ва ҳаво намлигига, ўсимликнинг касаллик ҳамда зараркунандалар билан зарарланишига, озикланиш даражасига, экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ.

Биз дала тажрибаларини Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги "Равшанова Гумарис" фермер хўжалиги суғориладиган ерлари шароитида ўтказдик. Тажриба объекти бўлган қаттиқ буғдойнинг "Крупинка" нави уруғи 20 сентябрь, 11 октябрь ва 1 ноябрда гектарига тегишли тарзда 3,0; 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дон унувчан уруғ меъёрида экилди. Дала тажрибалари 4 қайтариқли, ҳисобга олинган пайкалларнинг катталиги 50 м<sup>2</sup>, 2 ярусли қилиб жойлаштирилди. Ўтмишдош экин-маккажўхори дон учун. Тажрибада ўсимлик парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган агротехника асосида бажарилди. Дала тажрибасида ўтказилган барча фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар ЎзПИТИнинг "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" қўлланмасидан фойдаланилди. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларнинг дисперсион таҳлили Б.А.Доспехов бўйича аниқланди.

Тажрибаларимиз натижаларида аниқландики, экиш муддатлари ва меъёрларининг ўзаро таъсири натижасида қаттиқ буғдойнинг "Крупинка" навида экиш муддатлари кечикиши билан униб чиқиш -найчалош фазасига давомийлиги қисқариб борган бўлса, униб чиқиш-бошоқлашга келиб экиш муддатларининг кечикиши ва меъёрларининг камайиши ривожланиш фазаларининг ўташини тезлаштирди. Бундай қонуни-

ят бошоқлаш-тўлиқ пишиш даврида ҳам кузатилди. 21 октябрда гектарига 3,0 млн. дон уруғ экилганда буғдой 228 кунда пишган бўлса, 1 ноябрда экилганда 212 кунда пишиб етилди ёки ривожланиш 16 кунга тезлашди.

Тажрибаларимиз натижаларига кўра, 21 сентябрда уруғи экилганда ўсимликдаги маҳсулдор тулланиш 11 октябрь ва 1 ноябрда экилганга нисбатан юқори бўлди. Аммо 1 кв.метрда маҳсулдор поялар сони 11 октябрда 5 млн. дон унувчан уруғ экилганда барча экиш меъёрлари бўйича 21 сентябрь ва 1 ноябрь муддатларда экилгандагига нисбатан юқори — 1 кв. метрда 551 дон маҳсулдор поялар ҳосил бўлди.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, қаттиқ буғдойнинг "Крупинка" нави эрта (21.09) муддатда экилганда мақбул экиш меъёри гектарига 3,0 млн. унувчан уруғ бўлди. Бунда буғдой дон ҳосили гектаридан 54,2 ц. ни ташкил этди. Экиш меъёри гектарига 3,0 млн. дан 6,0 млн. унувчан уруғгача оширилганда дон ҳосили 6,2 ц га камайди. 11 октябрда экиш меъёри гектарига 3,0 млн. дан 5,0 млн. унувчан уруғгача кўпайтирилганда дон ҳосили гектаридан 4,8 ц. га ошди ёки гектаридан 60,4 ц.ни ташкил этди. Экиш меъёрини гектарига 5,0 млн.дан 6,0 млн. унувчан уруғга оширилганда дон ҳосили гектаридан 1,9 ц. га камайди.

11 октябрдан бошлаб экиш кечикканда ҳамма экиш меъёрларида ҳосил камайди, лекин экиш меъёрини гектарига 3,0 млн. дан 6,0 млн. оширилганда ҳосил гектарига 4,2 ц га ошди.

Тажрибаларимизда барча экиш муддатларида экиш меъёрларининг ортиб бориши билан доннинг натураси, 1000 дон дон массаси ва доннинг шишасимонлиги камайиб бориши кузатилди. Экишни эрта ва кеч муддатларда ўтказилиши ҳам мақбул экиш муддатига нисбатан дон натураси, 1000 дон дон массаси камайишига олиб келди. Дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори эса экиш муддатларининг кечикиши билан ошди ва меъёрларининг ошиб бориши билан эса камайди.

Шундай қилиб, республикамизнинг жанубида қаттиқ буғдойнинг "Крупинка" нави экиш муддатлари кечикиши ва меъёрларининг ошиб бориши билан экин ўсиш даври қисқариб, ривожланиши тезлашди. 11 октябрда экилганда ўсиш даври узоқ бўлди ва юқори ҳосил шаклланди. Кечки муддатда экилганда эса ўсиш даври қисқарди, бинобарин органик масса тўплаш учун вақт кам қолди ва пировардида ҳосилдорлик камайди.

Эрта муддатда (21.09) экиш меъёри гектарига 3,0 млн.унувчан уруғ, кеч муддатда (1.11) бўлганда гектарига 6,0 млн. унувчан уруғ, 11 октябрда экилганда эса 5,0 млн унувчан уруғ оптимал ҳисобланади ва шунда юқори дон ҳосили олишга эришилади.

**П.БОБОМИРЗАЕВ,**

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институти  
"Ўсимликунослик ва деҳқончилик" кафедраси  
доценти.*



# КАРТОШКАЧИЛИКДА ЯНГИ УСЛУБ

*Growing potatoes by seedling method saves the seed to 2-3 times and increases the productivity coefficient to 4-5 times. When different varieties of potatoes have been planted and grown by seedlings the product harvest reaches as much as 20,3-23,0 tons per hectare.*

Картошкачиликда ҳар йили етиштирилган умумий ҳосилнинг 25-30 % уруғ учун қолдирилади. Уларнинг кўпайиш коэффициенти 4 - 5 ни ташкил этади. Эртаги картошка етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан қисқа муддатда мўл ҳосил берадиган навларни танлаб, юқори сифатли уруғлик материалларни кўпайтириш йўллари ни ишлаб чиқиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Тажрибада картошка турли навларининг ўсимта чиқими, ўсимта ва туганаклардан ўстирилганда ўсиш-ри-вожланиши, ҳосил шаклланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсирини ўрганиш, шулар асосида истиқболли навларни танлаб, юқори, сифатли ва арзон ҳосил етиштириш технологиясининг асосий элементлари илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланди.

Дала тажрибалари Самарқанд вилоятининг механик таркиби ўрта қумоқ, қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Танланган картошка навларидан ўсимта чиқими аниқлаш мақсадида, вазни 30-50, 50-80 ва 80-100 граммлик 1-репродукция уруғлик туганаклари ўрганилди. Туганаклардан олинган 12-15 см узунликдаги ўсимталар март ойининг биринчи ўн кунлигида 70x20 см схемада ҳар бир уяга 2 тадан экилди. Ўсимталар экилгач, дарҳол суғорилди. Ўғитлаш меъёри 20 т/га ярим чириган гўнг ва  $N_{150}P_{120}K_{75}$  кг/га минерал ўғитлар солиниб, умумқабул қилинган агротавсиялар асосида парвариш ишлари амалга оширилди.

Танланган картошка навларини ўсимталардан ўстириш учун соғлом, навга хос 30-100 граммлик маҳаллий 1-репродукцияли уруғлик ту-

ганаклари олинди. Ушбу туганаклар навлар бўйича алоҳида – алоҳида экишдан 18-23 кун олдин ва ёруғ, 12-15 °C ли иссиқ ҳароратли хоналарда 2-3 қатлам қалинликда ёйилиб нишлатилди. Натижада бақувват, 0,5-1,0 сантиметр узунликдаги яшил ўсимталар ҳосил бўлди. Сўнгра, нишлатилган уруғлик туганаклар усти плёнка билан ёпилган кўчатхонага бир қават ёйилиб, 6-7 см қалинликда қорақум билан кўмилиб, кўкартирилди. Шундай экилган уруғлик туганаклардан 18-27 кун ўтгач қорақум бетида узун-



лиги 12-15 сантиметр бўлган ўсимталар етиштирилди. Улар туганакдан синдириб олиниб, 3-5 кун нам тупроққа (қорақумга) кўмиб қўйилди. Туганакдан синдириб олинган ўсимталар илдизи бақувват, йўғон пояли, 3-5 та чинбарг ҳосил қилганлиги учун тутувчанлиги билан характерланди.

Ўрганилган навларнинг нишлатилган ўртача 100 дона уруғлик туганаклардан олинган ўсимталар чиқими 280 донадан 480 донегачани ташкил этди. Тезпишар навларда энг юқори ўсимта кўчат чиқими 311-417 донани, Снегир, Қувонч-16/56м, Дельфин, Вализа, Латона, Ред Скарлет, Бинелла навларида қайд этилди, ўртатезпишар навларда ушбу энг юқори кўрсаткич 310-401 донани Aladin, Marfona, Memphis, Кондор, Бахро-30, Бардошли-3 навларида ку-

затилди. Ўртапишар навлардан эса 330-480 донегача ўсимта кўчатлари Драга, Арнова, Мондиал, Ҳамкор-1150, Arinda ва Альтаир навларидан олинди.

Ўсимта ўсимликларининг кейинги парваришlash тадбирлари кўчат экинлардан фарқланмади, яъни 2 марта чоқиқ, 4 марта культивация, 2 марта азотли ўғитлар билан ( $N_{150}$ ) озиклантириш, 8-9 марта суғориш ўтказилди.

Палаклар сарғайиб, остки барглари қуригач, ҳосил қўлда йиғиштириб олинди, ҳар бир нав ҳосили алоҳида тортилиб, умумий ва товар ҳосилдорлик аниқланди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, картошка навлари ўсимталаридан ўстирилганда ҳосилдорлик гектаридан 11,6 тоннадан 23,0 тоннани ташкил этди. Шундан энг юқори ҳосилдорлик тезпишар навларда Дельфин (18,7 т/га), Қувонч – 16/56 м (18,1 т/га), Ред Скарлет(20,8 т/га), Бинелла(19,6 т/га), ўртатезпишар навларда эса энг юқори ҳосил чиқими Romano (20,8 т/га), Kondor (20,7 т/га), Marfona (19,7 т/га), Memphis (19,2 т/га), Обеликс (18,8 т/га), Бахро-30 (19,7 т/га), Силвана (18,9 т/га), Аладин(18,7 т/га)да кузатилган бўлса, ўртапишар навларда ушбу кўрсаткич Арнова(22,9 т/га), Мондиал(19,2 т/га), Arinda (21,5 т/га), Ҳамкор-1150 (19,6 т/га), Альтаир (18,7 т/га) навларида қайд этилди. Ҳосилдорлик жиҳатидан энг паст кўрсаткич Balbina (11,6 т/га), Даренка (12,0 т/га), Аспия (14,0 т/га), Arkadia (14,1 т/га) навларида кузатилди. Картошка навлари ўсимталаридан ўстирилиб етиштирилган ҳосилнинг товарлиги 87,0-97,0 % дан иборат бўлди.

**С.САНАЕВ,**

СамҚХИ катта илмий ходим  
изланувчиси.





## ЖАМОАСИ

Қуёшли Ўзбекистонга тўқинлик, бахт-саодат, улғворлик олиб келаётган Наврўз айёми билан аграр соҳа вакиллари, жамики ўзбек халқини чин дилдан табриклайди. Баҳор шуқуҳи қалбларимизга шодлик бахш этган бир паллада ҳар кунимиз омадларга тўла бўлишини тилаб,

### БАРЧА ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҒИ ТЕХНИКАЛАРИНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ



Реклама

Маҳсулот сертификатланган (+99871) 150-58-58, 150-68-68



Сайт: [www.sninvest.uz](http://www.sninvest.uz)  
E-mail: [info@sninvest.uz](mailto:info@sninvest.uz)

# Тўрткўл туман ҳокимлиги ва туман Фермерлар кенгаши

*Бунёдкор халқимизни, яшиллик олами*

*фидойиларини кўҳна ва*

*навқирон байрам – Наврўзи*

*олам билан самимий қутлайди.*

*Ватанимиз равнақи ва*

*ободлиги йўлида амалга*

*ошираётган ишларимизда*

*зафарлар ёр бўлсин.*

*Баҳорий кайфият кўнгилларимизни*

*асло тарк этмасин!*

# ТАЪЛИМДА ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЎРНИ

**Табиатдаги ўзгаришлар, турли ҳодисалар инсоннинг ақлига, ҳиссиётига ва танасига кучли таъсир қилади. Масалан, чакмоқ чакса кўриқиб кетасиз; зилиқ ёмғир ёғса қалбингизда яхши кайфият уйғонади; зилзила, сув тошқини ёхуд бўрон бўлса, даҳшат ичида қоласиз, осмондаги булут тарқамай тураверса, юрак сиқилиб кетади. Табиат ва руҳият бунчалик бир-бирига сирдош бўлмаса!**

Ҳар бир инсон табиатга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Аслида табиат нима-ю, инсон ким? Табиат – оламнинг, моддий дунёнинг бир қисми, ер юзидаги мавжудотнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат билан жамият чамбарчас боғланган. Инсон ўзига керакли барча нарсани табиатдан олади ва ўзи ҳам шу табиатда бўлади.

Ҳа, табиат ва инсон ҳаммиса бир-бирига уйғун. Бирининг тақдири, иккинчисининг тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган. Ачинарлиси, “Компьютер асри”, “Ахборот асри”, “Юксак тараққиёт асри”, деб турли ном олаётган XXI асрда инсоният олдида жиддий муаммо пайдо бўлдики, бу ҳам табиат билан бевосита боғлиқ. Шу боис мазкур муаммо оқибатлари ва сабабларини бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Она сайёрамизда аҳоли нуфуси йил сайин кўпайиб, тараққиёт жадаллашгани сари инсоннинг табиатга таъсири ҳам кучайиб бораёттир. Пировардида табиий бойликлар камайиб, атроф-муҳит ифлосланаяпти, экологик мувозанат бузилаяпти. Табиий офатлар, кутилмаганда юзага келаётган экологик тангликлар жаҳон аҳлини тобора ташвишга солмоқда. Бу эса инсониятни табиат билан муносабатларни тўғри ва оқилона изга қўйиш, уни муҳофаза қилишда кечиктириб бўлмас чораларни кўришга ундамоқда.

Фан-техника ривожланмаган даврларда инсоннинг табиатга таъсири маҳаллий аҳамият касб этиб, ўша ҳудуддагина сезилган бўлса, ҳозирда бир минтақадаги экологик инқироз бутун сайёрамиздаги ўзгаришларга олиб келмоқда.

Мамлакатимиз ўзига хос тараққиёт йўлидан бориб, кўплаб соҳаларда ижобий натижаларга эришмоқда. Шу жумладан, эко-

логия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Юртимизда тўрт минг саккиз юздан ортиқ ўсимлик, қарийб ўн олти мингга яқин ҳайвон тури учрайди. Уларнинг муайян қисми фақат бизнинг минтақамиздагина мавжуд. Ўттизга яқин кўриқхона, миллий табиат боғлари, ноёб ёввойи ҳайвонларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган марказлар, табиат ёдгорликлари бор. Ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини кўпайтиришга мослаштирилган, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва кўриқхоналар майдони кенгайтирилмоқда.

Экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ва мазкур соҳанинг турли жиҳатларини тартибга солувчи 30 га яқин қонун ва 170 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишда жамоатчилик ролини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтларини янада фаол жалб қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Сабаби фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этмасдан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳоли ҳаёти учун мақбул экологик шароитларни яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва умуман, экологик хавфсизликни таъминлаш каби вазифаларни самарали ҳал этиш мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунда аҳолининг экологик маданиятини ошириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Агар эътибор берсак, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик иншоотлари атрофига албатта манзарали дарахтлар ва гуллар

экилмоқда. Айниқса, юртимизда қурилаётган ҳар қандай завод ёки фабриканинг, аввало, экологик хавфсизлигига эътибор қаратилади. Мана шу каби мисоллар орқали давлатимизнинг экологик сиёсатини ёшларимизга тушунтириб бориш даркор. Токи улар бу юксалишлардан фахрланишлари билан бирга, қалбларида табиатга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ҳам туйсинлар.

Зеро, халқимиз азалдан табиатга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, ён-верини тоза-озода, покиза саклашни миллий тарбиянинг бир бўлаги сифатида эътибор беради. Одоблилиқ уйи, ҳовлиси, кўчаю маҳалласи озодалиги, орасталиги билан белгиланади. Бу хислатлар бугун кекса авлод вакиллари ҳамда мурабийлар томонидан ёшлар қалбига, шуурига сингдириб борилмоқда. Баҳор кунларида ўқув муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган хашарлар ёшларимиз учун экологик тарбиянинг бир кўриниши бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ўқув хоналаридаги гуллар, ҳовлидаги гул ва дарахтлар парвариши йигит ва қизларимизда меҳнатга кўникма ҳосил қилиш билан бирга улар қалбида табиатга меҳрни оширади.

Таълим муассасаларида табиатни асраш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадида, “Гуллар ва қушлар байрами”, “Табиатни асраш – бурчимиз!” каби тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам аслида ўқувчи-ёшларнинг табиат ва экология ҳақидаги билимларини бойитишдан иборат.

Аслида ҳам ҳар бир ота-она фарзандига она табиатни севишни ўргатса, атроф-муҳит, ҳайвонот ва наботот оламини асраб-авайлаш лозимлиги ҳақида маълумот бериб борса, нур устига аъло нур бўлади. Зеро, экологик тарбия оиладан бошланиши сир эмас. Бинобарин, ота-боболаримиздан бизга мерос ҳисобланмиш она табиатни софлигича келгуси авлодларга етказиш нафақат соҳа ходимлари, балки ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**М. РАЖАБОВА,**

С.Сирождинов номли академик лицей ўқитувчиси.



# ТАЪЛИМ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Фан, техника ва технологиялар тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқликни бартараф этиш зарурати олий педагогик таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли янада юқори долзарблик касб этмоқда.**

Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил ва мустақам шаклланишига қулай шароит яратади.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча, тасаввурлар ва ахборотлар ҳамма кескин ортиб бормоқда. Бу бир томондан фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланишини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида ҳукмрон бўлган чегараларни бузиб, интеграция жараёнини жадаллаштиришни талаб этади.

Таълим йўналишлари “бошидан кечириётган” бундай дифференциялашиш ва интеграция жараёнларининг ўқитишда ўз аксини етарли даражада топа олмаётгани ҳам бугунги олий таълим тизимида маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотларнинг унда акс этиши орасида узилиш вужудга келмоқда.

Шу сабабдан ўқитишни ва ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларини қайта қараб чиқиш зарур. Бундай муаммоларни бартараф этишда таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий таълим тизими шахсга йўналтирилган характерга эга бўлиши, яъни шахснинг ҳар хил хусусияти ва сифатига эътибор қилган ҳолда дифференцияланган бўлиши зарур.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш аввало таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Шу пайтга қадар мавжуд таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, айти пайтда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик - ўқишга ўргатишга йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-талаба парадигма-

си талаба-дарслик-ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашиши зарурдир. Замонавий педагог кадрлар янги статусга эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида ўқитувчи ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаши керакки, улар талабаларга тайёр билимларни ўзлаштиришигагина ёрдам бериб қолмасдан, айти пайтда, уларда билимларни турли манбалардан мустақил равишда ўзлаштириш, шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши, эришилган билимлардан янги билимлар олишида фойдаланиш малакаларига эга бўлишларига ҳам восита бўлиши лозим. Бундай ўқитишни ривожланувчи ҳам дейиш мумкин.

Ҳозирги пайтдаги ўқув машғулотларининг ташкил этилиши талабадан кундалик фанлар мажмуаси билан ҳам, улар бўйича бериладиган топшириқлар мажмуаси билан ҳисоблашишни талаб қилади. Бу эса амалда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундай шароитда талабалар алоҳида олинган (ўзи жуда қизиқадиган) бирон бир фанга бутун диққат-эътиборини тўлиқ қарата олмайд. Мазкур ҳолларда, назаримизда, модулли ўқитиш энг яхши ечим ҳисобланади.

Ўқитиш назариясида янги педагогик ва ахборот технологияларини бир-бирдан ажратиш мумкин эмас, чунки янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши таълим парадигмасини ўзгартиради ва фақат замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Маълумки, ахборот технологиялари - ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидир.

Ахборот технологияларининг вужудга келиши ва ривожланишини белгилувчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ички омиллар — бу ахборотларнинг пайдо бўлиши (яратилиши), турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳ.к;
- ташқи омиллар — бу ахборот технологияларининг техника-ускунавий воситалар орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш эса улар билан мулоқотда фойдаланувчиларнинг кўникма ва малакаларига боғлиқ.

Кундалик турмушда турли кўринишдаги ахборотлар масалан, матнли, графикли, жадвалли, овозли (аудио), расмли, видео ва бошқа ахборотлар билан ишлашга тўғри келади. Ҳар бир турдаги ахборот билан ишлаш (йиғиш, сақлаш ва ҳ.к.) учун ҳар хил техник характеристикаларга эга бўлган ахборот қурилмалари керак бўлади.

Микроэлектроника ишлаб чиқариш технологиясининг ривожланиши ва замонавий процессорли компьютерларнинг яратилиши ахборотларни қайта ишлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни компьютерлаштиришга катта эътибор берилмоқда, чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Ўқитишни компьютерлаштириш (ахборотлаштириш) ёки ахборот технологияларидан фойдаланиш дастурига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим тизимининг барча погоналарида ахборотлаштиришни етакчи бўғинлигини таъминлаш;
- барча соҳалар бўйича билим беришда ахборотлаштиришни ривожлантиришни лойиҳалаш ва яратиш (мониторинг);
- ахборотлаштириш соҳаларида меъёрий базаларни яратиш (илмий-методик бирлашмалар ва ҳ.к.);
- техник таъминот — компьютерлар, ахборот технологиясининг бошқа қурилмалари, уларга хизмат кўрсатиш учун керакли материалларни яратиш;
- телекоммуникация тармоқлари;
- таъминот ресурслари (дастурий таъминот, интернетдаги ахборотлар мажмуи, маълумотномалар ва ҳ. к.).

**З.БОБОҚУЛОВ,**

**Б.МАВЛОНОВ,**

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини*



**Норин-Наманган ирригация тизимлари ҳавза  
бошқармаси «Попдавсувмахсуспудрат»  
давлат унитар корхонаси жамоаси**

**Ўзининг баракали меҳнат  
ютуқлари билан истиқболи  
порлоқ мамлакатимизнинг  
гуллаб-яшнашига муносиб  
ҳисса қўшаётган қишлоқ  
хўжалиги меҳнаткашларини,  
барча ватандошларимизни**

**Наврўз байрами билан  
самимий табриклайди.**

**Озод ва хур мамлакатимизнинг  
ҳар куни бундан-да гўзал, хирмонлари  
ҳамиша сарбаланд бўлаверсин!**



## ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*In the given article there are adduced the materials about the medical properties of mint asian and marjoram small flowering, which is met under conditions of health-improving camp of Nurabad district of Samarkand region and their application in pharmaceutical industry of Uzbekistan.*

Ер юзида ўсимликларнинг 500 мингга яқин тури мавжуд бўлиб, шунинг 6000 тури инсон ҳаётини фаолиятида турли мақсадларда ишлатилади. Улардан 1500 тури доривор аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги унинг табиат шароити билан узвий боғланган. Шунинг учун республикамизнинг саҳро, чўл, адир ва тоғларида ҳар хил мақсадда ишлатилган юзлаб ўсимлик турларини учратиш мумкин. Биз ўз тадқиқотларимиз давомида Самарқанд вилоятидаги баъзи бир истиқболли доривор ўсимликларни ўргандик. Самарқанд вилояти Нуробод тумани тоғлари ва адирларида тарқалган фойдали ўсимликлардан бири ялпиздир.

Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганда ер устки қисми ўриб олинди ва соя ерда қуритилади. Ялпиз таркибида эфир мойи, флавоноидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Абу Али ибн Сино ялпизни овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи ва қусиш-

га қарши таъсир этувчи дори сифатида ишлатган.

Ялпиздан тайёрланган қайнатма ёки қуритилмаган баргидан олинган шира истисқо, кўтир, бод, меъда, сариқ, кўкрак оғриги, ширинча, йўтал ва бошқа бир қатор касалликларни даволашда ҳамда чанқов босувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади.

Ялпизнинг табиий ресурсларини асраш ва ундан халқ саломатлигини яхшилашда унумли фойдаланишда бу ўсимликдан маданий ўсимлик сифатида экиб ўстиришни йўлга қўйиш мақсадида, СамҚХИ тажриба майдонида уруғини экиб, вегетация жараёни бўйича фенологик кузатишлар олиб борилмоқда. Мазкур тажриба майдонига 2015 йил 18 мартда иккала туридан 1000 донадан уруғ экилди. Тадқиқотларга (жадвал) қараганда, энг кам уруғ униб чиқиши 8 апрелда кузатилиб, у 12 дона mentha piperitада, menhta arvensisда 10 дона ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 28 апрелда эса mentha piperitада 102 дона, menhta arvensisда 115 донага тенг бўлди.

Ундан кейинги кузатишларда уруғ униб чиқмади. Уруғпалласи майсалар бўйининг 2 та уруғпалласини ўлчаганимизда, 8 апрелда иккала ўсимликни узунлиги 2 см га тенг бўлди. 18 апрелдан бошлаб ўсимликларда чинбарглар пайдо бўла бошлади. Бу жараён сентябрнинг охиригача давом этди. Кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, 18 апрелда шакланган чинбаргнинг сони 2, барг бўйи иккаласида ҳам 0,2 см ва эни 0,1 см ни ташкил этди. Вегетация охирига бориб барг сони ва барг эни узунлиги ортиб борди. Чунончи, 28 сентябрдаги кузатишлар натижасида mentha piperitада 40 та, menhta arvensisда 38 та чинбарг пайдо бўлиб, бу барглarning ўртача узунлиги mentha piperitада 4, menhta arvensisда 5,2 см, эни эса биринчисида 2, иккинчи ўсимликда 2,3 см га тенг бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, май ойида барглarning ўсиш тезлиги июнь ойига нисбатан бироз суст бўлди. Асосий ва ён барглarning ўсишини кузатганимизда шу нарса аниқландики, бунда 28 апрелда ҳосил бўлган асосий новданинг бўйи mentha piperitада 1 см, menhta arvensisда 0,4 см бўлиб, унда ён новдалар кузатилмади. Ён новдалarning ҳосил бўлиш жараёни 18 майдан бошланди, бунда ён новдалар сони mentha piperitада 2 та, menhta arvensisда 4 тага тенг бўлди. Ён новдалarning пайдо бўлиши ва асосий новданинг ўсиши 28 сентябрда давом этди, яъни 28 сентябрга келиб, ўсимлик ён новдаларининг сони mentha piperitада 38, menhta arvensisда 28 тага ва асосий новданинг бўйи эса mentha piperitада 40 см, menhta arvensisда 38 см га тенг бўлди.

Демак, чинбарглар ва новдаларнинг интенсив ривожланиши асосан август ойида бўлиб, кейинчалик бу жараён сусайиши аниқланди.

**И.ҲАМДАМОВ**, профессор,

**М.БЕГМАТОВА**, СамҚХИ

тадқиқотчиси.

Ялпиз (Nana)нинг mentha piperitани фенологик кузатиш натижалари

Кузатиш натижалари олиб борилган кун	Барг сони, дона	Барг бўйи, см	Барг эни, см	Поя бўйи, см	Поядаги новдалар сони, дона	Новда ўлчами, см
28.04	4	1	0,8	1	-	-
8.05	8	1,4	1,2	2	-	-
18.05	10	3	1,5	4	2	0,2
28.05	14	3,2	2	6	6	0,5
8.06	18	3,5	2	8	8	2
18.06	22	3,5	2	19	14	6
28.06	28	4	2	48	22	8
8.07	30	4	2	52	30	14
18.07	31	4	2	58	32	15
28.07	32	4	2	60	34	16
8.08	32	4	2	60	34	19
18.08	34	4	2	60	34	19
28.08	36	4	2	60	36	19
8.09	38	4	2	61	38	19,3
18.09	40	4	2	61	38	19,4
28.09	40	4	2	61	38	19,4



# ТУПРОҚНИНГ ФОСФОРЛИ ҲОЛАТИ УНУМДОРЛИК ОМИЛИ

*The data on the effect of phosphorus fertilizers on the content of mobile phosphorus carbonate typical serozem soils. Experimentally established effect of different forms and norms of phosphorus fertilizers on fractional group composition of soil phosphorus. It determines the cost of fertilizers P2O5 NCPHF to increase the content of available phosphorus in the 1 mg / kg P2O5.*

Суғориладиган майдонларнинг фосфорли ҳолати унинг унумдорлиги ва экологик ҳолатини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. Бу ҳолат фосфорнинг ўсимликлар ва тупроқ микроорганизмлари метаболизмидаги энергетик функцияси билан изоҳланади. Тупроқ фосфор ҳолатининг тўлақонли тавсифи унинг фракцион таркиби (ҳажмий омил), тупроқ қаттиқ фазаси билан боғланишининг мустақамлиги (жадаллик омил), қаттиқ фазадан тупроқ эритмасига фосфатлар ўтиши (кинетик омил) тезлигини аниқлаш ҳамда фосфатларга нисбатан тупроқнинг буферлик қобилиятини ўрганишда яққол намоён бўлади. Тупроқ фосфор ҳолатининг энг муҳим параметри бўлиб, унинг фосфатларни қайтадан ҳаракатчанлигини ошириш (фосфатлар депонентлиги) ҳисобланади.

Маълумки, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорининг ошиши гранулометриқ таркибнинг оғирлашуви, қайтарилыш жараёнларнинг оксидланишдан устун келиш ҳолатларида, аморф ва кучсиз кристаллашган темир ва алюминий бирикмаларининг юқори миқдорда бўлиши, фосфатларга илди тизимининг селектив таъсири натижасида кузатилади. Бундан ташқари тупроқ ҳароратининг 10°C дан пасайиши фосфатларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини кескин пасайтиради.

Ушбу масалаларни ўрганиш мақсадида, типик бўз тупроқлар шароитида дала тажрибалари ўтказиб келинмоқда. Тажриба даласи тупроқлари Зарафшон дарёси II терраси лёссимон қумоқларда шакланган типик бўз тупроқлардир. Ундаги гумус миқдори — 1,28 %, умумий азот, фосфор ва калий тегишлича: 0,09; 0,22; 2,20 % ни ташкил этади.

Ҳаракатчан фосфор ва алмашувчан калий билан таъминланишига кўра, кам таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

Тупроқ фосфатлари фракцион таркибига таъсири бўйича фосфор сақловчи ўғитлардан нитрокальций фосфат ўғити (НКФУ), PS-агро ва аммофос ўзаро қиёсан ўрганилди.

Тупроқ фосфор ҳолатини белгилувчи ҳаракатчан фосфор миқдорига таъсири ўғит тури ва меъёрига боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Ўғитсиз — назорат вариантыда ўғитлашдан илгари ҳаракатчан фосфор миқдори вегетация охирига келиб 23,1 мг/кг бўлиши аниқланди. Шуни таъкидлаш лозимки, сабзаёт экинларининг ўсув даври нисбатан қисқа бўлишига қарамасдан, P2O5 нинг дастлабки миқдори ўсув даври охирига келиб камайиши кузатилди. Бу жараён ўсимликнинг тупроқдан фосфорни олиб чиқиши, илдининг мураккаб физиологик жараёнлари билан боғлиқдир.

Тупроқдаги фосфат даражасини ошириши бўйича ўғит турлари ўртасида кескин фарқларнинг кузатилмаслиги, бизнинг фикримизча, ўғит ишлаб чиқарилиш шакли, тупроқдаги карбонатлар миқдорининг юқорилиги, ўғитлар рН кўрсаткичи тупроқ муҳити

реакцияси ва экиннинг фосфор ўзлаштирилиши билан боғлиқдир.

НКФУ ўғити меъёрининг 60 кг дан 180 кг/га гача оширилиши ҳаракатчан фосфор таъминотининг дастлабки миқдорининг ошишига олиб келди.

Шуни таъкидлаш лозимки, тупроқдаги ҳаракатчан фосфорнинг миқдорини 1 мг/кг га ошириш учун ўғитни 140 кг/га P2O5 меъёри қўлланилди.

Тупроқнинг фосфорли ҳолати бу — элементнинг хоссаси ва унинг тупроқ бирикмалари, ўсимликнинг фосфорга бўлган талаби, унинг илди тизими ўзгариши, микроорганизмлар адсорбцияси, тупроқ минералларига синдирилиши ҳамда Ca<sup>2+</sup>, Al<sup>3+</sup>, Fe<sup>3+</sup> ионлари реакцияси натижасида кучли ўзгаради.

Тупроқнинг фосфорли ҳолатини таҳлил қилиш учун сабзаёт ўсув даври охирида тупроқ намуналари фосфатлар фракцион таркиби Чанг-Джексон услубининг Аскинази - Гинзбург вариантыда аниқланди.

Мазкур услуб бўйича тупроқ минерал фосфатлари 4 гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳга (CaI - P) бўш бириккан, (CaII - P) гуруҳига юқори асосли кальций фосфатлари киради ва 4 гуруҳга киритилади.

Иккинчи гуруҳга алюмофосфат (Al - P) лар киради, учинчи гуруҳга кирувчи феррофосфатлар (Fe - P) бўз тупроқларда нисбатан камроқ учрайди.

Тадқиқотларимизда назорат вариантыда умумий фосфор миқдори 1615 мг/кг ни ташкил этиб, унинг 83,0 % (1343 мг/кг) минерал фосфатлар эканлиги, текширилган ўғитли вариантларда умумий фосфор миқдори 1708 — 1750 мг/кг оралиғида ўзгариб бориши аниқланди.

Тупроқ фосфатлари фракцияларидаги энг катта ўзгариш бўш бириккан фосфатлар (CaI - P) фракциясида юз берди. Минерал фосфатлари фракциялари ичида типик бўз тупроқлар шароитида нисбатан инерт фракция Fe - P феррофосфатлар эканлиги аниқланди.

НКФУ ўғитининг меъёри ошиб бориши билан кальций (CaI - P, CaII - P) фосфатлари миқдори ортиб, Al - P ва Fe - P бирмунча камайиши, эримайдиган қолдиқ фракцияси ортиши кузатилди.


Хулоса қилиб айтганда, тупроқ унумдорлиги, унинг экологик кўрсаткичларидан бўлган фосфорли ҳолати, фракцион таркибига ўғитларнинг таъсири асосан бўш бириккан кальций фосфатлари ҳамда ўсимлик озикланиши учун захира ҳисобланган юқори асосли кальций фосфатлари миқдорини оширди.

CaII - P фракциясининг ошиши ушбу типдаги ўғитларнинг кейинги йилдаги таъсири юқори бўлишини таъминлайди.

Сабзаёт экинларини алмашлаб экишда фосфорли ўғитлар меъёрини ишлаб чиқишда тупроқнинг фосфорли ҳолати ва унинг фракцион таркиби бўйича маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**М.ХАЙИТОВ,  
М.МАШРАБОВ,**

*Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.*



Мамлакатимиз  
аҳолисини,  
қишлоқ хўжалиги  
соҳасида  
меҳнат қилаётган  
чорвадору деҳқон  
ҳамда фермерларни,  
соҳа фидойиларини  
янгилашиш ва  
яшариш айёми –  
Наврўзи олам  
билан  
муборақбод этамиз.

**Беруний тумани ҳокимлиги ва  
чорвачиликка ихтисослашган  
«Бозорбой Сахий», «Пахтачи»,  
«Муборақ», «Бахт» фермер  
хўжаликлари жамоалари**





## ЕРЛАРНИ ЛАЗЕР НИВЕЛИРИДА ТЕКИСЛАШ

**Далани текислашдан асосий мақсад, майдон нишаблигини сақлаб қолган ҳолда, суғориш ва механизацияланган агро-техника тадбирларга тўсқинлик қиладиган нотекисликларни йўқотишдан иборат.**

Дала икки хил усулда: умумий (капитал) ва жорий (эксплуатацион) текисланади. Умумий текислашнинг асосий мақсади, табиий ҳолда жойлашган рельеф шароитини қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган дала майдонига айлантиришдан иборат. Бунда суғориш, дренаж-коллектор тизимлари ва экинни дала майдонларини жойлаштириш бўйича текислаш ишлари ўтказилади. Рельефнинг ўрнига қараб умумий текислаш ишлари ҳажми бир гектар майдонда 300-1000 метр кубни ташкил қилиши мумкин.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида жумладан, Андижон, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда ҳосилдорлик пахтадан ўртача 3-4, галладан 4-5 центнергача кўпайган.

Одатда майдон нотекислиги геодезия нивелири орқали аниқланади. Лекин лазер нивелирининг баъзи

қўшимча жиҳозлари дала рельефи нотекислигини тезда аниқлаш учун ҳам хизмат қилади. Бунда дастлабки ишлар режаси лазер нивелирида далани топография қилишдан бошланади. Бажарадиган вазифаси ва аниқ даражаси жиҳатидан лазер нивелири ёрдамида далани топография қилиш оддий нивелирда топография қилишдан фарқ қилмаса-да, вақтни тежаш, ишчи кучини кам сарф бўлиши жиҳатидан самарадорлиги юқори. Агар оддий нивелир бир кунда 4-5 га майдон рельефи топография қилинса, лазер нивелирида буни 2-3 мартага ошириш мумкин. Бунинг учун лазер ўтказгич трансмиттер, линейка, лазер қабул қилгич ва дала координатасини аниқлаш учун GPS керак бўлади. Майдонни топография қилиш 20x20 м ли квадрат катакча усулида аниқланади.

Ҳозирги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида суғориладиган майдонлар унумдорлигини оширишнинг энг замонавий, инноваци-

он технологик усулларида бири қишлоқ хўжалигида ерларни лазер нивелирида текислашни оммалаштиришдир. Ерларни лазер нивелирида текислашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

суғориш сувини ўртача 20-25 фоизга тежаш;

тупроқ шўрланишининг камайиши;

суғориш вақти, ишчи кучи ва энергия сарфининг камайиши;

экинларнинг бир текис униб чиқиши;

тупроқнинг бир меъёрда намланиши;

бугдой ва пахта ҳосилдорлигининг гектарига 4-7 центнерга ошиши;

экинлар ҳосилдорлигини ошиши ҳисобига қўшимча фойда олиниши.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида татбиқ қилинадиган мазкур технология ҳозирча кенг оммалашмаган. Шунинг учун ушбу технологияни чуқур ўрганиш, синовдан ўтказиш, ривожлантириш ва амалиётда кенгроқ татбиқ қилиш талаб қилинади.

**Ў.ИСЛОМОВ,  
С.ХИКМАТУЛЛАЕВ,  
ТИМИ.**

## САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

### жамоаси

**Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини, олим ва педагогларни —**

**Наврўз байрами**

**билан табриклайди.**

**Аграр соҳа вакиларининг**

**ишлари унумли,**

**бободехқонларнинг**

**хирмони баракали бўлишини**

**тилайди.**



# ЎЗБЕКISTON QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабон журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

## Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ  
Аброр ВАХАБОВ  
Музаффар ФАЙЗИЕВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Шухрат ТЕШАЕВ  
Собиржон ЭРГАШЕВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Содиқжон ТУРДИЕВ  
Саидқул АРАБОВ  
Яшин ХИДИРОВ  
Эркин ҚУДРАТОВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ  
Шермат НУРМАТОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Норқул ХУШМАТОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ  
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,  
№3. Март

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун – 894  
ташкilotлар учун – 895

# МУНДАРИЖА

Т. ДОЛИЕВ. Наврўз шукуҳи .....	1
Р.СИДДИҚОВ, И.ЭГАМОВ. Галлакорнинг баҳорий юмушлари .....	2
<b>А.РАЖАБОВ, М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ.</b> Ерларни экин экишга тайёрлаш .....	3
<b>Д.РАШИДОВА, Р.НАЗАРОВ.</b> Ҳам самарали, ҳам арзон .....	5
<b>Р.АБДУЛЛАЕВ, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, М.ИСРОИЛОВ, Н.ДЖАЛИЛОВ.</b> Эрта баҳор тадбирлари .....	7
<b>Д.АБДУКАРИМОВ, М.ЛУКОВ, А.ИСРОИЛОВ, Р.ЗАЙНИТДИНОВ.</b> Эртаги кунгабоқар парвариши .....	9
<b>Б.ХОЛИҚОВ, А.ИМИНОВ.</b> Тупроққа дармон, деҳқонга даромад .....	11
<b>Д.ЁРМАТОВА, М.ҲАМРАЕВА, А.НОДИРОВ.</b> Соя — истиқболли экин .....	13
<b>О.ИБРАГИМОВ, Д.ХЎЖАМБЕРДИЕВ, А.НАБИЖОНОВ.</b> Қизилмия хислатлари .....	14
<b>Д.ЁРМАТОВА.</b> Заъфарон — олтиндан қиммат ўсимлик .....	15
Томорқа — кони барака .....	17
Гуллар — хонадон кўрки .....	19
Харидори кўп экинлар .....	20
Тўкинлик остонаси .....	21
<b>Ш.ХЎЖАЕВ, Қ.БОБОБЕКОВ, Д.ОБИДЖОНОВ.</b> Картошка қуяси .....	22
<b>О.ТУРАЕВ, А.БЕЗВЕРХОВ, З.САИДОВА.</b> А если пчелы исчезнут? .....	24
<b>С. РУСТАМОВ.</b> Эл манфаати йўлида .....	26
<b>З.ҲАФИЗОВА.</b> Агросуғурта — деҳқон мададкори .....	27
Ёз тадориғи кўрилди .....	28
<b>Ш.СОДИҚОВА.</b> Банк, маҳалла ва оила ҳамкорлиги .....	28
<b>Ф.МИРЗАЕВ.</b> Заминга туташ тақдирлар .....	29
<b>Ш.ЖАББАРОВА.</b> Касбидан саодат топиб .....	30
<b>Х. КАРИМОВ.</b> Қанот ёзар бир ташаббус .....	32
<b>Ж.СОДИҚОВА.</b> Қумликларда яралган маскан .....	33
Сурхон шуҳрати тикланади .....	35
<b>А.САТТОРОВ.</b> Уруғчилик истиқболи .....	36
Орзу қанот бўлгач .....	38
Яйлов баҳодири .....	39
<b>К.ЭРГАШЕВ.</b> Меҳнат муродга элтар .....	40
<b>Я.ХУСАНОВ.</b> Ердан самарали ва оқилона фойдаланайлик .....	42
<b>Ҳ.МАРДАНОВ.</b> Истиқболли «Жаркўрғон» ғўза навининг тола чикими ва узунлиги бўйича навдорлигини яхшилаш натижалари .....	43
<b>Н.ЎРАЗМАТОВ.</b> Ғўза навларининг гуллаш динамикаси .....	44
<b>П.БОБОМИРЗАЕВ.</b> “Крупинка” қаттиқ бугдой навининг ўсиш-ривожланиши, дон ҳосили ва сифатининг экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги .....	45
<b>С.САНАЕВ.</b> Картошқачилиқда янги услуб .....	46
<b>М. РАЖАБОВА.</b> Таълимда экология фанининг ўрни .....	49
<b>З.БОБОҚУЛОВ, Б.МАВЛОНОВ.</b> Таълим ва ахборот технологиялари .....	50
<b>И.ҲАМДАМОВ, М.БЕГМАТОВА.</b> Инсон саломатлигида доривор ўсимликларнинг аҳамияти .....	52
<b>М.ХАЙИТОВ, М.МАШРАБОВ.</b> Тупроқнинг фосфорли ҳолати унумдорлик омили .....	53
<b>Ў.ИСЛОМОВ, С.ХИКМАТУЛЛАЕВ.</b> Ерларни лазер нивелирида текислаш афзалликлари .....	55

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

**Манзилими:** 100004, Тошкент  
Шайхонтохур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 4-уй.  
Тел/факс: 241-50-21, 241-30-31,  
241-30-92, 241-61-07.

[www.qxjournal.uz](http://www.qxjournal.uz)

E-mail: [qxjournal@qsxv.uz](mailto:qxjournal@qsxv.uz),  
[uzqx\\_jurnal@mail.ru](mailto:uzqx_jurnal@mail.ru)

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил 27 февраль. Босишга рухсат этилди: 2017 йил 28 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № ..... Нусхаси 5300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Х.МИРЗАЕВ**  
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**



## **«Ўзвиносаноатхолдинг» холдинг компанияси**

**Серқуёш диёримиз аҳолисини кун  
ва тун тенглиги – Наврўз байрами  
билан самимий табриклаб,  
Истиқлол нуридан мунаввар  
қалбларга эзгулик, меҳр-саховат  
ва баҳорий кайфият доимо ҳамроҳ  
бўлишини тилайди.**

**Барча соҳаларда амалга  
оширилаётган ишлар самарали,  
эришаётган ютуқлар янада  
салмоқли бўлсин!**



# **«Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти жамоаси**

**Баҳор ва янгиликнинг  
айёми бўлган Наврўзи олам билан  
халқимизни, соҳа ходимларини  
самимий қутлайди!**

**Овоз ва обод юртимизнинг  
шодлиқларини хурсандчилигимизга,  
тўйларимизга  
уланаверсин!**

*Дунё мамлакатларига  
ҳар томонлама намуна бўла  
оладиган мафтункор диёримизга  
ҳеч қачон кўз тегмасин!*

